

48/
1970/4

Ўзбек тили ва адабиёти

БУ СОНДА:

Юморнинг жанр хусусиятлари
Ёзувчи прозасининг баъзи хусусиятлари
Қасида жанри ва Бадри Чочий
Навоий ва Нисорий
Тил тараққиётининг муҳим масалалари
Берунийнинг лингвистик қайдлари
Феълнинг бўлишсиз формаси
Диалектология ва терминология масалалари
Классик поэтикадан маълумотлар
Тирик сатрлар: Ойбекнинг номаълум асарлари

Ўқ
№



1970

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ


Ўн учинчи йил чиқиши

ИЮЛЬ—АВГУСТ

4



1970



ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ

Бош муҳаррир — ЎзССР ФА академиги **К. Н. ЯШИН**

Таҳрир ҳайъати: ЎзССР ФА академиклари: **В. А АБДУЛЛАЕВ, В. П. ЗОҲИДОВ**, ЎзССР ФА мухбир аъзолари: **И. О. СУЛТОНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **Ю. С. СУЛТОНОВ, Ш. Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ**, фалсафа фанлари доктори **Қ. Х. ХОНАЗАРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), филология фанлари докторлари: **Ф. А. АБДУЛЛАЕВ, Ҳ. И. ЕҚУБОВ, Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, С. И. ИБРОҲИМОВ, Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ, А. Ҳ. ҲАЙИТМЕТОВ, А. Ҳ. ҲОЖИЕВ**, филология фанлари кандидати **Н. Ф. ҚАРИМОВ** (масъул секретарь)

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Вып. 4

Наширёт муҳаррирлари **Д. Муминова, Ф. Тошматова, Н. Раҳимова**
Техмуҳаррир **Б. Муминов**
Корректор **Ҳ. Қурбонова**

Р06958. Теришга берилди 24/VI-70 й. Босишга рухсат этилди 21/VIII-70 й. Формати 70×108^{1/16} -2,75
қоғоз л. — 7,7 босма л. Ҳисоб—наширёт л. 7,5. Наширёт № 601. Тиражи 13885. Баҳоси 36 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмаханаси, Черданцев кўчаси, 21. Заказ 144.
Наширёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

Адресими: Тошкент—ГСП, Гоголь кўчаси, 70. „Ўзбек тили ва адабиёти“ редакцияси.
Телефон В3-34-09. Коммутатор В 9-99-71-75, орқали кўшимча 0—81.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

М. ҚУШЖОНОВ

ЮМОРНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Ҳажвий асарлар билан юмористик асарлар ўртасидаги фарқ, бизнинг назаримизда, аввало инкор қилиш усулига, ҳажвий мақсад учун қўлланилган йўл ва воситаларга боғлиқ. Ҳажвий асарларда бош восита аёвсиз, жиддий фош қилиш бўлса, юмористик асарларда бош восита масхара қилувчи аччиқ хандадир. Тўғри, ҳар бир ҳажвий асарда ҳам аччиқ ханданинг ўрни бор. Гап мана шу ўрнининг даражасида. Жиддий фош қилувчи йўл билан яратилган ҳажвий асарларда аччиқ ханда қандайдир ёрдамчи ролни ўйнаб, аёвсиз фош қилиш йўлини яна ҳам қувватлаш учун хизмат қилади. Юмористик асарларда эса аччиқ ханда бош ролни ўйнайди. Соф ҳажвий асарларда жиддий фош қилиш — асарнинг жони, ханда — тани бўлса, юмористик асарларда масхараловчи ханда унинг ҳам жони, ҳам танидир.

Ҳажв билан юмор ўртасидаги фарқ ҳақида эстетика ва адабиётшуносликда ҳанузгача ҳар хил фикрлар айтилиб келинмоқда. Бировлар юмор билан сатира орасидан катта фарқ ахтариб, адабиётнинг бу икки турини бир-бирига зид қўйишгача бориб етадилар. Чунончи, ўзбек ҳажвияти ҳақида каттагина асар яратиб, кўпгина қимматли фикрлар айтган Ҳафиз Абдусаматов ҳажвият билан юмор орасидаги фарқ ҳақида шундай деб ёзади: «Юморнинг сатирадан фарқи шундаки, у, маълум социал ҳодисани бутунлай барҳам беришга тарғиб қилмасдан, балки ундаги нуқсон ва камчиликларни йўқотишга ундайди»¹.

Сиртдан қарасангиз, бу хилдаги фикрни айтишга тадқиқотчининг ҳаққи бордек кўринади. Юмор шунчаки кулгидек кўринади. Кулгувчи кулгига дучор бўлган воқеа ва ҳодисани шу ондаёқ ер билан яқсон қилишни назарда тутмайди, албатта. Бундан ташқари, Ҳафиз Абдусаматов мазкур ақидани олға сурар экан, олдин яратилган адабий манбаларга, масалан, танқидчи Д. Николаевнинг фикрига асосланади. Д. Николаев «юмор» сўзининг маъносини шарҳлаб, «Юмор билан инсонлар ғазабли равишда масхараланмайди, улар руҳан ўлдирадиган кулгига дучор қилинмайди. Жиддий салбий характерга эга бўлмаган, ўзида жиноятли ишларни акс эттирмаган предметларни фош қиладиган, тузатиш осон бўлган, чуқур илдиз отиб кетмаган нуқсонларни йўқотишга қаратилган кулги — юмордир», деган экан.

Бошқа бир адабиётшунослар юморнинг асосини бошқачароқ тушунадилар. Улар юморнинг назарий асосини улуғ танқидчи Н. Г. Чернишевскийнинг комизм «мазмунсиз шаклнинг ўзини мазмунли қилиб кўрсатишга интилишдан иборатдир», деган фикридан келтириб чиқарадилар.

¹ Ҳ. Абдусаматов, Ўзбек сатираси масалалари, Тошкент, Ф. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 208-бет.

«Шундай қилиб,— деб ёзади А. П. Чехов маҳоратини тадқиқ қилган адабиётшунос В. В. Голубков,— комизм, Чернишевскийнинг тушунишича, гўзалликни эстетик идеални ифода қилишнинг бир йўли, инкор қилиш йўли ҳисобланади. Бадий асар ҳаётнинг маъно ва мазмунсиз шаклидан ёки ўзини мазмунли қилиб кўрсатишга уринаётган шаклдан кулар экан, шу йўл билан ёзувчи ҳаётнинг мазмунли, ҳақиқий гўзал томонига интилиш уйғотади.

Бундай кулги ё у, ё бу даражада социал аҳамиятга эга. Шундай экан, фақат сатира эмас, юмор ҳам социал маъно касб этади².

Биз юмор ҳақида фикр юритар эканмиз, ўзимизни В. В. Голубков тарафдори ҳисоблаймиз. Яъни юмор ҳам сатира сингари муҳим социал аҳамиятга эгадир деймиз. Унинг социал мазмуни сатиранинг социал мазмунидан заиф бўлмаса керак. Юмор «маълум бир социал ҳодисани бутунлай барҳам беришга тарғиб қилмасдан, балки ундаги нуқсон ва камчиликларни йўқотишга ундайди»ган кўнгли бўш энага эмас, балки адабиётнинг салбий воқеа ва ҳодисаларга тўла барҳам беришга сатира сингари хизмат қиладиган жанговар жанрларидан бири. Бу жанр ҳам «руҳан ўлдирадиган» кулгига дучор қила олади, тузалиши қийин бўлган, жамият ҳаётида чуқур илдиз отиб кетган жиддий салбий характердаги нуқсон ва камчиликларни ҳам йўқотишга қарши кураша олади.

Юморнинг социал моҳияти ҳақида ҳар хил фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб ҳам бор. Ҳаётдаги драматик ситуацияларни, сатирик ҳолатларни акс эттирувчи адабиётнинг бошқа турларига қараганда, оморда маъно кўпроқ яширинган бўлади. Яширинган маънони топиб, гаҳли қиладиган бўлсангиз, бу жанрнинг ҳам социал маъноси адабиётнинг бошқа турларидан сира кам эмаслигини сезиш мумкин.

А. П. Чеховнинг бир ҳикоясида шундай кулгили ҳолат тасвирланади: Хонада қиз билан йигит суҳбатлашяпти. Қизнинг ота-онаси эшик тирқишидан қараб суҳбатга қулоқ солиб туришипти.

Бу воқеани тугалликка олиб борадиган иккинчи воқеа шундай: йигит билан қиз ораларидаги муҳаббатга оид гапларни эшитган она ва ота суҳбат бирон кўнгилсизлик билан тугалланишидан қўриқиб, тезроқ уларга фотиҳа бермоқчи бўладилар. Қизнинг онаси бутга чопади. Уша замон одати бўйича, қиз билан йигит олдига бутни қўйиб фотиҳа бериш керак экан. Она хурсандлигидан ўзини йўқотиб қўяди-да, бутни ўрнига деворда осиб қўйиб турган ёзувчи портретини олиб келади.

Воқеанинг учинчи «банди»: чол билан кампирнинг шошилиб зарур нарса ўрнига нозарур нарсани олиб келганларидан фойдаланиб, бўлғуси қувв қочиб қолади. Ҳикоя шу билан тугалланади.

Юзаки қараганда, бу воқеалар оддий латифага ўхшайди. Бироқ чуқурроқ ўйланса, бу воқеаларнинг негизда катта социал маъно борлигини англайсиз. Ҳикоянинг бош қисмидаги воқеани олайлик: Ота-онанинг қиз билан йигит ораларидаги суҳбатни тинглашларининг ўзида жиддий, инкорга лойиқ, кулги уйғотадиган маъно бор. Бир-бирларига муҳаббат изҳор қиладиган ёшлар суҳбатига қулоқ солиш (айниқса улардан бири тингловчига фарзанд бўлса) одобдан эмас. Одамгарчиликка, одоба тўғри келмайдиган ишларни тўғри, деб амалга ошириш инкор ва кулгига сазовордир. Демак, ҳикоянинг бошидаёқ китобхонда бу воқеага нисбатан салбий муносабат ва кулгили кайфият уйғотади.

Воқеанинг иккинчи қисмидан ҳам худди шундай маъно чиқади. Ота ва онанинг қиладиган ишлари ўзи одамгарчилик нормаларидан чекиниш бўлса, шу чекиниш йўли билан амалга ошириладиган тадбир ўша шахсларнинг ўз хатти-ҳаракатлари билан барбод бўлади. Одамгарчилик

² В. В. Голубков, Мастерство А. П. Чехова, М., Учпедгиз, 1958, стр. 40

нормаларидан чекиниб, маълум бир мақсадга эришиш йўлида қилинган жиддий хатти-ҳаракатларни кузатиб, бир марта кулсак, уни ўз қўллари билан барбод қилишларини кўриб, иккинчи бор куламыз ва инкор қиламыз.

Воқеанинг учинчи қисмида ҳам шу сингари кулги ва инкор бор. Чол ва кампирнинг қайси бир принцип асосида ҳаракат қилаётганлиги билан қочқоқ куёвнинг иши йўқ. У енгил хаёл билан қиз олдига келган, ишнинг жиддий тус олишидан қўрқиб, имконият борида жўнаб қолган. Демак йигит ҳам одамгарчилик нормаларидан чиққан ҳолда бу уйга қадам қўйган ва шу одамгарчилик нормаларидан чиққан ҳолда қочиб қолган. Бошқача айтганда, одамгарчилик нормаларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларини шу нормага тўғри келадиган қилиб кўрсатмоқчи бўлган-ку, ишнинг жиддий тус олишидан қўрқиб қочган.

Булар «муваффақиятсиз» деб аталмиш бу ҳикоянинг ҳар бир воқеий жабҳасида ифодаланган бўлиб, уларнинг бирлигидан яна ҳам мукамалроқ, яна ҳам социалроқ маъно келиб чиқади. А. П. Чехов замонида ҳаётга мешчанларча назар билан қараб қиз ўстирган ота ва оналар фақат битта орзу билан — ўз қизларини бадавлат бир кишига узатиш орзуси билан яшаганлар. Шу сабабдан улар қиз билан йигитнинг бир-бирини севиш-севмаслиги, маъқул кўриш-кўрмаслиги билан сира ҳам ҳисоблашмасдан, тўғри келган бойроқ, пулдорроқ, мансабдорроқ кишига тезроққина узатишга шошилганлар. Йигитлар эса ота-оналарининг шу хилдаги орзуларидан ўзларининг енгил-елпи ниятлари йўлида фойдаланганлар. Чеховнинг юмористик найзаси эски жамиятнинг мана шу касалига қарши қаратилган. Бу касаллик ўша давр Россиясидаги иқтисодий ва сийсий тузум туфайли жамият орасида кенг илдиз отган бўлиб, социал ҳаётдаги тенгсизликка қарши кураш билан баробар бундай касалликларга қарши ҳам кураш эълон қилиш зарур эди. А. М. Горький каби марксизм ғоялари билан таниш санъаткорлар буни онгли равишда революцион ишнинг бир қисми сифатида амалга оширган бўлсалар, А. П. Чеховга ўхшаган революцион ғоялардан узоқроқ турган санъаткорлар ўз миллати ҳаётидаги иллатларга қарши курашиш маъносида, жамият йўлига тўсиқ бўлиб турган ҳаётний масалаларга актив муносабат билдириш маъносида бу хил касалликларга қарши курашганлар.

Бас, шундай экан, юморнинг бошқа жанрлардан фарқи унинг маълум бир социал ҳодисани бутунлай барҳам беришга тарғиб қилмаслигида, инсонларни ғазабли равишда масҳара қилинмаслигида, чуқур илдиз отиб кетмаган нуқсонларнигина тузатишга қаратилганлигида, деб тушуниш тўғри бўлармикин? Агар тўғри бўлса, адабиётнинг энг муҳим аънаналаридан бири бўлмиш жанговорлик хусусиятига путур етган бўлмасмикин?

Уйлаймизки, бу фикрни далиллаш учун А. П. Чехов ҳикоялари сингари ўзбек совет ҳажвиячи ва юмористлари ижодлари, шу ҳисобдан Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳам етарли материал беради. Бироқ айтишлари мумкин: «А. П. Чехов — капиталистик зиддиятлар кучайган бир даврда танқидий реализм асосида ижод қилган ёзувчи, Абдулла Қаҳҳор эса антоганистик зиддиятлар бутунлай зарбага учраган янги даврда яшаб ижод этган, янги метод — социалистик реализм методи ёзувчиларидан. Бас шундай экан, бу иккала ёзувчининг ижоди бир масалани бир хилда таҳлил қилиш учун хизмат қилиши мумкинми? Биз «мумкин!» деб жавоб берамиз. Чунки адабиётнинг шундай принциплари борки, санъаткор ёзувчилар ҳар хил жамият ҳаётида туриб, ўша принципга асосланиб, ижод қила беришлари мумкин. Адабиётнинг бош принципларидан бири — кишилар онгига таъсир қилиш. Бу таъсирни адабиёт икки йўл билан ўтказди. Ҳаётдаги ижобий томонларни улуғлайди,

салбий томонларни қоралайди. Ҳаётнинг салбий ва ижобий томонлари эса истаган жамиятда бўлиши маълум. Эски тузум заминиди адабиёт ҳаётнинг салбий томонларига қарши аёвсиз курашган бўлса, янги тузум заминиди ҳам ҳаётнинг олға қараб силжишига тўсиқ бўладиган камчилик ва нуқсонларга қарши аёвсиз курашади, ўзининг жангворлик принципини сира ҳам камайтирмайди. Камайтирган тақдирда, қайси бир жанрда бўлишидан қатъий назар — сатирамн, юморни — конфликтсизлик ботқоғига ботиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу асосда совет сатирик романларини махсус тадқиқ қилган А. Вулиснинг фикрлари тўғрига ўхшайди. Кулгини беозор ва заҳарханда кулгига ажратиб, уларни бир-бирларига зид қўювчи — бирида жамият учун зарарсиз элементлар фош қилинади, иккинчисиди эса жамият учун хавфли элементлар фош қилинади, деб қаровчи танқидчиларга қарата, у шундай деб ёзади: «Шу даражада сатира билан юморни бир-биридан ажратиб қўйиш тўғри бўлмаса керак... Сатира ва юморни белгилайдиган элемент сифатида унинг социал маъносини олиш тўғри бўлмаса керак...»

Аслида юмористик кулги — бўлажак касалнинг олдини олиш, биринчи қарашда унча зарарсиз бўлиб кўринадиган, бироқ имконият бўлса, катта социал касалга айланадиган хато ва камчиликларга қарши қўйиладиган социал филтёр. Юмор орқали жамият ўзининг ҳамма аъзоларига тарихан текшириб кўрилган ахлоқ нормаларини эслатиб туради, у орқали жамият ҳар қандай умум қоиладан чекинишларга қарши курашади, зарарли ўтларни ҳали униб чиқмаган пайтида қирқиб ташлайди, — сатира актив даволаш, юмор эса касалнинг олдини олиш...³

Демак, объект ҳам бир (жамият ҳаётида бўлиши мумкин бўлган ҳар хил касалликлар), мақсад ҳам бир (бу касалликларга қарши кураш); фақат кураш йўли бошқа, восита ўзга. Бирида ўсиб етишган «зарарли ўтни» юлиб ташлаш, иккинчисиди ўша ўтни ҳали шох чиқариб, илдиз отиб улгурмасдан куйдириш.

Баъзан кулгини беозор ва озор етказадиган кулгига кескин ажратиб қўйиш асарлардан нотўғри хулосалар чиқаришга ҳам олиб келади. Ҳафиз Абдусаматов Ф. Фуломнинг «Менинг ўғригина болам» ҳикоясини таҳлил қилиб, шундай фикр юритади: «Ҳикояда автор жуда камбағал, қозонини сувга ташлаган оиланинг «сичқонлар ҳасса таяниб» юрган уйини шилишга тушган ўғрини ҳам, кампирни ҳам қаттиқ қораламоқчи, уларни сатира остига олмоқчи эмас, аксинча уларни, айниқса ўғрини оқламоқчи. Адиб кишиларни шундай оғир аҳволга солиб қўйган сабабни ёрқин оча билиши туфайли, ўқувчида ўғрига нисбатан ҳам, кампирга нисбатан ҳам симпатия уйғотади...»

Ҳафиз Фулом ҳам кампирда, ҳам ўғрида одамгарчилик, гуманизмни тасвирлайди⁴.

Бу кўчирмада иккита хулоса бор: бир хулоса — ёзувчи кампирни ҳам, ўғрини ҳам, умуман меҳнаткаш аҳлини оғир аҳволга солиб қўйган тузумни қоралайди, унга нисбатан нафрат тошини отади. Бу тўғри. Иккинчи хулоса — ёзувчи китобхонда кампирга нисбатан ҳам, ўғрига нисбатан ҳам симпатия уйғотмоқчи, улардаги гуманизмни очиб бермоқчи. Кампирга нисбатан бу гап балки тўғридир. Ўғри образига нисбатан эса бу фикрлар мутлақо тўғри эмас. Наҳот, Ҳафиз Фулом ўғридан одамгарчилик, гуманизм излаган бўлса!

Бизнинг назаримизда, ҳикоянинг маъноси қуйидагича талқин қилинса бўлар эди: Ҳаётнинг оғир кунларида ҳам нур сочиб турган она қалби олдида ўғрининг муз юраги ожиз. Она қалб ҳароратини ўғрини чекинтириш, уни эгри йўлдан қайтариш учун сочаётгани йўқ. Агар

³ А. Вулис, Советский сатирический роман, М., Изд-во «Наука», 1965, стр. 10.

⁴ Ҳ. Абдусаматов, Уша асар, 211-бет.

шундай қилса, бу сохта бўларди, бу ҳолда у ўғрига ҳам, китобхонга ҳам таъсир қилолмас эди. Кампир қалб нурини оналик бурчинни адо этиш учун тўкади. Унинг назарида, ёнида ётган тўртта етимча ҳам, ўғри ҳам — одамзод фарзандлари. Ўғри шуни тушунади, шунинг учун кампирнинг уйдан бирон нарса олиб кетишга жазм қила олмайди. Бироқ бу, ўғри ўз йўлидан қайтди, деган хулоса эмас. У кампирнинг оналик қалб ҳарорати олдида чекинди, холос. У бугун кампир қалбининг деворидан ошиб тушишга жазм қилолмаган бўлса, эртага бошқа бир уйнинг деворидан ошиб тушиши ва ўрганган тирикчилик йўлини давом қилдириши мумкин. Шу сабабдан ўғри образидан одамгарчилик ва гуманизм излаш тасвирланаётган образ ва замон руҳига зидга ўхшайди.

Хўш, умуман беозор кулги борми? Баъзи фактларга қараганда, борга ўхшайди. Лекин бу беозор кулгининг ўрни ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам жуда кам кўринади. Шу даражада камки, ҳатто унинг мавжудлиги ҳақида фикр юритишга одамнинг тили бормаيدди. Н. Г. Чернишевский ҳар бир юмор асосида бир-бирига боғлиқ икки нарсани кўрган экан. Улардан бири — кулги, иккинчиси — ғам-ғусса. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар бир кулгининг тагида кулдирувчининг ғам-ғуссаси ётади, кулдирувчи китобхонни кулдира туриб, ўша ғам-ғуссага шерик қилмоқчи бўлади.

Ғам-ғуссасиз, инкорсиз кулги бўлмаса керак. Демак, беозор кулгининг бўлиши гумон. *Беозор* деган термин ўз ўрнида ишлатилмаётганга ўхшайди. Унинг ўрнига *кулги* деган термин ишлатилгани маъқулмикин? Бироқ бу термин ҳам изоҳ талаб қилади. Гап шундаки, санъаткор бировнинг устидан кула туриб, унинг шахсиятидаги иллатларни фош қила туриб, унга умуман хайрихоҳлик билдирмайди. У маълум бир шахснинг маълум томонларини инкор қила туриб, инкор қилинаётган томонлардан кула туриб, унинг характеридаги маълум бир томонларга хайрихоҳлик билдириши мумкин, холос.

М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романидаги Шукар бува образидеги кулгилар кўпроқ хайрихоҳлик кулгиларидир. Бироқ шунда ҳам Шолохов Шукар бува характеридаги нималарнидир инкор қилади — инкор қилиш учун ундан кулади. Унинг характеридаги оддий меҳнаткашга хос баъзи белгилар эса ёзувчини унга хайрихоҳ қилади. Шунинг учун хайрихоҳки, ундаги ижобий белгилар маълум бир шароитда ўсиб, улғайиб, уни халққа керак одамга айлантириши мумкин. Унинг шахсидаги кулги орқали инкор қилинаётган томонлар эса маълум қулай шароитда ўсиб, улғайиб коллектив учун зарарли касалга айланиши мумкин. Ёзувчи ундан кула туриб, ўша зарарли касалга сабабчи бўладиган шахсларнинг борлигидан ғам тортади. Йирик талант эгалари доим жамият посбонидирлар. Улар ҳаётдаги ўзларининг эстетик идеалига мос томонларни сақлайдилар, сақлайдиларгина эмас, уларни гўё парвариш қиладилар — улуғлайдилар, ташвиқот қиладилар, шу билан уларга йўл очиб бериш учун хизмат қиладилар. Эстетик диллари кўтармайдиган томонларни кулги ўтида ёндиришга, кулини кўкларга совуришга ҳаракат қиладилар. Ҳақиқий санъаткорнинг ҳар бир жамиятда ҳам қиладиган иши шу. Буни бутун дунё адабиёти тарихи, шу жумладан улуғ рус адабиёти тарихи ҳам, ўзбек адабиёти тарихи ҳам исбот қилади. XIX аср ва XX асрнинг бошларидаги илғор рус адабиёти намояндлари ўзларининг инсонийлик бурчидан келиб чиққан ҳолда, ўзлари яшаётган жамият ҳаётидаги қанчадан-қанча илғор ва революцион тенденцияларни парвариш қилмадилар, эстетик идеалларга тўғри келмайдиган қанчадан-қанча томонларга қарши ўт очмадилар, дейсиз. Бу даврлардаги ўзбек адабиёти тарихи ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Ҳозир ҳам шу. Ҳақиқий санъаткор нималарнидир улуғлайди, нималаргадир қарши ўт оцади.

Бироқ ўтмишда ҳаёт шароити шундай эдики, ҳақиқий санъаткор ниманики қувватласа, ҳаёт шароитлари уни ерга урар, унга қарши кураш эълон қиларди, санъаткор нимагаки қарши ўт очса, ҳаёт шароитлари унинг яна ҳам чуқурроқ илдиз отишига, жамиятда яна ҳам мустаҳкамроқ ўрин олишига имкон берар эди. А. П. Чеховнинг «Ёвуз ниятли киши» сидаги жаҳолат маҳсули бўлган Денисни прокурор қамоққа олар экан, бу билан адлия вакили жаҳолатга қарши курашиб, санъаткор томонини олаётгани йўқ, балки жаҳолатнинг ҳаётда яна ҳам мустаҳкамроқ ўрин олишига сабаб бўлаяпти. Шу сабабдан буюк санъаткор ҳам жаҳолат уруғидан униб чиққан Денис аҳволидан кулса — албатта, ачинган ҳолда — унинг кўпайишига ўз ҳиссасини қўшаётган адлия вакили устидан ҳам, умуман жамият устидан заҳарханда кулади.

Ҳозир ҳам ҳақиқий талант эгалари жамият посбони. Бироқ ҳаёт бошқача. Ҳақиқий санъаткор ниманики улуғласа, ниманики парвариш қилмоқчи бўлса, ҳаёт шароитлари ўшани улуғлайди, парвариш қилади. Санъаткор ниманики қораласа, нимагаки қарши ўт очса, ҳаёт шароитлари ўшани қоралайди, ўшанга қарши ўт очади. Бошқача қилиб айтганда, ўтмишда ҳаёт шароитлари билан санъаткор орасида қандайдир зиддият — дисгармония бўлса, янги жамият заминиде бу зиддиятдаг асар ҳам қолмади. Ҳаёт шароитлари билан санъаткор орасида бир-бирига мослик — узвий боғлиқлик пайдо бўлди.

С. МИРВАЛИЕВ

ЁЗУВЧИ ПРОЗАСИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Агар ҳар бир халқ адабиёти ўзига хос бир денгиз бўлса, ўша халқ адабиётини яратувчи ёзувчи эса гўё мазкур денгизни бунёд этувчи катта ва кичик дарёларни эслатади. Айни чоғда ҳар бир дарё ўзига хос, такрорланмас табиати, оқиш қудрати билан ўзаро бир-биридан фарқланади. Шунга ўхшаш сўз санъаткорлари ҳам ўз услуби, қалами кучи, мустақил овози билан ўзаро ажралиб туради. Ёзувчи Ш. Рашидов ҳам мана шу ўзбек совет адабиёти денгизига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган, мустақил услуб ва овозига эга бўлган қаламкашлардан биридир. Шунинг ҳам айтиш лозимки, ҳар қандай сўз санъаткори адабиётда бир йўла ўзининг мустақил овози ва услубини яратолмайди. Бунгача у қанчадан-қанча машқ ва ижодий машаққатлар йўлини босиб ўтади. Ҳамза ва А. Қодирий, Ойбек ва А. Қаҳҳор, Ҳ. Олимжон ва Ғ. Фулом, Зулфия ва Уйғун, Шайхзода ва Миртемир сингари адабиётимиз заҳматкашларининг ижодий йўли ҳам шу фикрни исботлайди. Ш. Рашидов ижоди ҳам бундан холи эмас.

Маълумки, адиб ижоди гарчи 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса-да, лекин унинг адабиётдаги ўзига хос услуби ва овози 50-йилларга келиб ўз мустақиллигига эга бўлди. Бу аввало унинг «Ғолиблар» (1953) повестининг майдонга келиши билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Тўғри, ёзувчи бунгача ўнлаб шеърлар, очерк ва ҳикоялар, публицистик асарлар ҳамда адабий-танқидий мақолалар яратган эди. Аммо бу асарлар ҳали ёзувчининг мустақил ижодий йўлга ўтганлигига тўла гувоҳ бўлолмасди, балки унинг ана шу йўлда тинмай олиб бораётган изланишларини кўрсатарди. «Ғолиблар» ана шу машқ ва изланишларнинг дастлабки синтези сифатида майдонга келганлиги билан ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга у фақат ёзувчи ижодидагина эмас, балки ўша давр ўзбек совет адабиёти тараққиётида, хусусан проза тараққиётида ҳам муҳим ҳодиса бўлди.

Унда сув учун кураш, шу орқали пахта ҳосилдорлигини ошириш, қисқаси коммунистик мўл-кўлчиликни яратиш асарнинг асосий ғоясини ташкил этади. Шу йўлдаги ҳаёт ва табиат қийинчиликларини енгиб ўтиш, эскилик қолдиқларига қарши кураш эса асар конфликтини юзага келтиради. Лекин асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ундаги сув учун, пахта учун — коммунистик мўл-кўлчилик учун кураш ғояси ана шу мўл-кўлчиликни яратувчи инсон ва унинг ижодий меҳнатини улуғлаш ғояси билан узвий боғланиб кетишидир. Инсонга ишонч, уни қадрлаш ва дўстлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳам доимо улкан меҳнат жараёнида кўрсатилади ва ҳал этилади. Мазкур масалаларни ҳал этишда ёзувчи тасвирда маълум даражада «кўтариб тасвирлаш» (И. Султон) йўлидан борадики, бу айни чоғда асар жанрига хос романтик услубни келтириб чиқаради. Асардаги воқеалар ва кишилар образи-

нинг шиддаткор ва ҳужумкор ҳолатда, актив ва сиёсий ўткирликда кўрсатилиши эса асарга маълум даражада ижобий маънодаги публицистик руҳ бағишлайди. Баъзан воқеанинг боришида автор нутқидаги лирик чекинмиш ҳолларнинг учраб туриши, қаҳрамон ва пейзаж тасвиридаги лиризмнинг туғилиши адиб ижодий услубига хос янги хусусиятнинг очади. Мана шу адиб ижоди ва услубига хос муҳим хусусиятлар унинг кейинги даврларда яратган барча йирик бадиий полотноларида ривожланган, шаклланган кўринишда намоён бўлади. Бу ҳол ўз навбатида ёзувчининг мустақил дунё сифатида шаклланиб, адабиёт тенгизинч бойнота бошлаганлигидан, унинг қудратига қудрат қўша бошлаганлигидан далолат эди.

Демак, ёзувчи ўзининг «Ғолиблар» повестидаёқ ўзбек прозасига хос қатор янги хусусиятларни ярата бошлаган, қаҳрамоннинг яратувчи ва ижодкор типини олға сурган. Асардаги Ойқиз ва Олимжонлар характерига хос худди шу хусусиятларнинг мавжудлиги уларни ўша давр ўзбек прозаси яратган кўпгина қаҳрамонлардан маълум даражада бўлса ҳам ажратиб турарди. Аини чоғда эса, коммунистик жамият қуришдан иборат мақсад бирлиги ҳамда меҳнатнинг умумийлиги Ойқиз ва Олимжонларни Уктам ва Қомила («Олтин водидан шабадалар»), Муҳиддин ва Юлдузхон («Чўлга баҳор келди»), Манзура («Дарёлар туташган жойда») сингари замондошларига жуда яқин қўяди. Аммо ана шу замонимиз қаҳрамонлари образини яратишда кўпгина ёзувчилар қатори «Ғолиблар» автори ҳам баъзи камчиликларга йўл қўйди. Бу аввало характерларнинг ички дунёсини очишга етарли эътибор бермасликда кўзга ташланар эди. Шунинг натижасида асардаги баъзи образлар схематик бўлиб қолган. Асарнинг сўнгги бобларига бориб эса эски билан янги ўртасидаги курашдан иборат конфликт маълум даражада хиралашган эди¹. Бунинг ёзувчининг ўзи ҳам адабий-танқидий мақолаларидан бирида эътироф этади². Аммо булар биргина ёзувчининг ижодига хос камчиликкина бўлмай, балки ўша давр ўзбек прозасининг енгиб ўтиши лозим бўлган соҳа бўлиши билан бирга, аини чоғда конфликтсизлик «назарияси» таъсири натижаси эди. Шунга қарамай, «Ғолиблар» янги ва актуал ҳаётини мавзуга бағишланганлиги, ижодий меҳнат ва унинг ижодкори бўлган инсонни улуғлаши, келажакка ишонч руҳида тарбиялаши жиҳатдан ўша давр, хусусан ўзбек повестчилиги эгаллаган янги қирра бўлди. Ундаги ана шу ғоя ва жанрга хос публицистик руҳ, романтик кўтаринкилик ва маълум даражадаги лиризм ва фалсафийлик адибнинг «Кашмир қўшиғи» (1957), «Бўрондан кучли» (1958), «Қудратли тўлқин» (1964) сингари полотноларида янада чуқурлашиши билан бирга кейинги давр ўзбек прозасига ҳам хос хусусиятлардан бири сифатида шаклланиб бормоқда. Бундай хусусиятнинг адабиётда пайдо бўлиши КПСС XX съезидан кейинги давр ҳаётида содир бўлаётган ўсиш-ўзгаришлар, кишилардаги ижодий ташаббускорлик ва кўтаринкиликнинг пайдо бўлиши билан ҳам характерланмоғи керак. Авторнинг «Бўрондан кучли» романида бунинг янада аниқроқ ва эпик планда кўриш мумкин. Аини чоғда ундаги чуқур замонавийликнинг мавжудлиги ҳам шундан келиб чиқади. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, замонавийлик учун кураш ёзувчининг барча асарларида қизил ип бўлиб ўтиб туради; унинг ижодига, услубига хос хусусиятлардан бири ҳамдир. «Бўрондан кучли» асари сюжетини ташкил этувчи воқеа, мавзу замирида ана шундай чуқур замонавийликнинг юзага келишини кўраимиз. Маълумки, романда қўриқ ерларни ўзлаштиришдаги халқнинг «буюк жасорати» Ўзбекистон мисолида очилади. Шу билан бирга кишилар характерига коммуни-

¹ «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки», I том, Тошкент, 1961, 299-бет.

² «Шарқ юлдузи», 1954, 12-сон, 120-бет.

тик онглиликнинг ўсуви улкан яратувчилик ва ижодкорлик меҳнат жараёнида, ўзаро узвий муносабатда кўрсатилади. Муҳими, шахс билан жамият, шахс билан халқ ўртасидаги муносабат мана шу қўриқ ерларни ўзлаштиришдаги улуғ меҳнат процессида умумлаштирилади. Романдаги Ойқиз, Олимжон, Жўрабоев, Погодин, Смирнов ва Хазратқул бобо сингари қатор ижобий қаҳрамонлар характери динамикасида бу очиқ кўринади. Асарда халқнинг туганмас қудратига ишонч ғояси ниҳоятда чуқур фалсафийлик ва романтик кўтаринкиликда ифода этилади. Ойқизнинг «кишиларга ишонч — ҳаётимизнинг қонуни» деган қисқа ва ўнда сўзларидан буни уқиб олиш қийин эмас. Айни чоғда халқ қудрати ҳар қандай бўронлар ва тўфонлардан ҳам кучлилиги масаласи роман лейтмотивини ташкил этиши билан бирга унинг номини ҳам тайин этади.

Шуни қайд қилиш керакки, агар Ойбек қуёш ва нур образларининг доимий ошиғи бўлса, Ш. Рашидов баҳор ошиғидир. Баҳор ёзувчининг энг сеvimли образидир. Диққат қилинса, «Ғолиблар» повестининг биринчи саҳифалариданоқ баҳор тасвирининг ёрқин чизилганлиги кўзга ташланарди. Лекин бу ерда гап фақат табиат баҳори эмас, ҳаёт баҳорининг бошланиши, унинг гаши ва файзи, машаққати ва меҳнати ҳақида боради. Бу ҳол адибнинг «Қудратли тўлқин» романидан янада ўзгача маъно ва мазмун касб этади. Матълумки, баҳор образи «Кашмир қўшиғи» қиссасида ҳам севги ва садоқат, дўстлик ва биродарлик ҳамда адолат тантанаси рамзи сифатида берилди. Энди «Қудратли тўлқин»га ўтганда, у табиат ва фалс баҳоридан — жонли образга кўчади. Асарнинг бош қаҳрамонларидан бирини тайин этади. Ёзувчи романининг биринчи саҳифаларидаёқ шундай тасвир чизади. «Эл бошига қанчадан-қанча ғам-ғусса, қайғу-аламлар келтирган қонли урушнинг кулфатли кунларида ҳам баҳор яйраб-яшнайдди, оламга ҳаёт бағишлайди.

Жанг тўзонидида жон олиб, жон бераётган солдатнинг ертўласи ёнида гиёҳ қад кўтариб, баҳордан дарак беради. Баҳор қонталаш музларни парчалаб, эритиб, катта оқимга бошлаб кетади. Замбарак ўқи танасини чўрт узиб кетган дарахтдан янги куртак чиқаради, госпиталда ётган ярадор қаҳрамоннинг даричасидан мўралаб, унга кулиб боқади, дардига шифо бахш этади. Баҳор тантана қилади». Лекин бу ерда гап фақат фасл баҳорининг бошланиши ҳақидагина эмас, балки инсон тақдирининг ҳал этилиши ҳақида, ҳаёт баҳорининг ғалабаси ҳақида борапти. Аниқроқ айтганда, Улуғ Ватан урушидаги совет халқининг баҳори тантанаси устида сўз кетяпти. Ёзувчи фалсафасининг чуқурлиги ҳам шундаки, у фасл баҳори билан инсон баҳорини узвий бирликда беришидадир. Яъни инсон билан табиат ўртасидаги яқинлик ва муносабат масалалари ҳам бир йўла ҳал этилади. Бунинг устига адиб асарга киритаётган бош қаҳрамонлар мансуб бўлган қишлоқни ҳам баҳор ўлкаси — Баҳмал қишлоғи деб белгилайди. Асарнинг етакчи қаҳрамонига эса Баҳор исмини беради. Кўринадики, ёзувчи баҳор устига баҳор ҳақида фикр юритади, чиройли ўхшатишлар яратади; табиат ва ҳаёт манзарасини чизади. Натижада асарда чуқур лиризм пайдо бўлади. Шундай қилиб, ёзувчи ижодий услуби, приёми ва тасвирлаш манерасидаги бир қанча етакчи томонлар «Қудратли тўлқин» романида янада чуқурлашган мазмунга киради. Энди меҳнат романтикаси кураш ва қаҳрамонлик романтикаси билан уйғунлашиб кетади. Чунки Улуғ Ватан урушининг айни драматик ҳолатини кўрсатувчи давр—1943 йил воқеалари ва кишилари фаолиятини кўрсатиш асар сюжетини яратади. Унда асосан комсомол — ёшлардан иборат Баҳор ва Пулатларнинг вақтидан эртарақ бошланган меҳнат ва кураш фаолиятини кўрсатиш орқали бутун уруш манзараси, уруш орқасидаги ҳаёт оқими тўла намоён бўлади. Ёзувчи ўзбек ҳарбий прозасини ривожлантиришда мана шу масаланинг икки томонини яхлит планда кўрсатиб бериши жиҳатдан ҳам муҳим роль ўйнади. Фронтдаги

қахрамон жангчи билан фронт орқасидаги меҳнат қахрамонининг интилиши, идеяси бир мақсадга қаратилган. Улар қандай бўлмасин ўзларининг меҳнат ва курашдаги қахрамонликлари билан фашизм устидан бўладиган ғалабани тезлатиш ҳақида ўйлайдилар, шу йўлда ҳаракат қиладилар. Шу орқали эса ёрқин келажакни яратишни мақсад қилиб оладилар. Асардаги конфликт ҳам шу аснода юзага келади, ўзига хос мураккаб кўринишда ҳал этилади. Бир томондан, икки система ўртасидаги кураш асар конфликтини яратса, иккинчи томондан мамлакат ичкаридаги мавжуд эскиликка қарши, тўрахоновчиларга қарши кураш эса иккинчи бир конфликтни келтириб чиқаради. Адиб ҳар икки соҳани ҳам бир вақтда маҳорат билан чизиб, ўқувчи кўз олдида кечмишнинг қора ва ибратли томонларини яққол гавдалантириб беради. Шу орқали кечмишни ҳозирги кунимиз ва келажакимиз учун хизмат эттиради, асарга чуқур замонавийлик бахш этади, изчил халқчиллик яратади. Шуниси характерлики, энди Баҳор ва Пўлатлар Ойқиз ва Олимжон каби фақат яратувчи ва ижодкоргина эмас, айни чоғда курашчи, фикрловчи типдаги қахрамон эканликлари билан ажралиб туради. Чунки давр тақозоси, уруш ўти уларни шу руҳда қайради, тоблади, тарбиялайди.

Ёзувчининг маҳорати фақат шундагина эмас. У Улуғ Ватан уруши мавзуини ишлаш орқали, бир томондан, совет халқининг урушдан сабр ва матонат, кураш ва меҳнат, улуғ дўстлик ва бирдамлик ҳамда партия раҳнамолиги билан ғолиб чиқишини кўрсатса, иккинчи томондан уруш тақдирининг ҳал этилиши билан кишилик жамияти тараққиётининг бурилиш даврини кўрсатиб берди, учинчидан совет халқларининг оммавий қахрамонликларини ифода этди.

Романнинг жанр хусусиятлари ҳам ана шу драматик давр воқеаларининг асар сюжетини ташкил қилиши билан боғлиқдир. Иккинчидан эса ёзувчи услубига хос тасвирдаги романтик кўтаринкилик, публицистик ўткирлик ва психологик чуқурлилик романга фалсафий руҳ бағишлайди. Демак, шундай қилиб, биргина ёзувчи ижодида жанрга хос бир қанча томонлар пайдо бўлади. Бу ижобий маънодаги публицистик ва психологизмнинг яратилиши, фалсафийлик ва романтик лиризмнинг туғилишида кўринади, улар асарларига хос хусусиятни ташкил этади.

У яратган эпик қахрамонларга келганда шунини айтиш керакки, ёзувчи адабиётимиз тараққиётида, қолаверса проза соҳасида ижобий қахрамонларнинг яратувчи ва ижодкор, фикрловчи ва курашчи типини олға сурди. Шу орқали адабиётимизда янги қахрамонларнинг тўлақонли характерларини бойитишга хизмат этди. Жанрнинг роман — характер типини шакллантиришга ўз улушини қўша олди. «Айни вақтда мазкур асарда публицистик баён усули бир оз меъёрдан ортиқроқ эканини, Халил ота образининг характеристикасида ва баъзи монологларда фикр қайтариғи бор эканлигини, романда хат формасидан кенг фойдаланилган ҳолда уларнинг ҳаммаси ҳам тўла индивидуаллаштирилмаганини бадий нуқсонлар сифатида кўрсатиб ўтмоқ лозим»³. Лекин ёзувчи Шароф Рашидов ижодини безайдиган энг муҳим хусусиятлар ва фазилатлар олдида бундай камчиликларни тузатиш авторга ортиқча қийинчиликлар туғдирмаганидек, мазкур асар қимматини ҳам пасайтирмайди.

Муҳими, ёзувчи ўз асарлари билан, хусусан эпик полотнолари билан замонамиз ва замондошларимизни чин қалбдан улуғламоқда, коммунистик келажак режаларини забт этишга даъват этмоқда.

³ Л. Қ а ю м о в, Ҳосил (1964 йил ўзбек прозаси ҳақида мулоҳазалар), «Шарқ юлдузи», 4-сон, 148-бет.

Маълумки, ўзбек совет адабиётида ҳозирги кунда бир қанча ҳарбий романлар яратилган. Ойбек, А. Мухтор, С. Аҳмад, Шухрат сингари кўпгина ёзувчилар шу соҳада баракали ижод қилмоқдалар. Бу албатта қувонарли ва алоҳида ўрганишга лойиқ соҳадир. Лекин шундай бўлса ҳам, баъзи ҳарбий романлар Улуғ Ватан урушидаги халқнинг бошидан кечирган тарихни ҳали тўлалиги билан ифодалаб беролмаяпти. Халқнинг фронт ва фронт орқасидаги ғолибкорлик жасорати ва меҳнатдаги мардонаворлиги ҳаётдагидан баъзан қўйи тасвирланмоқда. Шунинг учун ҳам бу соҳада баъзи ёш қаламкашлар Ойбек, Ш. Рашидов, А. Мухтор, С. Аҳмад сингари санъаткорлардан ўргансалар, улар традициясини ривожлантирсалар арзирлидир.

Шундай қилиб, ёзувчи Шароф Рашидов ижодида пайдо бўлаётган қатор янги ва ижобий хусусиятлар адабиётимизда, қолаверса умум — совет адабиётида пайдо бўлаётган янги тенденциялар билан қўшилиб, уни бойитиш ишига хизмат қилмоқдаки, бу энди адибнинг камолот белгисидир. Айни чоғда хусусан унинг прозасига хос ижобий фазилат ва хусусиятлар, услубига хос янгилик ва асарларидаги чуқур замонавийлик масалалари кўпгина ёшлар учун ўрганишга лойиқ ҳамдир.

М. СУЛТОНОВА

ПЕРСОНАЖ НУТҚИ

Персонаж нутқидан катта мақсад йўлида фойдаланишнинг ажойиб намуналарини ўзбек прозасининг отахонларидан бири Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида кўрамиз. Бу асар адабиётшуносликда гарчи ўзининг батафсил таҳлилин топган бўлса-да, ундаги қайсидир томонлар ҳали етарли ўрганилмагандек кўринади.

Ойбекнинг Йўлчиси катта ҳурмат ва эътиборга лойиқ образдир.

Йўлчи «мулоим табиати, соддалиги, оз бўлса ҳам мазали, маънили гапи, куч-қуввати билан одамларга ёқди». Унинг вазминлиги, характериға хос томонлари даставвал тили орқали билинади. Йўлчи камгап йигит, лекин ўзини ҳақ деб билган ерда, албатта, гапирди. У Мирзакаримбой билан суҳбатлашар экан, ўрни келганда, бойға жавоб беришни лозим кўради. Индамай қўйиши мумкин (бой нуқтаи назаридан) бўлган ерда ҳам гапирди — ўзининг ҳақлигини исбот қилиш керак бўлганда индамай қолмайди. «Ночорлик, тоға», — деб Йўлчи ерни сотишға мажбур бўлганлигини изоҳлайди. Иккинчи ерда: «— Тоға, бошқа иложимиз йўқ эди», дейди. Қолбуки, бу гапларни айтмаслиги орқали бойнинг гаплари — насиҳатларини тўғри, ўринли эканини таъкидлаб, унинг ҳурматини келтириши мумкин эди. Бироқ Йўлчи — мағрур йигит. У нима бўлса ҳам бойларға яхши кўриниб кун кўриш ва пул топишдан ҳазар қилади. Бунинг Йўлчи тилидан айтилиши ҳам унинг характеридаги — кейин биз рўй-рост кўрган — автор ривожлантирган бу хусусиятға заминдек бўлиб боради. Йўлчи гаплари воқеа ривожиди, дунёқарашни, ҳаётни тушуниши, сиёсий онгининг ўсиши натижасида катта салмоққа эга бўлиб боради. Ўз кучиға, ўзининг ҳақлигиға ишонган Йўлчи гапларини ишончли, мушоҳадаларға бой тарзда баён этади. Агар биз Йўлчининг бой билан биринчи марта қисилиб-қимтиниб гапирганини бойдан ўз ҳақини талаб қилган воқеа билан солиштирсак, Йўлчидаги катта ўзгаришни рўй-рост кўриш мумкин. Йўлчида илк бор сезилган гурур ўзи ҳақ эканини билдиришда ривожланди. Энди у бойнинг ёшини ҳам, қариндошлигининг ҳам юзини қилмайди. Ўзининг камситилишиға, хўрланишиға қарши бош кўтарди, бойни ҳақоратлайди. «— Бекоргамми? — Йўлчи Мирзакаримбойға томон гавдасини чўзиб қичқирди:— Сизда икки ярим йил ишлаб елкам яғир бўлди. Соқолингизда битта қора тук йўқ-ку, ёлғон гапирасиз, уят. Қийим дейсиз, қанақа кийим? Этик, чопон ва бошқаларни қўяберай, биронта янги дўппи кийганим йўқ, бу остонада...!»¹. Ҳақини талаб қилгани келган Йўлчи бойнинг қабихлигини кўриб, «оламда энг паст ва разил кўринган Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашишни, ёқа бўғишни ўзига ор билди.

¹ Ойбек, Қутлуғ қон, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1957, 252-бет. Қолган мисоллар ҳам асарнинг шу нашридан олинди.

Сакраб ўрнидан туриб бойнинг олдига борди. Масхара ва киноялик захрини кўзларида ёндириб қичқирди: — Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, кекса товуқ!» (253) Мирзакаримбойдек пул учун, фойда учун ҳар қандай одамгарчиликка оёқ қўювчи одамга нисбатан шундай дейиш Йўлчининг жасорати эди. Йўлчи алданганига афсусланади; Тулнордек бахтидан айрилар экан, унга пулнинг қадри бўладими! Бойни ҳақоратлаш орқали озгина бўлса ҳам алаmidан чиқади.

Йўлчи атрофидаги воқеаларнинг қуюқлашиши, унинг аста-секин бор-йўғидан ажралиши ва атрофини диққат билан кузатиши, унинг теран фикрлашига, дунёнинг нотекис тақсимланганлигини тушунишига олиб келади. Бундай фикр аввалига унинг кўнглидан ўтади. Шаҳарга биринчи келган куни меҳнат қилса бир нималик бўлишига ишонади. «Яхши ишласам, албатта, чакки бўлмайди. Негаки, булар қариндошларим, ҳаммадан юлсалар ҳам мендан юлмаслар» (15). Лекин тез ўтмасдан, Йўлчи шаҳардаги меҳнаткашлар аҳволини кўриб, айниқса бозорга қовун келтирган деҳқон фожиасига гувоҳ бўлиб, тетикроқ фикрлайди, ҳайрон бўлади. «...Ажаб дунё экан! Ҳар ерда деҳқоннинг иши чатоқ. Ери бўлса улови йўқ, улови бўлса ери йўқ. Кўпда иккиси ҳам йўқ. Мана, мен!... ҳозир қаёққа қарасанг, менга ўхшашлар...» (36). Шундан кейин эса ўзи қақида ҳам ўйлаб қолади, қариндошларини ўлгидай пишиқ одамга ўхшайди, фирромлик қилишмас майлия...» (36).

Йўлчи бирор одамга оғиз очиб ҳасрат қилмайди ҳали. Юқорида келтирилган мулоҳазалар Йўлчи кўнглидангина ўтди. Лекин биринчи келган кунларидан озроқ ўзгарди. Йўлчи шаҳарга келаётганида чойхонада тўхтар экан, у ерда «...икки деҳқон ўтирар, бу йил сабзи-пиёзнинг бозори касодлигидан ва улвсизликдан ҳасратлашар эди. Бир сўзлаб-сўзлаб, қамчи дастаси билан елкасини қашир, иккинчиси эса, қўнжи бир қарич, чурик чоригини кўрсатиб: «бу қачон янги бўлади? Сен от улвдан гапирасан! Деҳқончиликда барака қолмади. Деҳқоннинг сира мазаси йўқ» (4). Йўлчи қулоғига кирган бу гапга ҳеч қандай эътибор қилмайди, бу гап мазмунини чуқур ўйлаб ҳам кўрмайди; чунки у ўз кучи, меҳнатига ишониб, қариндошига орқа қиларди. Ҳамма умиди шаҳардан. Ақлли Йўлчига ҳаёт, турмуш мазмунини чуқурроқ англашига кўп вақт керак бўлмайди. Бойлар ва камбағаллар ҳаётидаги чуқур контраст — бирининг кундан-кунга камбағаллашиши, бор-йўғидан ажралиши ва аксинча, бойларнинг янада бойиши Йўлчини ҳаётга тетикроқ қарашга ва ўз кузатишларини, фикрларини, шубҳа ва англашилмовчиликларини, ҳаёт муаммоларини очиқ айтишга олиб келди. Бу жиҳатдан Йўлчининг майда буржуа идеологиясининг вакили Абдушукур билан суҳбати характерлидир. Фикр-ўйларини очиқ-ойдин гапиришни ёқтирмаган Йўлчи билимдон, саводли, китоб кўрган Абдушукур билан сўзлашишга эҳтиёж сезади. Йўлчи гапларидаги мантиқ унинг кўп нарсага ақли етганини кўрсатади. Бугина эмас, балки у ўз фикрини тушунарли бир формада айтади ҳам. «Хўп. Нега бой йўқ, камбағал йўқ дейсиз? Тўғри, ҳаммамиз мусулмонмиз, бир юртда яшаймиз. Аммо, Мирзакаримбой бошқа, мен бошқа! Хўжайинлар бор, малайлар бор. Ойни этак билан яшириб бўладими? Хўш, нега менинг ҳақ гапим фитна бўлади?» (265). Бу тўғри мулоҳазага қарши келтирилган Абдушукур далиллари эса жуда жўн, асоссиз бўлиб кўринади. У ўз фикрини Йўлчига тушунтира олмайди ҳам. Тўғрироғи, улар бир-бирларини тушунмайдилар. Чунки улар икки дунё одами эдилар. Йўлчи дунё нотекис тақсимланганлигини тушунди, бироқ бунинг сабабларини, қандай тўғрилаш кераклигини билмади.

Езувчи олган конкрет давр — революция арафаси — қарама-қаршиликлар ниҳоят авжига чиққан, тамоман нотинчлик даври эди. Осойиш-

талиқ бузилган, кўринишдан жуда итоаткор, мулоим, қўйдек ювош халқнинг революционлашиши ниҳоят тезлашган бир давр эди. Йўлчи мана шу даврда яшади. Унинг қўзғолончи сифатида шаклланиши асосланган. Аста-секин унинг оиласи вайрон бўлди: отаси ўлди, ери сотилди, онаси ўлди. У тинмай ишласа-да, бири икки бўлмади ва ниҳоят, зўрлик билан уни маъшуқасидан жудо қилдилар. Йўлчи атрофига қарар экан, ҳамма ерда ҳам камбағаллар ҳуқуқи поймоол этилаётганини, кун кўриш ниҳоят оғирлашаётганини кўради. Шундай қилиб, Йўлчи онгининг ўсишига замин етарли бўлди. Унда уйғониб келаётган янгича қараш, ҳаётни чуқурроқ мушоҳада қилиш даставвал тилида—«ўз сўзларидида», гапириш манерасида кўринади. Унинг онгида рўй берган ўзгаришларнинг ўз сўзлари, тили билан муштараклиги Йўлчи образининг фазилатли томонидир. Ёзувчи Йўлчини ўз доирасидан узиб қўймайди, унинг ўзини тутиши, гаплари, онгига, дунёқарошига, савиясига монанд равишда ривожлантириб боради. Энди Йўлчи ва Гулнор гапларига эътибор қилайлик.

Ойбекда севишганлар жуда ифбатли, турли бачканаликдан холи бўлган муносабатда бўлишади. Характерлиги шундаки, улар ўз муҳаббатларини юзма-юз туриб очикдан-очик исбот қилмайдилар. Балки қандайдир йўллар билан ўз севгиларини билдирадилар. Бу ўзбек йиғит ва қизларига хос бўлган тортинчоқликдан ёки буюк танқидчи В. Белинский айтганидек: «Тушунсангиз-чи ахир, ошиқ-маъшуқлар (агар уларда озми-кўпми қалб деган нарсаси бўлса) бир-бирлари билан учрашганларида кўпроқ бутунлай ёт ва арзимас нарсалар ҳақида сўзлаб, ўз муҳаббатлари тўғрисида аҳён-аҳёндагина гапирадилар. Улар бир-бирларини сўзсиз тушунадилар. Улар севги ҳақида лом-мим демасдан туриб, омма олдида ўз муҳаббатларини изҳор этадилар. Уларни ана шунга мажбур этишда, авторнинг санъати намоян бўлади». Мана, Гулнор билан Йўлчи. Ёзувчи уларни бир-бирлари билан учраштирар экан, кам гаплаштиради, лекин уларнинг бир-икки оғиз гаплари, савол-жавоблари бир-бирларига қандай кучли таъсир қилса, ҳаяжонга солса, бахтиёр қилса, ўқувчи ҳам шунча севинади, завқланади. Ҳолбуки уларнинг сўзлари, гаплари, кўринишда жуда оддий; лекин уларнинг руҳий ҳолатлари, кечинмалари ва ниҳоят, айтилишига тайёрланган шароит бу гапларга катта маъно юклайди. Гулнор билан Йўлчининг бир-бири билан танишишлари (аввал бир-бирларини кўрганлар, холос) Нурининг тўйида рўй берди. Юрак очишлари эса Гулнорнинг далага кўчиш пайтига тўғри келди. Йўлчининг Гулнорларни кўчириш пайтида ажойиб баҳор, юракларда аллақандай ҳис-туйғулар уйғотувчи бир пайт эди. Ёзувчи баҳорни, табиат уйғонган пайтни зўр маҳорат билан тасвирлаб, севишганларга ажойиб онг бахш этади. Уларнинг бир-бирларига айтган оддий сўзлари ҳам юракларидеги чуқур севгиларини намойиш этиб туради. Гулнор сув олгани ариққа боради. Йўлчи у ерда юз-қўлини юваётган эди. Гулнор Йўлчи илтифотига «Раҳмат, сув ташиб ўрганганман, сиз ҳам чарчагансиз», — дейди.

«— Чарчаш? Йўқ Гулнор, — деди кулиб Йўлчи, — чарчаш уят-ку, айниқса, сизни кўчириб келган кун...»

Сўнг Гулнор Нури режаларини билдиради. Йўлчи рад жавобини беради.

«— Нимага? Ҳар ким ўз тинчлигини хоҳлайди. Нури опамники ҳам яхши жой-ку, — деди-да Гулнор яширинча Йўлчига қараб олди.

— Буни ўзим биламан, — Йўлчи бир оз сукут қилди, сўнг деди: — Сизга айтсам хафа бўлмайсизми?

— Нимага хафа бўлай? Айтақолинг, балки севинарман, ким биларди, ... — ширингина сўзлади Гулнор.

— Сизни кўзим қиймайди, сиздан узоқлашгим келмайди, Гулнор!»

Езувчи бу севишганлар учрашувини жуда бир саҳийлик билан тасвирлайди. Гўё табиат ҳам бу учрашувдан шод, бахтиёрдек туюлади, кишига. Уларнинг туйғулари, шодлиги ҳам ниҳоясиз. Улар бир-бирларини кўрсалар кифоя, сўзлар ортиқчадек бўлиб туюлади; лекин айтилган ҳар бир сўз катта кечинмалар, ҳис-ҳаяжонлар натижасида ифодаланар экан, бунинг аҳамияти ўлчовсиздир. «Йўлчи қизнинг қўлидан кетмон оларкан, бир қўли билан унинг билагидан секингина тутди. Юрагида сезгилари тошганлиги ва айтиб битиролмас, сўзга сиғмас фикрлари, ҳислари борлигини кўрсатувчи бир вазиятда Гулнорга тикилиб қолди. Сўнг, кенг ва мард юзини бирдан илиқ кулги қоплади.

— У кунги гап-а,— деди.

Гулнор чиройли ва эрка табассум билан, хўп дегандай, бошини қимирлатди, кейин: «албатта!» деб сўз билан таъкидлади» (168).

Гулнор бойга сўратилади. Бор умри меҳнатда, муҳтожликда ўтган Гулнорнинг отаси Ермат бундан жуда хурсанд бўлиб кетади. Бойга рози бўлишида Олимхон эликбоши билан ўтказилган суҳбатнинг ўзи етарли бўлади. «Эликбоши мани чақириб олди. Фозил одам билан суҳбатлашсанг роҳат қиласан-де. У кишининг сўзлари китобда ҳам йўқ, шундай маъноли... Ана сўзга усталигу. Гаплашдик. Дастурхон жойида, қанд-курс, мева-чева, саноғи йўқ. . . Сўзлашдик, хотин, у киши сўзни айлантириб, сиздек бахтли ота жаҳонда йўқ, деди» (199). Бир умр улар эшигида меҳнат қилиб, бирор марта ҳам бирга ўлтиришга муяссар бўлмаган Ерматга бу суҳбат катта бахтдек туюлади. Энди у ўзини одам деб ҳисоблай бошлайди. Унга буйруқ беришмади, иш буюришмади. Эликбоши «бутун маҳалланинг отаси. Етти яшардан етмиш яшаргача унга салом беради, қўл қовуштиради. Обрўси баланд, сўзда яғона одам. Закон билади» (199).

Ерматнинг шу гаплари орқали ҳам унинг ўзига ишонч ҳосил этгани, ғурурлангани, Олимхон уни кўндириш учун кўп меҳнат сарф қилмагани кўриниб турибди. Бой хизматкорлари орасида ўзини бойга яқин олиб, доимо бойнинг манфаатларини кўзлаган бу одам ўзини тақдирланган деб ҳисоблайди. «Ермат қўлини белбоғига кистириб, қандайдир бедана юриш билан юриб қолди. У кувёв — хўжайиннинг юмушларини бажариб, уйга қайтганда, хотинига, шивир-шивир билан, ё имо билан гапиради, у сўзларкан, юзларига гоҳ дўқ, гоҳ ғазаб, гоҳ ялинчоқлик ёйилади. Унинг қўлларида бутун умрида ушламаган қоғоз пуллар шилдираб қўяди баъзан» (205). Уша давр учун ёш қизнинг қари одамга узатилиши ғайри табиий бир нарса эмас эди. Лекин шунга қарамай, Гулнорнинг онаси бу хабарни эшитиб, «ирғиб тушди-да, икки қўли билан икки тиззасига шарт-шарт уриб бобиллаб, гапириб кетди»... (200). Гулсумбиби бу хабарни Ермат каби «яхшилик, манга қолса, тушга кирмаган бир яхшилик» деб билмайди. «Сиз ҳали чучварани хом санабсиз,—Гулсумбиби кўз ёшларини этак учи билан артиб сўзида давом этди. — Тўғри, улар бой, жуда бой. Аммо улар Гулнорга тинчлик бермайди. Бойнинг уйи сарой бўлсин, бари бир Гулнорга зиндон бўлади» (200). Бу жавобдан Гулсумбибининг Ерматдан анча ақллилиги, ҳаётни, бойларни, қизи қалбини яхши билиши кўриниб турибди. Гулсумбиби мантиқи олдида «Хотин кишида товуқча ақл бўлмайди»— деб билган Ермат яна ачинарли бўлиб кўринади. Гулнорнинг бойга узатилиши муносабати билан Ермат ва Гулсумбибилар ўртасидаги муносабат бу икки образни янада чуқурроқ кўрсатиш имконини берди. Бу ерда характерли томони иккаласининг ўз тилида гапиртирилишидир. Қизига бу шум хабарни етказиш онага юкланади. Езувчи бу икки бечора аёлни аяйди. Онанинг қизига бу даҳшатли хабарни қайси сўзлар билан етказганини тасвирламайди, бошқача қилиб айтганда, бу хабар она «тилидан» айтилмай, ёзувчи

томонидан айтилади: «Онада бардош қолмади. Ҳўнг-ҳўнг йиғлаб Ёрмат келтирган мудҳиш хабарни севикли қизига билдирди».

Ёзувчи эпизодик образлар устида ишлаганда, турли-туман воситалардан фойдаланади. Айниқса нутқ ва портрет бу персонажни характерловчи асосий воситага айланади. Йўлчининг дўстлари, ҳамфикрлари ўзи каби кунини зўрга кўриб, аста-секин бор-йўғидан ажралган меҳнаткашларнинг гаплари ҳам берилади. Уларнинг гапи орқали ёзувчи тасвирланаётган даврдаги халқ кайфияти, уларнинг фикр-ўйлари ва замонани тушуниш даражасини кўрсатади. Эпизодик образлар бўлмиш Шоқосим, Алиохин, Уроз, Қамбар гаплари орқали улар билан ўқувчи яқинроқ танишади, оилавий аҳволи, бошидан ўтганларидан хабардор бўлади.

Ёзувчи Йўлчи образини «тўлатиш»да даврни кенг ва чуқур кўрсатувчи эпизодик образларни ўз тили билан гапиртиришдан фойдаланади. Йўлчининг ҳаёт мураккаблигининг таъига етишида икки фактор ёрдамга келади. Биринчи фактор — эксплуататорлар-бойлар ҳаётини, туриш-турмушини, фикрларини яқиндан билиш — улар қўлида ишлаб характерлари билан ошно бўлиш, ҳаётлари мазмунини чуқурроқ тушуниш бўлса; иккинчи фактор — тарафдан, ўзи сингари меҳнаткаш дўстлари ҳаётининг, кун кечиришларининг гувоҳи бўлишдир. Йўлчининг дўстлари савия, билим, дунёни тушуниш даражалари ҳар хил бўлишидан қатъий назар, унинг ҳар қандай эркин фикрини, мушоҳадаларини қувватладилар, маслаҳат бердилар, ўзлари билганича ривожлантирдилар, бошқача қилиб айтганда, Йўлчининг ўйлари ўз гуруҳида ҳар доим ҳам тушунмаслик, ақл етмаслик натижасида қувватланмаса ҳам, лекин ҳеч қаршиликка учрамади. Бунинг натижаси, айниқса, кўзғолон вақтида билинди. Йўлчи кўзғолон вақтида яқин дўстларининг ҳаммасини кўрди.

Асарга эксплуататорларнинг ҳам образлари киритилган. Масалан, Жамолбой номи икки ерда тилга олинади, биринчи марта ёзувчи Жамолбой билан шундай таништиради. «...яқинда бой бўлиб бирданга семирган пахта завод соҳибни Жамолбой» (26). Бу умумий характеристика унинг жамиятдаги ўрнини билдиради. Лекин у ким, ақли фаросати, дунёни тушуниши, қандай? Бу маълумотлар унинг ўз тили орқали берилади: «Мен кўрдим театрни,— ҳовлиқиб, пихирлаб сўзга кирди пахтачи Жамолбой.— Абдушукур қизиқтирган эди, борсам борай дедим... Сиз уни мактаб дейсиз, Абдушукур, қандай қилиб мактаб бўлади у? Домла қани, шогирд қани? Мен борганда бир илмсиз боланинг безори бўлиб кетганини кўрсатишди, холос».

— Мактаб эмас, ибрат денг,— кимдир изоҳ берди.

— Менга қолса ҳеч нима эмас,— давом этди Жамолбой.— Уша кунни Абдушукур ҳам ўйнади, қизиги шуки, мен уни сира танимай қолдим. Бу киши олабайроқ тўн кийган, узун соқолли, билмадим, имомми, эшонми бўлиб чиқди... Овозидан ҳам танимадим. Абдушукур, овозни бунчалик бошқача қилишни кимдан ўргандингиз? Ҳунарингга бали-е... Лекин, тўғриси айтсам, от ўйини анча қизиқ. Буларникини кўриб бўлгунча, юрагим тарс ёрилиб кетаёзди. Нуқул гап. Тагин белатга беш сўлкавой тўлабман. Белат баҳоси эмас, ёрдамингиз деб қўйишди-да! Бир марта кўрдим, бас, энди елкаминг чуқури кўрсин. Жамолбой ҳаммага бир-бир қараб, «қиҳ-қиҳлаб кулиб қўйди» (31). Бу давлат сўраб турувчи «миллатнинг гули», замонасининг «отахони»нинг гапи. Яна бошқа таъриф керакмикин буларни кўрсатишда. Жамолбойни яна Салим билан ресторанда кўрамиз. Шунинг ўзи Жамолбойни ҳар томонлама характерлашга етарли бўлади, унинг савияси адабиёт, санъат ҳақида айтган юқоридаги сўзлариданоқ намоён бўлиб турибди.

Эзувчи эпизодик образ Гуландомни асар воқеасига киритар экан, унинг саргузаштларини ўзининг тилидан ҳикоя қилади. Гуландом ҳикояси шу билан таъсирли чиққанки, гўё у ўша ўтмишга қайтиб, яна ўша ўтмишда яшагандек бўлиб туради. Унинг бошидан ўтганлари Тантига қизиқ эмас, балки Гуландомнинг ўзига керак, ўрни келган экан яқинларини, меҳрибонларини бир эслаб, кўз олдидан ўтказиб, қўмсаб, ўтмишига бир дақиқа қайтгандек, оиласи, ота-онаси қўйнида тургандай ўзини ҳис қилади. Ўтмиш унга дам бахт, дам кўнгилсизлик келтирди. Бошидан ўтганларини ҳикоя қилиши, шарҳлаши, ҳаётга қараши, Гуландомни Тантибойваччадан анча юқори қўяди. Тақдир тақозоси билан қўлма-қўл юришга мажбур бўлган, қўлидан ўзини ҳимоя қилиш келмаган, ҳукм сурган тартиблар уни ҳуқуқсиз қилиб қўйган бир даврда, у ўз имкониятлари доирасида, ақлини, фаросатини намоён қилади.

Асарда ўз тилида гапирадиганларидан характерлиси — Олимхон эликбоши. Олимхон эликбоши тетиклиги, масалага тўғри ёндошиб, ундан нотўғри хулоса чиқариши билан ўзини кўрсатади. Гулнорни Салимхонлар олиб қочишади. Олимхон эликбоши бунинг ким томонидан уюштирилганини дарров сезади. Лекин топишга ҳаракат қилмайди. Бу ишдан ҳам у ўз фойдасини ўйлаб, бойваччалардан бирор нарса ундириш планини тузади. «Бойвачча,— киноя билан кулиб шивирлади эликбоши,—тўғрисини айтайми, сизлар бу ишни эплай олмадинглар. Бундай ишга, бениҳоят уқув, чапдастлик, хўш, яна муҳокима ва моҳирлик керак. Энди Салимхонга кириб айтинг, бундай ишдан қўлини тийсин! Бу — бир, сўнгра ҳовлиқмасин, хафа бўлмасин. Биз бу тўғрида «чурқ» этиб оғиз очмаймиз. Айбни кимга ўтказишни биламиз. Аммо манинг яхшилигимни унутмасин. Бу ахир, ёмон гап...» (246). Эликбошининг бу ердаги ҳамма гапи тўғри, лекин шу тўғри гапнинг ҳаммасини «айбни кимга ўтказишни» билиш, гуноҳкор қилиб, гуноҳсизни жавобгар қилиши эликбоши гуноҳини янада кўпайтириб юборади. Унинг «гуноҳи», ярамас қиёфаси унинг тўғри тушуниб, нотўғри йўлни тутиши билан разилланади.

Йўлчини қаматмоқчи бўлган Ҳакимбойвачча ҳам бу ишни Олимхон орқали бажармоқчи бўлади. «Бойваччам, бу жуда мушкул иш. Дуруст, Йўлчи ёмон бола. Аммо биз уни орқасида қоли билан, қўлида туғуни билан ёқлаганмиз йўқ, пичоғида ҳам қон кўрмадик. Маҳкамдаги ўрис тўраларини қўлга олиш, Йўлчини бирон нарсада айблаш керак бўлади. Бу нарса ҳазил эмас!» (259—260). Бу ниҳоят тўғри, мантиқли гап, бу билан эликбоши ўзининг тўғри фикрловчи бир одам эканлигини кўрсатди. «Лекин камина сизнинг илтимосингизни ерда қолдиришдан кўра, ҳар қандай машаққатни ўз зиммасига олишни аъло кўради» (260). Бу гапдан сўнг олдинги тўғри фикрлари ҳам бошқача руҳда баҳоланади. Эликбоши одами бекордан-бекор қамаш қийинлигини таъкидлашдан мақсад — Йўлчини ҳимоя этиш эмас, балки ўзининг «хизмати» оғирлигини қайд этиш эди. Ҳар ҳолда бундай гапларни персонажнинг ўз оғзидан эшитиш таъсирли бўлади. Мана шундай одам ҳақида бечора Ёрмат катта мамнуният ва ҳавас билан гапирди.

Юқорида кутатилган мисоллардан катта санъаткорнинг ҳар бир бадий тасвирий воситаси—бу ўринда персонаж нутқидан унумли фойдаланиш — асар ғояси билан боғлай олиши туфайли катта ифодаликка эришганини кўраемиз. Чунки Ойбек персонажларни шунчаки гапиртирмаган, балки тайёрланган шартит, унга юкланган вазифа унинг гапирishi шарт эканини белгиллаган. Бу ўринда персонаж нутқини алоҳида, маълум даражада умум контекстдан ажратиб ўрганишимиз шартлидир. Чунки бу приёмнинг ўринлилиги, унумлилиги бошқа бадий воситалар билан муштараклигида ҳамдир.

А. АНИСИИ

ШАРҚ АДАБИЁТИДА ҚАСИДА ЖАНРИ
ВА БАДРИ ЧОЧИИ

Шарқ поэзиясининг ўзига хос жанрларидан бири қасида бўлиб, у узоқ ва бой тарихга эга. Қасида ўзининг луғавий маъносига кўра «тўлиб етилган йирик мағиз»ни англатади ва шоирлар истилоҳида ўн беш байтдан кам бўлмаган, биринчи байт мисраларига бошқа байтларнинг иккинчи мисралари қофиядош бўлган назмни билдиради. Бу жанрга қасида деб ном берилишининг сабаби шуки, бунда улуг ва чуқур маънолар ифодаланади; бинобарин, ўқувчи уни ўқиб, тўлиб етилган мағизни егандай лаззатланади («Ғиёсул-луғат»).

Шундай қилиб, қасида авторнинг оддий ҳаяжони ва ички кечинмалари ифодаланган шеър тури бўлибгина қолмай, балки турли-туман бадий воситалар орқали улуг маънолар ва фалсафий фикрларни кенг талқин қилувчи бадий асардир. Бинобарин, қасиданавислар ўз зиммаларига масъулиятлироқ вазифани олган шоирлардир.

Қасиданавислик аввал араблар орасида пайдо бўлди. Бу жанрнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида катта роль ўйнаган нарса асосан араб халифалигининг умавийлар ва аббосийлар сулоласи давридаги ҳоким табақа юритган сиёсатга норозилик ифодаси сифатида вужудга келган сўфийлик оқимининг ранг-баранг воситаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж эди. Маълумки, сўфийлик оқимининг турли шохобчалари асосан шаҳар ҳунармандлари орасида кенг тарқалиб, уларга ўз ғояларини тарғиб қилиш учун тузиладиган мажлисларда адабиёт ва санъат (асосан мусиқий санъат)дан фойдаланганлар.

Шундай мажлисларда айрим сўфий шайхлар ўз фикрларини ифодалаш учун. «Қуръон» ўқишдан кўра, шеърӣ ва музикавий суҳбатлар қуриш кўпроқ қўл келишини англай бошлаганлар. Ана шундай суҳбатлар учун мўлжалланган адабий асарлар орасида қасида ҳам пайдо бўлади. У кейинчалик Эрон ва Ўрта Осиёга, шунингдек, Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам тарқала бошлайди.

Қасида жанри Бағдод мактабларининг илк вакилларида бири Абу Исҳоқ Исмоил ибн ал-Қосим ибн Сувайд ибн Қайсан бўлиб, лақаби Абул Атоҳиядир (748—825/26). Абул Атоҳия аббосий халифаларидан бўлиб, ал-Маҳдий ва Ҳорун ар-Рашид замонасида саройдан кўп озор чеккан ва узлатга чекинган дарвешдир. У умрининг сўнгги қисмини насиҳатомуз шеърлар, пессимистик асарлар ёзиш билан ўтказган. Унинг асарлари орасида энг кўпи ўз замонасининг фалсафасига — ўзи мункир бўлмаган фалсафага оид қасидалардир.

Қасида жанри Сурия мактабларининг намояндаларидан бири, ўрта аср Шарқининг машҳур файласуфи Абул Аъло Аҳмад ибн Абдиллоҳ ибн Сулаймон ал Мааррийдир. У Бағдод халифаларидан Мустаршидун биллоҳ, Носириддинуллоҳлар замонасида яшаган бўлиб, эркин фикрли аъмо эди.

Ал-Мааррий дунёқарашининг шаклланишида унинг Бағдод сафари, хусусан шайх Аҳмад ибн Ҳусайн Мутанаббийнинг (вафоти 965) асарлари билан танишиши катта роль ўйнади.

Носир Хисравнинг «Сафарнома»да кўрсатиб ўтишича, ал-Мааррий қасидалари 1000 00 байтдан ортиқ бўлиб, улардан бизгача етиб келганлари орасида энг диққатга сазоворлари رسالة الملائكة، اللطوميات، رسالة الغفران، سقط الزند дир. Мааррий бу қасидаларидан бирининг натижа шундай фикрни баён қилади: «Одамлар икки қисмга бўлинганлар — ақллилари динсиздирлар, диндорлари — ақлсиздирлар»¹.

Ал Мааррийнинг замондоши — Носир Хисрав (1003—1060/61) форс адабиётидаги қасида жанрининг дастлабки намояндalarидан ҳисобланади. Девонининг кўп қисми қасидалардан иборат бўлиб, афтидан саройда бўлмаганга ўхшайди. У исмоилий мазҳабида бўлганидан салжуқийлар мулкларида эътибор топмади, бинобарин, бошқаларга ҳам яхши таъсир кўрсата олмади.

Қасида жанри дастлабки пайтларда соф фалсафий фикрларни ўз ичига олган поэмалар шаклида вужудга келган бўлса ҳам, Эрон, Урта Осиё, Ҳиндистонга келиб, хилма-хил мазмунларни касб этди, кўпгина ўзгаришларга учради. Бундай янги мазмунлар касб этилишининг характерли мисолларидан бирини кўриб ўтайлик. Разналик Усмон Мухтарий (вафоти 1149 ёки 1159) бир қасиданинг матлабида ёзади:

آيين کرد چشم نامسلمانان بنوك ناوك مرکان كه پرز هر است پيكانش
مسلمان كشتن

(Таржима си: Унинг номусулмон кўзлари заҳарли киприк ўқи учлари билан мусулмон ўлдиришни одат қилди.)

Бунда гўзал ёрнинг мақтови ҳамма учун тушунарли сўзлар воситаси билан ифодаланган. Унга Ҳоқоний Шервоний (вафоти 1199).

دل من پير تعليم است ومن طفل زبانداش

(Таржима си: Кўнглим қари муаллимдир, мен эса энди тил чиқараётган бола) деб бошланадиган татаббуъ ёзди. Шу мисранинг ўзидан ҳам кўришиб турибдики, бу ерда гўзал ёрнинг оддий мақтови йўқ, балки унда Ҳоқоний томонидан анча мураккаб мазмундаги ижтимоий масалаларни кўтаришга ҳозирлик кўрилаяптир. Автор бу қасидада икки томонлама иш тутган: биринчидан, гўзал ёр тавсифини ғазал жанрига қолдириб, қасидадан ўз замонасига бўлган шахсий муносабатини ифодалашда фойдаланган; иккинчидан, унда ўша даврдаги мавжуд фанларга оид ранг-баранг терминларни ишлатиб, ажойиб, ихчам ва мураккаб образлар, ташбеҳлар ва муқоясалар воситаси билан шу муносабатнинг ифодасини мураккаблаштирган.

Кейинги даврда яшаган қасиданависларнинг кўпчилиги (Хисрав Деҳлавий, Сайфиддин Исфароний, Урфий Шерозий, Замон Шерозий, Низом Муаммой, Сидқий Бухорий, Амир Муиззий, Ҳасан Ғазнавий, Жомий, Навоий, Фузулий ва бошқалар) бу қасидага татаббуъ қилганлар.

XIII—XIV асрларга келиб, қасиданинг шакли ва мазмунида яна янги ўзгаришлар вужудга келди: шакл тобора мураккаблашиб, мазмун кенгая борди. Бу даврда қасиданинг مصنع («масноъ») шакли пайдо бўлди. Унинг энг йирик асосчиларидан бири Салмони Соважий ҳисобланади (1291—1376/77) قصيدة مصنع кўп санъат ишлатилган қасидадан

¹ Ю х о н К у м а й р, Байрут, 1947; А. Қ. З а к у е в, Философия «Ихван ас-сафа», Баку, 1961, 71-бет.

иборат бўлиб, бу ерда нависанда ўзининг барча ҳунарини намоиш қилиши, сўз суриш санъати соҳасида қандай маҳоратга эга бўлса, мушқуллаштиришни билса, уларнинг ҳаммасидан фойдаланиши керак эди. Ана шундай мураккаб сўз ўйинларини, масалан, Салмони Соважийда

учратиш мумкин (қаралсин: *هفت قلم لکونو* 1339—1337). Бу типдаги қасидаларнинг характерли томони шундаки, улар мазмун жиҳатидан мақтов-мадҳиядан иборатдир.

Юқорида зикр қилиб ўтилган жиҳатларни ҳисобга олиб, қасида жанрида ёзилган асарларни маълум даражада тасниф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда шунини эслатиб ўтмоқчимизки, йирик адабиётшунос олимларимиздан марҳум Мақсуд Шайхзода «Ғазал мулкининг султони» сарлавҳали мақоласида² ғазал жанрининг таснифни берган эди. Биз ҳам у кишидан ўрнак олиб, қасидани беш хилга ажратмоқчимиз: 1) соф фалсафий мазмундаги қасидалар; 2) кенг ижтимоий мазмундаги қасидалар; 3) ишқий мазмундаги қасидалар; 4) мадҳия мазмунидаги қасидалар; 5) табиат ҳодисалари ҳақидаги қасидалар.

Биринчи тип қасидалар мисоли учун XII—XIII асрларда яшаган Шарафиддин Умар ибн Али ал Мисрий ас Саъдий (ибн ал Фориз)нинг *قصيده خوربيه* матлаини эсга олмоқчимиз. (Таржима си: Фалаклар яратилмаган, тўрт унсур бир-бирига таркиб топмаган, май ва токдан нишон йўқ кунда сенинг ёдинг билан маст ва бодапараст эдим).

شربنا على زكر الجيب مدامه سكرنا باقيل ان يخلق الكرم

Фурсатдан фойдаланиб, шунини ҳам айтиб ўтмоқчимизки, Д. Дармстетернинг «Шарқ шоири учун майпараст — эркин фикрли киши тимсолидир» деган фикрига тўла қўшилиб бўлмайди³. Шарқ шоирлари ёзган асарларини сўфийлик адабиёти терминологияси асосида ўрганилгандан кейингина Шарқ шоирларининг майпараст тимсолида кимни назарда тутганини белгилаш мумкин. Ахир ибн ал Фориз ва Жомийни Хайём каби эркин фикр тарафдори — даҳрийлар ёки фалсафада бир хил нуқтаи назар эгалари деб бўлмайди-ку.

Иккинчи типдаги қасидалар жумласига Хоқонийнинг юқорида келтирилган мисра билан бошланадиган қасидасини ёки Амир Хисрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» номли қасидасини мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, бу типдаги қасидалар соф фалсафий мазмунда бўлмасалар-да, уларда маълум даражада фалсафий фикрлар, чуқур мазмунли нозик қочирмалар учраб туради.

Ишқий мазмундаги қасидалар жумласига Усмон Мухторийнинг юқорида зикр этилган қасидасини киритиш мумкин.

Мадҳия мазмунидаги қасидаларга эса, Аҳлий Шерозийнинг (1455—1936) Навоий, Юсуфшоҳларга бағишланган, турли кўринишлардаги мураккаб ҳунарлар ишлатилган қасидаларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Қасида жанрининг бу шакли, юқорида айтиб ўтганимиздек, жуда мураккаблаштирилиб юборилган.

Биз айтиб ўтмоқчи бўлганимиз Бадри Чочий (вафоти 1344) қасидачилик ривожланиб, мураккаблашиб, нависанданинг ўзи яшаган замон ҳаётига муносабатини ифодалашнинг энг нозик кўриниш ва усуллари вужудга келган даврда яшаб ижод этди. Бу вақтда «ҳунар» ҳали ўта мураккаблашиб улгурмаган, фақат ташбеҳлар, ибора ва муқоясалар мураккаблашган эди. Бинобарин, у ўша йўлдан борди. Бундан

² «Совет Ўзбекистони», 18 декабрь 1966 йил.

³ Д. Дармстетер, Происхождение персидской поэзии, М., 1925, стр. 61.

ташқари, у яшаган даврда Ҳиндистонда Хисрав Деҳлавийнинг (1253—1325) таъсири жуда кучли эди. Хисрав эса қасиданависликда Ҳоқоний изидан борган эди. «Дарён аброр» қасидасида Хисрав ўз замонасига нисбатан муносабатини чуқур мазмунли мисраларда ифодалаган:

کوس شەخالی و بانک غلغش درد سراسـت
هرکه قانع شدبخشک و ترشه بحر و بر است

(Таржима си: Шоҳ дўlining ичи бўш, ammo унинг гумбурлаган овози бош оғриғидир. Ҳар ким қуруқ нон ва сувга қаноат қилса, денгиз ва қуруқликлар шоҳи удир).

Ҳаётининг сўнги давларини Деҳлида ўтказган Бадри Чочий ҳам бу соҳада Хисравга маълум даражада эргашган эди. Агар ўша давр адабиётда кўп фикрларнинг киноя ва қочирим билан баён қилинганини эсга олсак, у ҳолда Бадрининг қасидалари аслида мақтов эмас, балки шоҳлар, амалдорларнинг фисқи фужурларини фош қилиш, умуман ўзи яшаган давр ҳаётига нисбатан Чочий муносабатининг ажойиб ифодасидан иборат эканини яққол кўрамыз.

Масалан: *غزال زرانوده مشير عرين را بجز دردم گرگ پويان نديدم*

Таржима си: Олтин кийик (қуён) бўлмасин, жангал арслони бўлмасин, бўри думидан юрмайдиганини кўрмадим).

Бадри Чочий баён қилинаётган фикр мавзуи нуқтан назаридан Хисрав позициясида турса ҳам, у сўз суриш усули жиҳатидан Ҳоқоний анъанасини давом эттириб, фикрни мураккаб воситалар (масалан, *физол — кўз, айн — қуёш, шоҳи Ховар* — Шарқ шоҳи, шер — ҳайвонлар шоҳи) орқали беради: Ҳайвонлар шоҳи (арслон) ов қидириб бўри кетидан юрганидек, Қуёш (Шарқ шоҳи) бўри думини эслатувчи шуъла кетидан юрганидек, шоҳлар ҳам йиртқич амалдорлар орқасидан юриб, бойлик ва шон-шавкат орттирадилар. Бу умумлашмага нима дейиш мумкин? Бу Чоч (Тошкент)дан қочиб, Миср орқали Деҳлига борган катта олим ва сайёҳнинг ўз турмуш тажрибалари ҳақида гапиргани эмасмикин? Бу Муҳаммад Туғлуқлар ҳақида инсоф томонидан чиқарилган қатъий ва ҳаққоний ҳукм эмасмикин?

Бадри Чочийда бунга ўхшаш фикрларни жуда кўп учратамыз, унинг қасидаларидан ҳеч бири бундай фикрлардан холи эмас, десак янглишмасмиз. Мана яна бир мисол:

بدرچاچى جه كنى بزم حواقين جهان مجلس آن به كه درو مائده دين سازى

Таржима си: Эй Бадр, жаҳон хоқонларининг базмида нима қиласан, сен қаерда дин учун хизмат қилсанг, ўша мажлис яхши).

Шоҳлар ва хоқонлар базми ҳақида Бадри Чочий ана шундай фикр баён қилиб, бу базмлардан қочиш зарурлигини уқтирар экан, ўз замонасининг тақозосига кўра, диний ақидалар, эътиқод воситаларидан фойдаланади.

Бадри Чочий ўз замонасининг илғор вакилларида бўлиб, унинг фикри диний эътиқоддан холи эмас эди. Зотан, ундан динсизликни кутиш ҳам тўғри бўлмас эди. Шундай бўлишига қарамай, унинг ажойиб мисраларида диндор киши мутлақо айтиши мумкин бўлмаган фикрларни ҳам учратамыз:

زهى سراى توجا بود كبريائى از لزهى در توحريم سرادقات قلم

(Таржима си: Ажабо, сенинг саройинг азалдан азамат жойдир. Ажабо, сенинг эшигинг қадимий саропардалар ичкарасидир).

Агар Чочийнинг даҳрий эмаслигини назарда тутадиган бўлсак, бу байтни, фикримизча, Муҳаммад Туғлуқнинг мақтови дейишдан сақлашнига тўғри келади. Чунки динга эътиқод қилувчи шоир шоҳнинг мақто-

вини фақат исми тўғри келгани учунгина пайгамбар даражасига етказмайди. Акс ҳолда у ўз эътиқодига хилоф иш қилган бўлур эди. Агар масала шундай бўладиган бўлса, у ҳолда юқоридаги мисраларни нима деб англамоқ даркор? Уларни, фикримизча, шоҳга нисбатан огоҳлантириш, ўзини пайгамбар даражасида тутганига киноя, деб англамоқ тўғрироқ бўлур эди. Бунга қуйидаги каби бошқа мисраларни ҳам мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин:

بر آستان تويك حج مثال صد عمره است كه پايگاه تو آمد چوپيشكا حرم

(Таржимаси: Остонагни бир ҳаж қилиш юз умра (ҳожиларнинг бир хил ибодати билан тенг, чунки сенинг пойгоҳинг гўё ҳарам пешгоҳидир).

Ахир динга эътиқодли кишилардан қайси бири шоҳ даргоҳининг пойгоҳини ҳарам (бу ерда Байтул ҳарам, албатта) пешгоҳига бараварлаштиради? Бу ҳол Бадри Чочийнинг юқоридаги мисралари жуда нозик киноя эканлигини кўрсатади.

Еки: ببردا مرش از فلک هر هیچ طی کند دفتر مسودرا

(Таржимаси: Унинг буйруғи ҳар тонг фалакдан қора дафтар-тун]ни олиб кетади).

Юқоридаги мисраларнинг мазмуни исломнинг асосий эътиқодлари-га зиддир. Бу фақат шоҳнинг манманлигидан нозик қочирим, шоҳ ўзини гўё Ер ва Осмон ишларига ҳам қодир ҳис қилишдан киноягина бўлиши мумкин.

Бадри Чочийнинг ижоди ҳам кўпгина Шарқ мутақаддимин адиблари ва шоирларининг ижоди каби кўпқирралидир. У ўзи яшаган ҳаёт сабоқларини яхши сингдира олган. Бадри Чочий ҳаммадан аввал халқ-парварлик, инсонпарварлик позициясида туради. Унинг учун инсон-дунёдаги энг муқаддас мавжудотдир:

ز آغا ز كو نو سر انجام كيتى نهادى از نوع انسان نديم

(Таржимаси: Дунёнинг аввалидан охиргача ўйладим, инсон навидан яхшироқ вужудни кўрмадим).

ناكشيد سرچوسوزن: دل آزارى خلق نقش تحرير خيالش كى در آيد در خيال

(Таржимаси: Халқ дилига игнанинг учича ҳам бўлса озор беришдан ўзини тортмай туриб, тангри хаёлининг нақши кўнгил лавҳига қандай таҳрир топади).

Юқоридаги мисралар, умуман амалдорларнинг, айниқса юқори мансабдорларнинг тинчлигини бузувчи мисралардир, чунки улар мансабдорларни адолатга, инсофга, халққа нисбатан дилозорлик қилмасликка чақиради. Булар, албатта, эзувчи синф вакилларига номақбул мисралардир. Бадри яшаган давр ижтимоий муҳитининг табиий маҳсули бўлган зулм ва адолатсизлик уни ана шундай мисраларни ёзишга мажбур қилганидек, бу мисраларнинг ёзилиши Бадрининг узоқ давр мобайнида қочқин сифатида юртма-юрт кезишига сабаб бўлган эмасмикин?

Маълумки, XIV аср Ҳиндистонида ҳам, ўша даврдаги Ўрта ва Яқин Шарқдаги феодал ҳукмдорлари орасида ҳам тез-тез низо, нифоқ, урушлар юзага келиб турар эди. Бу эса ҳар қандай урушлар вақтидаги-дек халқ ва мамлакатнинг хонавайронлигига, очлик ва яланғочлигига сабаб бўлар эди. Бундай фалокатли воқеалар, шубҳасиз, Бадри Чочий-дек буюк кишиларнинг диққатини ўзига жалб қилар, уларнинг ўринсиз уруш ва жанжаллардан ўта даражада нафратланишларига сабаб бўлар эди. Бадри Чочийнинг урушга бўлган муносабатини қуйидаги мисралардан очиқ кўра оламиз:

كرچه از عدلش سپر نفتاد روبروى تير
تياز لهمش صدام كحان تاب آور است

(Т а р ж и м а с и: Шоҳ адолатидан қалқон қиличга рўбару бўлмаса ҳам, ўқ унинг қўрқинчисидан камонда тобланади).

Шуниси қизиқки, унинг ана шундай ижтимоий масалалар мазмунини ифодалайдиган шеърлари ҳам энг юксак баднийлик билан ажойиб адабий приёмлар воситасида соф лирик шаклда ёзилгандир. Бу эса, Бадри Чочийнинг нақадар забардаст шоир эканини кўрсатадиган ҳужжатлар дейиш мумкин.

Биз Бадри Чочий ижодига баҳо беришда унинг турли-туман усуллардан, бадний воситалардан фойдаланган ҳамма асарларини ва уларнинг барча томонларини бутунлигича олиб қараш тарафдоримиз. Ана шундагина унинг асарлари тўғри баҳоланади, деб ўйлаймиз.

Бадри Чочий асарларининг кўпчилиги қасидалардан иборатлигини назарда тутиб, Шарқ қасиданависларининг катта кўпчилиги асарларини мушоҳада қилиб, қасиданавислик ҳақидаги фикримизни ҳам хулосалаб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, қасиданависликка фақат мураккаб мадҳиялардангина иборат деб қараб, унга нисбатан салбий кўз билан боқмоқ шошма-шошарлик бўлур эди. Қасиданависликнинг ҳамма томонларини яхши ўрганиб, унинг мазмунидаги айрим жиҳатларнинг барчасини аниқлаш зарур. Ана шундагина «қасиданавислик — лаганбардорлик, маддоҳлик» деган фикрлардан мутлақо халос бўламиз.

Юқоридагиларга назаран, Бадри Чочийнинг ижодига баҳо бериш ҳам мураккаб бир ишдир. Унинг асарлари биринчи қарашда бир хил шаклда намоён бўлса, чуқурроқ ўрганилса, бошқачароқ мазмун касб этади. Умуман, Бадри Чочий на фақат ўз даврининг, балки ўзидан кейинги даврларнинг шаронти учун ҳам забардаст шоир ва ростгўй инсон сифатида намоён бўлади. Унинг ижоди ўрганилишга арзийдиган бир ҳодисадир.

А. ИБРОҲИМОВ

НИСОРИЙ ИҶОДИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ

Алишер Навоий ўзидан сўнг етишиб чиққан олим, шоир ва ёзувчилар ижодига ижобий ва баракали таъсир кўрсатди. Алишер Навоий традицияларини давом эттириб, уни ўзига устоз деб билмаган, унинг ғазалларига назиралар ёзиб, мухаммаслар боғламаган шоир адабиёти-миз тарихида деярли бўлмаса керак. Бироқ Навоийнинг адабиётшунос сифатидаги традицияларини давом эттирган олимлар бармоқ билан санарлидир. Бинобарин, биз бу мақоламизни Алишер Навоийнинг адабиётшунос олим сифатидаги илмий аънаналарини давом эттирган Хожа Ҳасан ибн Подшоҳхожа (1519—1597)нинг шу соҳадаги фаолиятига бағишлаймиз.

XVI аср фани, маданияти ва тарихи билан шуғулланган бирорта ҳам олим йўқки, у бирор муносабат билан Хожа Ҳасан Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» тазкирасига мурожаат қилмаган бўлса. Бироқ шунга қарамасдан, бу тазкира ҳозирга қадар илмий асосда ўрганилмагани каби, нашр ҳам этилган эмас.

Тўғри, бу тазкира ҳақида баъзи бир олимлар йўл-йўлакай гапириб ўтганлар. Масалан, А. Н. Болдирев ўзининг «Тазкирэ Ҳасана Нисари, как новый источник для изучения культурной жизни Средней Азии XVI в.» сарлавҳали мақоласида¹ СССР Фанлар академиясининг Шарқ-шунослик институтида В—2493 ва В—4020 рақами билан сақланаётган «تذكرة بخاراى» («Тазкираи Бухоройи»)нинг тавсифини бергач, уни Берлинда сақланаётган нусха тавсифи билан таққослаб, бу икки нусха бир асар эканини, лекин Берлин нусхасида тазкиранинг номи «Тазкиран

Бухоройи» эмас, балки مذكرة الالهباب («Музақкир-ул-аҳбоб») бўлиб, муаллифи: مولانا سيد حسين خواجه نقيب الاشراف بخارى نثارى (мавлоно Саййид Ҳасан Хожа нақиб-ул-ашроф Бухоройи Нисорий) эканини айтади.

А. Мирзоев «Адабиёт (Ерй барои дарси адабиёти асрҳои XVI... ва XIX—и тожик) китоби (Сталинобод, 1948)нинг 35—36 саҳифаларида Нисорий ва унинг «Музақкири аҳбоб» тазкираси ҳақида баъзи бир фикрлар айтади.

Бундан ташқари, 1954 йилда А. К. Арендснинг «Таджикско-персидский глоссарий Хафиза Обехи» мақоласи² босилиб чиқди. Ҳофиз Убеҳий ҳақида бирдан-бир маълумот берадиган манба Нисорий тазкираси бўлгани учун бу асарга мурожаат қилган А. К. Арендс «Музақкири аҳбоб» ҳақида ҳам тўхтаб, унинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ-шунослик институти қўлёзмалар бўлимида бир неча нусхаси мавжуд эканлигини айтади.

¹ «Труды Отдела Востока Эрмитажа», т. III, Л., 1904, стр. 291—300.

² Труды института Востоковедения», вып. III, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1954, стр. 99.

М. Мирзааҳмедова ҳам бу масала юзасидан ўзининг «Ҳасан Нисорий ва унинг «Музақкирул аҳбоб» тазкираси» мақоласида³ фикр билдиради.

Бу авторлар, асосан, «Музақкири аҳбоб» тазкираси Урта Осиё маданиятини ўрганишда асосий ва ишончли манба эканини таъкидлаш, баъзан эса, тазкира қўлёзмаларининг у ёки бу нусхасини тавсиф этиш ва мазкур қўлёзманинг нусхалари ҳақида фикр юритиш билан чегараланадилар. Шунинг учун бўлса керак, Нисорий тазкирасининг номи турли манбаларда турлича ёзилиб келинмоқда. Бу тазкирнинг ҳозирга қадар илмий асосда ўрганилмаганлигини яна бир бор исбот этади. Чунончи, А. Н. Болдирев бу тазкирани «Тазкирани Бухороийи» ва «Музақкирул-аҳбоб» деб атаса, А. К. Аренде «Тазкиратул-аҳбоб» ва «Музақкирул-аҳбоб» тарзида ёзадилар.

Ҳолбуки, Хожа Ҳасан Нисорий тазкиранинг кириш қисмида ўз асарини «Музақкири аҳбоб» деб атаган:

قطعه — تاریخ

چون درین تذکره زبان قلم
ذکر احباب کرد از هر باب
نام و تاریخ و ساد اتمامش
گشت زانرو «مذکر احباب»

Мазмуни:

«Қитъа — тарих»

Чун бу тазкирада қалам тили,
Дўстлар зикрин этди ҳар бобдан.
Ҳам номи-ю, ҳам битилган йили —
Тарихин топ: «Музақкири аҳбоб»дан.

Бу қитъада айтилган *مذکر احباب* сўзларидаги ҳарфларнинг сон қиймати 974 бўлиб, бу асарнинг ёзиб тугатилган йилига тарих ҳам бўлган. Демак, асар ҳижрий 974 (мелодий 1566) йилда ёзиб тугатилган экан.

Модомики, Нисорий ўз асарига «Музақкири аҳбоб» деб ном қўйган ва бу ном тазкиранинг ёзиб тугатилган йили тарихи ҳам экан, демак, тазкиранинг номини «Музақкири аҳбоб» тарзида ёзиш ва ўқиш лозим бўлади. Чунки уни *مذالاحباب* тарзида ёзилса, ҳарфларнинг сон

қиймати 1005 бўлади. Ҳолбуки, Нисорий худди шу йили вафот этган эди.

Нисорий Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкираси ёзилгандан сўнг, орадан роса 75 йил ўтгач, унинг адабиётшунос олим сифатидаги илмий анъаналарини давом эттириб, ўзининг тазкирасини яратди. Нисорийнинг Алишер Навоийга бўлган эътиқоди шу қадар зўр ва унинг асарларига бўлган ихлоси шу қадар баланд эдики, натижада у ўз тазкирасининг бир неча ерида бирор муносабат билан Навоий номини қайта-қайта тилга олиб ўтади. Масалан, «Музақкири аҳбоб»нинг Амир Ҳайдарга бағишланган қисмида Амир Ҳайдар Навоийнинг қариндоши эканини, Навоий ижодига Мавлоно Абдурахмон Жомий юксак баҳо берганини... айтиб ўтгач, ўзининг Алишер Навоийга бўлган муносабатини куйидагича баён қилади:

«حضرت میر در واقعه از مؤلف پرسید ندکه از
اشعار ماجیزی یاد داری؟»

³ «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 4-сон.

فقير اين مقطع شريف ايشانرا خواندم مقطع:
 ای نوائی سین کیم و محراب و مسجد ایستامک
 قیده کیم خوبلر ایاعلن قویسا سین باشینگنی قوی
 التفات نموده درحق این کمینه این مطلع را خوندید مطلع:
 چو در کارمانی از هر کسی،
 بروح جعانبخش من دررسی...⁴

Маъмуни: «Мир ҳазратлари воқеада муаллифдан сўрадиларки, бизнинг шеърларимиздан бирор нарса ёдингда борми?»

Фақир уларнинг бу муборак мақтаъларини ўқидим. Мақтаъ:

Эй, Навоий, сен ким-у, меҳробу масжид истамак,
 Қайдаким хўблар аёгин қўйса, сен бошингни қўй

Илтифот қилиб, бу камина ҳақида бу матлаъни ўқидилар. Матлаъ:

Ишда сен ҳар кимдан қолсанг дармонда,
 Жаҳонбахш руҳимдан ол истифода».

Қизиқарли томони шундаки, Нисорий Навоийга айтиб берган мақтаъ ҳам, Навоий Нисорий ҳақида ўқиган матлаъ ҳам Алишер Навоий девонларининг ҳеч бирида учрамайди. Эҳтимол, шу мақтаъли ўзбекча ғазал ҳам, шу матлаъли форс-тожик тилидаги ғазал ҳам девонлар тузилиб бўлгандан кейин ёзилган янги ғазаллар бўлса керак. Хуллас, Нисорий қўлида Навоийнинг илгари тузилган машҳур девонларидан ташқари, кейин ёзилган шеърлар тўплами ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкин.

Нисорий ўзигача ёзилган тазкиралар ҳақида фикр юритар экан, XV асрда Жомийнинг «Баҳористон»идан ташқари Давлатшоҳ ҳам тазкира ёзганини эслатиб ўтади. Шундан сўнг, Нисорий бу традицияни Алишер Навоий давом эттирганини таъкидлаб, «Мажолисун-нафонс»дан сўнг Мовароуннаҳрда бундай асар ёзилмаганини афсус билан қайд этади.

Нисорий «Музақкири аҳбоб»ни ёзишга киришар экан, «Мажолисун-нафонс»ни яратиш принципларини ўз тазкирасига асос қилиб олади.

250 дан ортиқроқ олим, шоир ва санъаткорлар ҳаёти, ижоди ҳақида маълумот берувчи бу тазкира 2 рукн, 4 боб ва хотимадан иборат. Биринчи рукида шайбонийлардан чиққан шоирлар ҳақида (бу нарса Алишер Навоийда йўқ), иккинчи рукида эса темурийлардан чиққан, лекин «Мажолисун-нафонс»га кирмаган шоирлар ҳақида маълумот берилади (бу рукиларнинг ҳар бири ўз навбатида яна икки фаслга бўлинади). Тазкиранинг I бобида Нисорий ўзларини кўрмаган, ammo таърифларини эшитган шоирлар ҳақида, II бобида ўзи таниган, лекин асар ёзилганга қадар вафот этган шоирлар ҳақида, III бобида барҳаёт ва таниш шоирлар ҳақида, ниҳоят, сўнгги бобида ўзи шахсан танимаган, лекин барҳаёт шоирлар ҳақида маълумот беради. Асарнинг хотима бобида эса Нисорий ўзининг ота-боболари, қариндош-уруғлари ва ака-укалари ҳақида ёзади.

Нисорий ўз тазкирасини Алишер Навоийдан фарқли ўлароқ форс-тожик тилида ёзар экан, қуйидагиларни назарда тутган бўлиши мумкин.

Биринчидан, «Музақкири аҳбоб»га фақат ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаб ижод этган шоирларгина киритилиб қолмай, унда Ҳиндистон, Афғонистон, Марвдан тортиб, Туркистон ва Қашқаргача бўлган жуда катта территорияда яшаган олим, шоир ва фозиллар ижоди ҳақида ҳам фикр юритилган.

⁴ Уз ФА ШИ, 7760 рақамли қўлёзма, 46-варақ.

Иккинчидан, «Музакири аҳбоб»га киритилган 250 дан ортиқроқ ижодкорнинг аксарияти форс-тожик тилида ижод этган бўлиб, уларнинг баъзилари ўзбек тилини билмас ёки яхши тушунмас эдилар.

Учинчидан, бу тазкира торроқ адабий ва илмий доира учун мўлжалланган бўлиб, адабиёт билан қизиққан саводли ҳар бир ўзбек форс-тожик тилини билар, баъзилари Алишер Навоий айтганидек, «Андоқ-ким ўз хурд аҳволига кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балогат билан ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил билан рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар...»⁵ эди.

Тўртинчидан, Алишер Навоий яшаб ижод этган даврда, форс-тожик тилида ёзилган «Баҳористон» ва «Тазкиратуш-шуаро» сингари тазкиралар мавжуд эди. Бироқ «Мажолисун-нафоис»дан сўнг, орадан чорак кам бир аср ўтган бўлишига қарамай, Мовароуннаҳрда на форс-тожик тилида ва на ўзбек тилида тазкиралар ёзилган эди. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган Нисорий ўз тазкирасини форс-тожик тилида ёзган.

Маълумки, Навоий «Мажолисун-нафоис»да турли ижтимоий табақага мансуб бўлган шоирлар ҳаёти ҳақида қисқача маълумот беради; уларнинг ижодларидан намуналар келтиради; агар мазкур шоир икки тилда ижод этган бўлса, ҳар икки тилдаги шеърларидан намуналар келтириб, шоирнинг муваффақиятларини кўрсатиш билан бирга камчиликлари ҳам бўлса, уни ҳам айтиб ўтади.

Худди шу принципни Нисорий тазкирасида ҳам кўрамиз. Масалан:

«مولانا نہانی بضعت شانہ تراشی مشہور است...
اشعار نیکو دارداین مطلعش بغایت مشہور است مطلع:
طواف کعبہ و رنج سفرچہ داد سراسر است این
بگردکوی توگردم کہ کعبہ دیگر است این...»⁶

Маъзунни: «Мавлоно Ниҳоний — тароқчилик санъати билан машҳурдир... Яхши шеърлари бор ва бу матлаи ғоятда машҳурдир.

Матлаъ:

Чекиб ранжи сафар Қазба тароф этмоқ бош оғриқ бу,
Кўчанг атрофини этмоқ тавоф, Қазбадан ортиқ бу».

Мавлоно Ниҳоний ҳақида берилган бу характеристикада, биринчидан, шоирнинг касби ҳақида маълумот берилса, иккинчидан, унинг яхши шеърлари мавжуд бўлгани айтилади, учинчидан, шу фикрнинг исботи ўлароқ, Ниҳоний шеърларидан намуна (матлаъ) берилади.

Нисорий ҳам Навоий сингари ўз тазкирасида агар бирор шоир икки тилда ижод этган бўлса, унинг ҳар икки тилдаги шеърларидан намуналар келтиради. Бунга Нисорийнинг Комрон ибн Бобир ҳақида ёзганлари мисол бўла олади:

«... محمد کامران پادشاه ابن بابر پادشاه... از ملاقات
فضلا خالی نبوده و بشعر... التفات مینموده بزبان فارسی
و ترکی اشعار نیکو دارد... این غزل از... اوست، غزل
باز دامان خود آن سرو ببالازده است
کس بدامانش مگردست تمنازده است
کشیش عشق بود این که مه کنعانی

⁵ Алишер Навоий, Танланган асарлар, III том, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 177-бет.

⁶ Уша қўлёзма, 177 -бет.

عاقبت دست بدامان زلیخازده است
 کامران از چه سبب هوش بیک مغیبه داد
 گرنه از ساغر میحنت می صہبا زده است...»⁷

Мазмуні: «...Муҳаммад Комрон подшоҳ ибн Бобир подшоҳ...
 Фозиллар билан учрашмасдан туролмас эди ва шоирларга... илтифот
 кўрсатар эди. Форс-тожик ва турк-ўзбек тилларида яхши шеърлари бор.
 Бу ғазал... ундандир: Ғазал:

Сарв қад ўз этогин юқори бар урибдир,
 Ушлаш учун ё биров орқасидан юрибдир.
 Ишқ меҳробин имоми бўлмиш Канъон ғўзали,
 Зулайхонинг этогин кўзларига сурибдир.
 Меҳнат майидан ичиб, маст бўлмаса, Комрон,
 Ақду ҳушин не учун мугбачага берибдир.

«Музақкири аҳбоб»дан қисқартириб олинган бу парчадан, бирин-
 чидан, Комрон подшоҳ Заҳириддин Бобирнинг ўғли бўлиб, унинг шоир
 ҳам эканини, иккинчидан, унинг олим, фозил ва шоирларга бўлган яхши
 муносабатини, учинчидан, Комрон ҳар икки тилда ёзган шеърдан келти-
 рилган намуналарнинг ҳақиқатан яхши шеърлар эканини англаб
 оламиз.

Нисорий «Музақкири аҳбоб»да туркигўй шоирларга айрича эътибор
 беради. У туркигўй шоирлар ғазалининг матлаини келтириш билангина
 қаноатланмай, баъзан бутун бир ғазални ҳам кўчиради. Бунга Ҳумоюн
 подшоҳнинг амир ул-умароларидан Байрамхоннинг «Келадур» радифли
 ғазалини бутунисича кўчирилиши мисол бўла олади.

Яна шуни айтиш керакки, Нисорий Навоий изидан бориб, ўз тазки-
 расига у ёки бу шоирнинг ҳажвий шеърларидан намуналар киритишга
 алоҳида эътибор беради. Чунончи, у Хожа Калонбек ҳақида ёзар экан,
 унинг Заҳириддин Бобир билан шеърый ёзишмалари ҳақида қизиқарли
 маълумотлар беради.

«خواجه کلان بیک از عمر ای معتبر پادشاه بوده
 ورعایات پادشاهانه یافته از هنداورا بحکومت غزنه و
 کابل فرستاده اندازراه این مطلعر اگفته فرستاده
 مطلع:

اگر بخیره و سلامت گذر زسندکنم
 سیاه روی شوم اگر هوای هندکنم
 پادشاه این رباعی را در جواب اوروان کرده اند رباعی
 یوز شکرکه بابرکا کریم غفار
 بپردی ینه هندو سیندو ملک بسیار
 گرهندنینگ اسیفلیگیکا تورمان سین
 ساوق یوزنی کورای دیسانگ غزنیگا بار
 بشره میرچندان حرارت نداشتنه بنابراین این رابتعرض
 حمل کرده در جواب گفته، رباعی:

اظهار لطافت و ظرافت فیلاسز
 هر نکتهده یوز تومان کنایت فیلاسز
 گرهنداشی تیرس کاری ایرمس نی اوچون

⁷ Уша қўлёзма, 34—36-бетлар.

ایسیغ یردین ساوغ ظرافت قیلاسز
 بخاطر پادشا این سخن گران آمده در جواب چیزی ننوشته
 میر ازین تغافل، بیطاقت شده این مطلع رافرستاده مطلع:
 ای پادشاه خوبان تاکی کنی تغافل
 یار نمیکنی هیچ از عاشقان کابل
 اشعار لطیف میر بسیار است و این مطلع از کلام در ربار اوست
 مطلع:

قرا بختیمدین او طالعم قانی کیم ساچیدیک بولسام
 گهی توشسام ایاغیغه گهی باشیدین ایورولسام...»⁸

Ма з м у н и: «Хожа Қалонбек — подшоҳнинг риоят қилган эътиборли амирларидан эди. Ҳиндистондан уни Ғазна ва Қобил ҳокими қилиб юбордилар. Йўлдан бу матлаъни айтиб юборибдир.

Матлаъ:

Агар яхши, саломат ўтиб олсам Синдни,
 Юзим қора бўлсин, гар ҳавас этсам Ҳиндни.

Подшоҳ унга жавобан бу рубойни юбордилар. Рубойи:

Юз шукурки, Бобирга карими гаффор,
 Берди яна Ҳинд-у, Синд-у мулк бисёр,
 Гар Ҳинднинг иссиғлигига турмайсеи,
 Совуқ юзни кўрай десанг, Ғазнига бор.

Мирнинг башараси у қадар иссиғ эмас эди. Шунинг учун бу (рубойи) ни эътирозга йўйиб, жавоб айтибдир. Рубойи:

Изҳори латофат-у зарофат қиласиз,
 Ҳар нуқтада юз туман киноят қиласиз.
 Гар Ҳинд иши тескари эрмас, не учун
 Иссиғ ердин совуқ зарофат қиласиз.

Подшоҳнинг кўнглига бу сўз оғир келди. Жавобига ҳеч нарса ёзмади. Мир бу тағофилдан бетоқат бўлиб, бу матлаъни юборибдир.
 Матлаъ:

Токай қилур тағофил хубларнинг подшоҳи,
 Едига келмас Қобил ошиқларининг оҳи.

Мирнинг латиф шеърлари кўпдир ва бу матлаъ унинг дур сочувчи қаламидандир. Матлаъ:

Қаро бахтимдин у толеъ қаниким сочидек бўлсам,
 Гаҳи тушсам аёғига, гаҳи бошидан ўйрулсам...

Хожа Ҳасан Нисорий томонидан Қалонбекка берилган бу характеристикадан, унинг Бобирнинг эътиборли белларидан экани, ҳар икки тилда шеърлар ёзгани, табиатида бир оз қўполлик, риоя-андешани билмаслик хусусияти мавжудлигини англаш қийин бўлмагани каби, Нисорийнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобирга нисбатан бўлган ҳурмати ва хайрихоҳлигини ҳам англаб олиш қийин эмас. Нисорий Хожа Қалонбекнинг форс-тожик тилида қўпол ва густохона ёзилган байтига жавобан, Бобирнинг киноя билан ёзган рубойисини қораламайди, балки Хожа Қалонбекнинг совуқ ҳазилига ҳазил билан берилган жавоб, деб ҳисоблайди. Аксинча, у Қалонбекнинг ўзидан ўтган айбни сезиб, уэр сўраш ўрнига, Бобирга яна қалтисроқ, яна совуқроқ ҳазил билан жавоб ёзишини қоралайди, Бобир унинг бу рубойисига жавоб қайтармаганини оқлайди.

⁸ Уша қўлёзма, 54^а, 54^б-саҳифалар.

Нисорий ўз тазкирасида Алишер Навоий традицияларини давом эттириб, унинг «Мажолисун-нафоис»ига кирмай қолган XV аср охири ва XVI асрнинг 70-йилларигача бўлган шоирлар ҳақидагина маълумот бериш билан чекланмай, шу билан бирга, Навоий тазкирасига киритилган Ҳилолий, Қавқабий ва Мир Али каби ёш шоирларнинг ҳаёти ва ижодлари ҳақида ҳам маълумот бериб, улар ҳақида Навоий томонидан берилган маълумотларни тўлдиради ва мукаммаллаштиради. Чунки юқорида номлари тилга олинган шоирлар у вақтда ёш толибул-илмлар бўлиб, улар ижодларининг гуллаган даври XVI асрнинг биринчи ярим-ларига тўғри келган эди.

Масалан, Алишер Навоий мавлоно Мир Али ҳақида қуйидаги жуда қисқа маълумотни берган:

Мавлоно Мир Али: Ҳазрати махдуми нуран (Абдурахмон Жомий — А. И) мадрасасида бўлур ва аларға мулозим ҳам бор. Бу матлаъ анингдурким:

Маро бе сарви қаддаш бошад, эй дил,
Ба жон ҳар лаҳза тийри ҳажр ҳосил⁹.

Алишер Навоий томонидан берилган бу маълумот Нисорий тазкирасида янада тўлдирилади.

«مولانا مير علي كاتب در خط ملك الكتاب بود در نسخ
تعلیق بامداد مداد و قلم داد خوش نویسی داده ... در
فنون شیعر و قوفی تمام داشت تواریخرا خوب میگفت وقتیکه
حضرت (عبیدالله) خان خطبه بنام خودخواندند این تاریخرا
گفته بود اینست تاریخ:
«... سال تاریخ زد دل جستم، گفت:

«والی ملک عبیدالله خان...»¹⁰

ملا بگفتن تاریخ شهرت تمام داشت میرزا بیک دیوان
بعداز فوت ملا بخواب دیده آزار تاریخ وفات پرسیده
ملا در جواب گفته که: «میر علی فوت نموده»...¹¹ مولانا
قریب بهفتا: بود که تیغ قضا نخل حیانش را قلم نموده...
مر قدش... در صفة مولانا محمد صالح واقع است...»¹²

Мазмуни: «Мавлоно Мир Али котиб... хатда китоблар подшоҳи эди. Давот-қалам ёрдамида настаълиқ ёзувларида хуш хатликнинг додини берар эди... Шеър фанларидан мукаммал воқиф эди, тарихларни яхши айтар эди. Ҳазрати (Убайдулло) хон ўз номига хутба ўқитган вақтларда бу тарихни яхши айтиб эди. Тарих будир:

«... Изладим тарих йилини дилдан, деди:
Воли — йи мулк — Убайдуллохон».

...Мулло тарих айтишда шуҳрат қозонган эди. Муллонинг вафоти-дан сўнг, Мирзобек девон уни тушида кўриб, ундан вафоти тарихини

⁹ Алишер Навоий, Мажолисун-нафоис, Илмий танқидий текст. Тайёрловчи С. Ганиева, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1961, 135-бет. Матлаъи мазмуни:

Сарв қадди бўлмаса манга эй дил,
Жонима ҳар лаҳза тийри ҳажр ҳосил.

¹⁰ Араб алифбосида ёзилган бу сўзлардаги ҳарфларнинг сон қиймати 940 бўлади. Демак, Убайдуллохон ҳижрий 940 (мелодий 1534) йилда хон бўлган.

¹¹ Араб алифбосида ёзилган бу сўзлардаги ҳарфларнинг сон қиймати 951 бўлади. Демак, Мир Али котиб ҳижрий 951, мелодий 1544 йилда вафот этган.

¹² Уша қўлёзма, 81 ва 82 -саҳифалар.

сўрабди, Мулло жавобда дебдирки: «Мир Али вафот этибдир» ...Мавлоно 70 га яқинлашган эдики, қазо тифи ҳаёти дарахтини кесди... Қабри... Мавлоно Муҳаммад Солиҳ суфасида воқеъ бўлибдир...»

Бу парчадаги Мир Алининг қайси йили ва неча ёшида вафот этгани ҳақида берилган маълумот жуда қимматлидир. Чунки бу маълумот, биринчидан, Мир Алининг нечанчи йилда туғилганини аниқлаш имконини берса, иккинчидан, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»га Мир Али номини киритган вақтда, унинг неча ёшида эканини билиб олишимизга ҳам ёрдам беради: Мир Али 70 ёшга яқинлашиб, 951 йилда вафот этган экан, демак, у 881 ҳижрий (мелодий 1476 йилда туғилган).

Навоий «Мажолисун-нафоис»ни 1491 йилда ёзган. Модомки, Мир Али 1476 йилда туғилган экан, демак бу вақтда у 15 ёшда бўлган ва шоир сифатида танилган.

Булардан ташқари, XVI аср ўзбек адабиётининг энг йирик намояндалари — Муҳаммад Солиҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Мажлисий Убайдий, Хожа каби ёзувчи ва шоирлар ҳақида муҳим маълумот берадиган манба ҳам Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» тазкираси ҳисобланадики, буларнинг ҳаммаси ҳақида бу мақолада ёзиб улгуриш мумкин эмас. Бинобарин, «Музақкири аҳбоб»дан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин бўлса ҳам, лекин Нисорий ижодида Алишер Навоий анъаналарини кўрсатиш учун, юқоридагиларнинг ўзи ҳам етарли бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Р. ҚОДИРИЙ

УЙҒУР СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ АДАБИЁТИНИНГ
ТУҒИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Коммунистик партия билан Совет давлатининг изчил суратда амалга ошираётган ленинча миллий сиёсати Урта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи уйғур меҳнаткашларининг миллий маданиятини, хусусан адабиётини тараққий эттириш учун ҳамма шарт-шароитни яратиб берди. Натижада СССРдаги бошқа халқлар адабиёти қатори уйғур социалистик реализм адабиёти ҳам пайдо бўлди ва ривожлана бошлади.

Уйғур социалистик реализм адабиёти уйғур классик адабиётининг энг илғор аъёналарини янги тарихий шароитда ривожлантириш асосида туғилди. Бу аъёналар эса туркий халқларнинг дастлабки ёзма ёдгорликлари — Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Жонибек Уқтулмиш ўғли кабиларнинг нодир асарларига бориб тақалади. Шу билан бирга янги уйғур адабиёти Султон Саидхон, Абдурашидхон, Салоҳий, Залилий, Ҳирқатий, Навбатий, Муҳаммад Содиқ Қошғарий, Муҳаммад Темур Қошғарий, Абдурахим Низорий, Турди Ғарибий, Наврузохун Зиёий, Билол Нозим сингари етук классикларнинг ҳамда озодлик ва мардлик мотивлари билан йўғрилган халқ оғзаки ижодининг энг яхши аъёналарини ўзида мужассамлаштиради. Айни чоғда уйғур социалистик реализм адабиёти тараққийпарвар жаҳон адабиёти, айниқса рус классика ва совет адабиётларининг узлуксиз ва муттасил кўрсатаётган таъсири асосида туғилди ва ўсди.

Ҳозир уйғур социалистик реализм адабиёти замонамиз талабларига жавоб бера олгудек поэзия, проза, драматургия, болалар адабиёти ва адабий танқидга эга бўлган етук миллий адабиёт даражасига кўтарилиб, Умар Муҳаммадий, Нур Исроилов, Турди Ҳасанов, Мўмин Ҳамроев, Абдулҳай Муҳаммадий, Абдулҳамид Хўжамберди, Ҳазим Искандаров, Қодир Ҳасанов, Исмоил Сатторов, Зиё Самадий, Ҳизимат Абдуллин, Жамол Бўсоқов, Ҳалил Ҳамроев, Иля Бахтиёр, Ҳазим Бахниёзов, Абдулҳай Рўзи, Маъсумжон Зулфиқоров каби таниқли ёзувчи, шоир ва драматургларни етиштирди. Бу ёзувчилар ижодининг тематик мундарижасини кўздан кечиран эканмиз, уйғур адабиётининг ҳам кўпмиллатли совет адабиётининг магистрал йўлидан бораётганини кўрамиз. Дарвоқе, уйғур социалистик реализм адабиётида ижодкор совет халқининг кураши, меҳнати, яратувчилиги акс этади. Социалистик дунёни бунёд айловчи, уни бахту саодат гуллари билан безатувчи қудратли совет одами бу адабиётнинг бош ва асосий қаҳрамонига айланди.

Уйғур социалистик реализм адабиётининг асосчиларидан Умар Муҳаммадий Октябрь тоғини кўриб, ғоятда қувонди. У бойларнинг эшикларига хору зор бўлиб юришдан, парча нонга термулишдан қутулди. Ҳанузгача кулмаган, ғам-қайғудан қутулмаган хаста ва дардли кўнгли малҳам топди, энди кўнгил яраларини даволаб кула бошлади.

Буларнинг бари унинг 1927 йили ёзилган «Октябрь тонги отганда» шеърисида ифодаланади:

Мэн етизда өстум,
Бирак журдр орнум тар еди.
Кулмиди көнлүм бир қетимма,
Ечилип, йейилип ойниғанларим
Бөк песапсиз аз еди.

Кейин кулди көнлүм,
Октябрь төни атти.
Ранөтлинип, керилип бир нахша ейтдим,
Бу болар әң адаққи,
Әң қаттиқ чоң йега¹.

Уйғур классик шеърятининг ва айниқса Маяковский бошлаб берган ажойиб совет шеърятининг энг яхши дурдоналаридан илҳомланиб ёзган асарларида У. Муҳаммадий, Т. Ҳасан, Н. Исроилов, Ҳ. Искандар ва шу сингарилар чинаякам реалист шоирлар тарзида кўзга ташланади. Улар яратган халқчил ва ҳаққоний шеърларда, баллада ва поэмаларда янги ҳаёт, янги ижтимоий муносабатлар, янги қаҳрамонлар ўз ифодасини топди.

Шоир Абдулҳай Муҳаммадий ҳам Октябрь куйчиси сифатида ўсиб ва улғайди. Унинг Октябрни мадҳ этиши бежиз эмас эди. Ешлигини хўрликда, сарсонликда ўтказган Абдулҳай Улуғ Октябрь инқилобини қувонч билан кутиб олди. Шоир ўз шеърларида: озодликка, инсоний ҳуқуқларга эришган халқни тинч яратувчилик меҳнатига чорлади. У 1923 йили ёзилган шеърисида бундай дейди:

Чап кәтминини, қаттиқ чап,
Йерниң жени чиққунча чап!
Асти-устига айландуруп,
Йилтизлири путқунча чап!
Чап кәтминини, чапсан чап,
Қарәл — вақтин йетип кәлди,
Оңға-солға қаримай чап!²

Уйғур социалистик реализм адабиётининг асосчиларидан бири Т. Ҳасандир. У Шарқий Туркистоннинг Или вилоятига қарашли Суйдинг шаҳрида новвой оиласида 1909 йили туғилди. 1925 йилда ота-онаси билан бирга советлар юртига кўчиб ўтди; Олма-ота ва Тошкентда ўқиди, яхши билим олди; Тошкентда чиқадиган «Шарқ ҳақиқати» газетасида ишлади. Тошкентда унинг «Кураш», «Инқилоб сури», «Олтин томлар», «Зулм ўчоғи» каби китоблари нашр этилди.

Т. Ҳасанов ўз асарларида китобхонни Совет ҳокимиятининг яна ҳам мустаҳкамланиши, халқнинг моддий ва маънавий бойлигининг ошиши йўлида бетиним меҳнат қилишга чақирди. У ленинизм ғоялари учун курашда буткул кучини, қудратини, матонатини кўрсатишдан шарафлироқ ишнинг йўқлигини уқтирди. Айни чоғда юракларда ёнган, ловуллаган чўғнинг Ленин чўғидан иборат эканлигини ифодалаб 1931 йили шундай деб ёзган эди:

Бизниң йолимиз Ленин йолидур,
Бизниң туғимиз Ленин туғидур.
Коммунизмниң полат пулидур,
Қозғал, ей заман, өзгәр, ей заман,
СССР охшаш болар һур заман!³

¹ Омер Мухаммадий, «Жазушы» нашрияти, Алмута, 1968, 58-бет. Топлиғучи ва муқаддәмә язғучи М. Нәмираев.

² «Кураш ва ҳаят». Топлиғучи: Мәһмүт Абдурәхманов. Қаздөвгөздәнәр, Алмута, 1962, 37-бет.

³ Уша китоб. 127-бет.

Уйғур социалистик реализм шеъриятининг шаклланиш ва тараққий этиш жараёнини кўздан кечирсак, унинг туғилиш давридан бошлабоқ Октябрь ғояларининг тарғиботчиси бўлганлигини, озод одамларнинг қаҳрамонлигини, яратувчилигини, жасоратини, ҳар қандай душман устидан ғолиб чиқажаклигини поэтик ифода қиладиган асарларнинг бунёдга келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. У. Муҳаммадийнинг «Айд қиламиз», «Гуллар экдик», Т. Ҳасаннинг «Уйғониш марши», «Инқилоб сури», Нур Исроилнинг «Онамга», «Большевиклар баҳори», «Давр», «Танладим», «Ризвонгул», Ҳ. Искандарнинг «Уйғур қизи» каби шеър ва поэмалари юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Октябрь инқилобининг жарчиси сифатида майдонга чиққан ва уйғур социалистик реализм адабиётига асос қурганлардан яна бири Нур Исроилдр. У камбағал оилада туғилди. Олма-отада, сўнг Тошкентда билим олди ва Тошкентда ишлади. Нур Исроил партия билан халқнинг монолит бирлигини акс эттирувчи асарлар ёзди. Шунингдек, озодлик, Ватанга муҳаббат, дўстлик ғоялари билан сугорилган асарларида ўз ижодига юксак ғоявийлик ва партиявийликни намойиш этди.

Воқеликка бундай партиявийлик ва ғоявийлик билан ёндошиш уйғур социалистик реализм шеъриятининг асосий принципи бўлди ва бўлиб келмоқда. Бу принципнинг ҳар бир шеър, баллада ва поэмада изчиллик билан амалга ошиб келаётганини аниқ кўриш мумкин. Уйғур социалистик реализм шеъриятининг пешқадам вакилларидан ҳисобланган Ҳ. Искандарнинг ижодиётида озод меҳнат, халқ, Ватан ва партияга бўлган чуқур муҳаббат ғоялари салмоқли ўринни ишғол қилади. Унинг 1936 йили ёзилган «Уйғур қизи» номли достони фикримизни тасдиқлайди.

Уйғур социалистик реализм шеъриятининг намоёндалари йил сайин кўпайиб борди. 30-йилларнинг охиридан бошлаб Қодир Ҳасанов, Исмоил Сатторов каби шоирлар ўзига хос овози ва услуби билан танила бошлади. Улар ижодиётининг намуналари рус, қozoқ ва бошқа қардош халқлар тилларида нашр этилди. Қодир Ҳасаннинг «Ленин туғи», «Москвага салом», «Қашқарга салом», «Кенжа»; Исмоил Сатторовнинг «Шонли Ватан», «У кун яқин», «Хур боғ қизи», «Гулбоғистон» сингари шеър ва поэмалари шулар жумласига кирди.

40-йиллар, айниқса 50-йиллар уйғур социалистик реализм шеърияти тематик томондан жуда кенгая, ғоявий жиҳатдан яна ҳам ўткирлаша, бадний жиҳатдан юксак чўққиларга кўтарила бошлади. 50-йилларда яратилган шеърлар, балладалар ва достонларда Ватан, меҳнат, ижодкорлик, ҳамкорлик, дўстлик, қардошлик ва тинчлик темалари кенг ёритила бошлади. Айни замонда 50-йиллардаги уйғур шеърияти ўзининг сермахсулиги, мазмундорлиги, ўз сафига янги-янги талант эгалари ҳисобига бойиб борганлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу йилларда уйғур адабиётига кириб келган шоирлар орасида Ҳазимат Абдуллин, Иля Бахтиёр, Ҳазим Бахтиёзов, Ҳалил Ҳамроев, Носир Ҳасан, Ҳазиз Ҳазимов, Абдулхай Рўзилар алоҳида ажралиб туради. Х. Абдуллиннинг «Аноят», Иля Бахтиёрнинг «Олтин юлдуз таққан қиз», «Колхоз йигити», Абдулхайнинг «Бодом дўппи», Ҳ. Ҳамроевнинг «Ленин авлоди», «Гуламхон», «Деҳқон» каби асарлари бу давр уйғур шеъриятининг энг яхши намуналари ҳисобланади.

Улуғ Октябрь инқилобининг буюк ташкилотчиси Ленинни куйламаган уйғур шоирини топиш мумкин эмас. Бу мавзу айниқса, Ҳа дил Ҳамроевнинг ижодиётида салмоқли ўрин эгаллайди.

Эрик сойгэн инсанийат қэлбигэ
Ленин нами чирақ болуп йеқилган.
Шуна ғалип эмгәкчиләр әһлигэ,
Буржуазлар тизин пукуп жиқилган.

Шу нам билэн башланди һур дәвримиз,
Тарихимиз, дәстуримиз, әсримиз⁴,

дея Лениндан бехад миннатдорлигини баён этади шоир Ҳалил Ҳамроев. Қисқа қилиб шунни айтиш мумкинки, совет тузуми ўрнатилган кундан тортиб то бугунгача босиб ўтган ярим асрдан зиёд кураш йўли ва унинг қўлга киритган ғалабалари уйғур социалистик реализм шеърятининг мундарижасини ташкил қилади. Социалистик жамиятни қуриш, ўстириш, туллатиш ва уни душманлардан сақлаш, ҳимоя қилиш, социализмдан коммунизмга қараб одим ташлаш, дунёдаги озодлик ва миллий мустақиллик ҳаракатларига хайрихоҳлик кўрсатиш каби қатор мавзулар уйғур шеърятда муносиб ёритилди ва ёритилмоқда.

Уйғур адабиётда социалистик реализм методи талабларига жавоб бергудек ҳақиқий прозаик асарлар 30-йиллардан тортиб яратила бошлади. Ана шу йилларнинг ўзидаёқ Нур Исроилов «Оғир кунларда», Турди Ҳасаннинг «Зулм ўчоғи» сингари қиссалари, Мўмин Ҳамроевнинг «Тўлқинлар орасида», «Майдондан овоз» каби романлари бунёдга келди. Уйғур социалистик реализм прозасининг асосчиларидан ҳисобланган Нур Исроилов «Оғир кунларда» номли қиссасида Улуғ Октябрь инқилобидан бурунги Етти сув меҳнаткашлари, жумладан уйғур жафокашларининг оғир, ачинарли ва хору зор ҳаётини ҳаққоний ва табиий манзараларда акс эттиришга интилди. Умар Муҳаммадий «Ботир йиллар» деган асарида ёш Совет давлатини ҳимоя қилиш ва уни мустаҳкамлаш учун олиб борилган кураш йилларини, унинг алангаларини, кетма-кет қозонилган ғалабаларни ифодалаб беришга ҳаракат қилди. Талантли ва дадил адиб Турди Ҳасан «Зулм ўчоғи» номли қиссасида киндик қони томган она юрти — Шарқий Туркистонда авжига минган зулми, унинг турларини, истибод ҳокимиятининг ёвузлигини, унинг қабиҳ, разил ҳаракатларини, озодлик душманларини фош этиш ва уни улоқтиришга қаратилган исёнларни акс эттирди.

Уйғур прозасида 30-йилларнинг бошидаёқ роман жанрини бошлаб берган Мўмин Ҳамроев ижоди алоҳида аҳамиятга эгадир. У «Тўлқинлар орасида» номли романида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган алангали йилларни ифодалашга интилса, «Майдондан овоз» романида социалистик жамиятимизнинг порлоқ келажаги йўлида кураш ва меҳнатни тўхтатмасликка чақирди. Булар уйғур реалистик прозасининг 30-йиллардаги катта ютуқларидан эди.

Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги даврда уйғур прозасида уруш ва тинчлик мавзуларига бағишланган, шу билан бирга тарихий мавзуларда ёзилган ҳикоялар, новеллалар, қиссалар, романлар майдонга келди. Ҳазимат Абдуллиннинг Улуғ Ватан уруши мавзуида ёзилган «Юртдошлар», Шарқий Туркистон зиёлилари ҳаётига бағишлаган «Турфон таъбиасида» номли романлари, Жамол Босоқовнинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга бағишланган «Қайном» номли романининг биринчи ва иккинчи китоблари, Зиё Самардийнинг тарихий темада ёзилган «Мойимхон» ва миллий озодлик курашларини ёритишни мақсад қилган «Йиллар сири» романлари, Юсуфбек Муҳлисовнинг «Содир Полвон» номли қиссаси, Юсуф Илёс, Қурбон Тўхтамов, Мунглик Боқиев, Жамол Мусоев, Аҳмаджон Аширов, М. Зулфиқоров ва бошқаларнинг қатор роман, қисса ва ҳикоялари шу давр прозасининг яхши намуналарини ташкил этади.

Уйғур адабиёти ҳақида баҳс борар экан, драматургия борасида ҳам бир-икки оғиз айтиб ўтиш керак бўлади.

⁴ Хелил Нәмраев. Дала юлтузлири. «Жазушы» нәшрияты, Алмута, 1966, 7-бет.

Уйғур революцион драматургияси ҳам 30-йиллари шаклланди. Унинг пойдевори машҳур «Анархон» номли музыкали драма билан қурилди. Уйғур халқининг оғир ўтмишини, қора қисматларини, қуллик ва асоратда чеккан жабру жафосини, меҳнаткаш омманинг зулмга қарши кўтарган исёнларини кўрсатишга интилган бу асар Жалол Асимов ва Абдулхай Содиروفлар томонидан ёзилди. Мазкур музыкали драма уйғур санъатининг, театрнинг классик асари бўлиб қолди ва ҳозирги кунга қадар театр сахнасидан тушмай ўйналмоқда.

Драматург Қодир Ҳасаннинг уйғур халқининг қаҳрамон қизи — Нозигим ҳаётига бағишланган «Нозигим», қишлоқ хўжалигимиздаги нуқсонларни фош этиш ва уни тугатиш масаласини ифодалашни мақсад қилган «Қасални яширсанг, ўлими ошкора», Исмоил Сатторнинг халқ дostonлари асосида яратган «Ғариб ва Санам», Юсуфбек Муҳлисовнинг «Насриддин афанди Қашқарда» каби асарлари уйғур драматургиясининг етук намуналаридандир.

Хулоса қилиб айтганда, уйғур социалистик реализм адабиёти Улғур Октябрь инқилобининг самараси, жанговар мазмунга эга бўлган йўлини, фаолиятини ёритишга бағишланган янгича инсоншуносликдир. Шу билан бирга буткул инқилобий, халқчил фикрларни ва илғор анъаналарни ўзида жамлай олган энг курашчан сифатида майдонга келди ва кўп миллатли совет адабиёти билан бир сафда туриб, совет халқининг янги, коммунистик жамият учун олиб борган ва олиб бораётган курашини акс эттирувчи илғор инқилобий адабиёт даражасига кўтарилди.

ТИЛШУНОСЛИК

ОЛИМ УСМОН

ТИЛ МАДАНИЯТИНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ¹

Модомики, гап тил маданияти ҳақида борар экан, тил традицияси-га риоя қилмаслик — тилда мустаҳкам ўрнашиб қолган терминларни тегишли асос бўлмагани ҳолда бошқа сўзлар билан алмаштириш ҳоллари ҳақида ҳам сўзлаб ўтишга тўғри келади. Аввало, бу ўринда Октябрь инқилобининг дастлабки йилларидан бошлаб ўзбек тилининг луғат составидан мустаҳкам ўрин олган ва узоқ умр кўрган, бироқ кейинчалик луғат составидан чиқариб юборилган ана шундай сўзлардан *табиёт* ва *ижтимоёт* сўзларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Булардан *табиёт* (естествознание) термини ўзбек тилида қарийб қирқ йил мобайнида қўлланиб келди. Ўзбекча-русча луғатларнинг 1941 ва 1969 йил нашрларида ҳам *табиёт* сўзи русча «естествознание» сўзининг ўзбекча асосий эквиваленти эканлиги қайд қилиб ўтилган. Бироқ 60-йилларга келиб бу термин ҳеч қандай заруриятсиз ва асоссиз равишда *табиатшунослик* термини билан алмаштирилди. Худди шу асосда *табиётчи* (табиёт муаллими маъносида) термини эса *табиатшунос* термини билан алмаштирилди. Ҳолбуки *табиатшунослик* термини «естествознание» сўзининг маъносини тўла очиб беролмайди ва у эскирган, истеъмолдан чиқиб кетган русча «природоведение» терминигагина эквивалент бўлиб келиши мумкин. Демак, *табиатшунос* термини «естествовед» (табиёт фани муаллими) терминига эквивалент бўлиб келолмайди. Аксинча, табиатшунос термини русча «натуралист», «естествоиспытатель» терминларининг жуда мос эквиваленти бўлиб кела олиши мумкин. Ўзбекча-русча луғатда ҳам *табиатшунос* сўзи худди шу тарзда изоҳланиб жуда тўғри йўл тutilган. Ҳозир матбуот саҳифаларида ҳам *табиатшунос* термини естествовед маъносида эмас, балки натуралист маъносида ишлатилаётир.

Ана шуларнинг оқибати ўлароқ, практикада *табиат* билан *табиёт* сўзлари бефарқ қориштирилиб, буларнинг ҳар иккисига ҳам ўхшамаган *табиёт* (?) сўзи пайдо бўла бошлади. Баъзан бир мақоланинг ўзида ҳам бу сўзлар хилма-хил қўлланган. Жумладан, «Ўзбекистон маданияти» газетасида (1967, 2-сон) босилган аини бир мақолада *табиат* ва *табиёт* сўзлари бир-бирлари билан тамоман қориштирилиб, *табиёт*, *табиёт фанлари*, *табиётшунослик*, *табиётшунослик факультети* тарзида бузиб берилган. Ҳатто, Ф. Энгельснинг машҳур «Табиат диалектикаси» номли асари ҳам «Табиёт диалектикаси»га айлантириб юборилган.

Йигирманчи ва ўттизинчи йилларда кенг истеъмолда бўлган *ижтимоёт* (обществоведение) терминининг тақдири ҳам худди шундай бўлиб чиқди. Чунончи, кейинги йилларда мактабларда *ижтимоёт* (общество-

¹ Охири. Боши I- ва 3-сонларда.

ведение) дарси қайтадан жорий қилиниши муносабати билан бу терминни ҳам қўллаш ёки қўлламаслик масаласи келиб чиқди. Натижада ўзбек тилига сингиб қолган бу термин «эскирган сўз» сифатида қаралиб, янги «жамиятшунослик» термини билан алмаштирилди. Ҳолбуки бу сўз «социология» сўзига синоним бўлиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, ўзбек тилида совет даврида пайдо бўлган ва неча ўн йиллар мобайнида қўлланилиб келган *табиийёт* ва *ижтимоийёт* терминлари ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда истеъмодан чиқариб юборилди. Субъектив қарашларнинг қурбони бўлган бу терминларни ҳали ҳам бўлса ўз ҳуқуқи ва ўз функцияларида қайтадан тиклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тил тараққиёти қонуниятлари ва тил традицияларига зид келадиган ана шундай интилишлар кейинги йилларда ҳам баъзан кўрина бошлади. Чунончи, русча «оратор» сўзининг маъносини ўзбек тилида тўла ифода қиладиган ва унинг том маъноси билан адекват эквивалент бўлиб келадиган *нотиқ* сўзи мавжудлигига қарамасдан, баъзан бу сўз ўрнида *воиз* сўзини ишлатиш ҳолларини кўрамизки, буни мутлақо маъқуллаб бўлмайди. Ҳатто *воизлик* (нотиқлик) санъати ҳақида — «Ўзбекистон маданияти» газетаси (1966, 18-сон) ҳамда «Фан ва турмуш» журналида махсус мақолалар ҳам берилган ва бир брошюра эълон қилинган.

Ҳолбуки, *воиз* сўзи аслида диний сўз бўлиб, ўзбек тили русча «оратор» сўзига эмас, балки «проповедник» сўзига эквивалент бўлиб келади. Форс ва тожик тилларида ҳозир ҳам русча «проповедник» сўзи *воиз* тарзида талқин қилинади. Модомики, шундай экан, ўзбек тили лексикасида мустаҳкам ўрнашиб қолган ва муваффақият билан ишлатилиб келаётган *нотиқ* ва *нотиқлик* сўзларини диний маънодаги *воиз* ва *воизлик* сўзлари билан алмаштиришга ҳеч қандай асос йўқ. Бундай нотўғри сўз қўллаш, аксинча, тил тараққиётига путур етказади, холос.

Ўзбек тилида яйлов ва қирларга ҳайдаб чиқариладиган сурувни, қўй подасини ифодалайдиган *ўтор* сўзи бор. Бу сўз айрим туркий тилларда, жумладан қирғиз ва татар тилларида ҳам бор. Қирғизларда бу сўз *ўтўр* (қирғизча ад. орф. *отор*) тарзида худди шу маънода ишлатилади, татарларда эса *ўтор* (татарча ад. орф. *утар*) тарзида молқўра, қўтон маъносида қўлланилади. Худди шу сўзни ўтмишда руслар туркий тиллардан *отара* тарзида ўзлаштирганлар. Шунга қарамасдан бу сўз русча-ўзбекча луғатларда русча «отара» сўзига берилган изоҳда ҳатто тилга ҳам олинмаган. Жумладан, бир томлик русча-ўзбекча луғатда (1954 йил нашри) «отара — ўтор» дейиш ўрнига тавсифий йўл билан русча «отара» сўзига «қўй подаси — қўй галаси» деб изоҳ берилган (497-бет). Ўзбекча-русча луғатда эса (1959 йил нашри) бу сўз *ўтар* тарзида янглиш қайд этилган.

Ана шу *ўтор* сўзи ҳозирги кунда матбуот саҳифаларида ҳам, китоб ва дарсликларда ҳам *отар* тарзида тамоман бузиб қўлланилмоқда. Қандайдир ношуд автор ёки таржимон томонидан саводсизларча ишлатилган бу сўз эндиликда ўзбек адабий тилида «ғалати машҳур» тарзида қарийб қонуний тус олиб қолди. Ёзма нутқимиздаги бу қўпол хато озгаки нутқимизда ҳам айнан такрорланмоқда. Жумладан, радио ва телевидение эшиттириш ва кўрсатувларида дикторлар ҳам *ўтор*, *колхоз ўторлари* дейиш ўрнига *отар*, *колхоз отарлари* тарзида тамоман бузиб талаффуз қилаётирлар. Натижада ўзбек тилида соф ўзбекча *ўтор* сўзига ҳам, шунингдек русча *отара* сўзига ҳам мутлақо ўхшамаган сунъий, қурама, ўхшовсиз *отар* сўзи пайдо бўлиб қолди. Ҳатто бу сўкма *отар* сўзини чала тушунган айрим газетхонларнинг ҳайратланиб, «отар сўзи

билан отарчи, отарчилар»² сўзи ўртасида қандай боғланиш бор, улар асли бир сўз эмасми?» деб биздан сўраган маҳаллари ҳам бўлган.

Маълумки, 20-йилларда ўзбек тили соҳасида авж олиб кетган пуристик ҳаракат натижасида русча-интернционал сўзларгина эмас, ҳатто ўзбек тилига сингиб кетган ва унинг луғат составида мустақкам ўрин олган *муаллим* ва *муаллима*, *талаба* ва *толиба* сингари сўзлар ҳам «арабизм», «форсизм» лавҳаси остида тилимиздан суриб чиқарилади. Уша даврдан бошлаб *муаллим* сўзи ўрнида *ўқутғучи* (ҳозир *ўқитувчи*), *муаллима* ўрнида *ўқутғучи хотин* (ҳозир *ўқитувчи аёл*), *талаба* ўрнида *ўқуғучи* (ҳозир *ўқувчи*), *толиба* ўрнида *ўқуғучи қиз* (ҳозир *ўқувчи қиз*) терминлари ишлатила бошланган эди. Ана шу оқим таъсири остида маълум даврда *қалам* сўзи ўрнида *ёзғич*, *калит* ўрнида *очқич*, *насиҳат* ўрнида *ёгут*, *мусобақа* ўрнида *ўзишма*, *наср* ўрнида *сочма*, *назм* ўрнида тизма, русча интернционал сўзлардан эса *айруплон* (аэроплан) ўрнида *учқич*, *пролетар* ўрнида *йўқсул*, *пўчтолйун* (почтальон) ўрнида *чопар*, *линейка* ўрнида *чизғич*, *уяз* (уезд) ўрнида *туман*, *водород* ўрнида *сув тўғдирғич* сингари архаик ёки ясама сўзлар ишлатила бошланган эди. Кейинчалик эса бу сўзлар тилдаги пуризмга қарши кураш оқибатида ўзбек тилининг луғат составидан чиқариб юборилиб, *қалам*, *калит*, *насиҳат*, *мусобақа*, *наср*, *назм*, *аэроплан*, *пролетар*, *почтальон*, *линейка*, *уезд*, *водород* сўзларининг ўзлари қўллана бошланди.

Бироқ ўзбек тилининг луғат составидан ноҳақ чиқариб юборилган *муаллим*, *муаллима*, *талаба* ва *толиба* сингари айрим сўзларга нисбатан йўл қўйилган хатолик тузатилмай қолиб кетди. Шунинг учун ҳам ҳозиргача ўзбекча-русча луғатларнинг барчасида бу сўзларга «эскирган сўзлар» сифатида изоҳ берилиб келади. Бироқ бундай огоҳлантиришларга ҳам қарамай, бу сўзлар матбуот саҳифаларида тез-тез учраб туради. Айниқса, *муаллим* ва *муаллима* сўзлари ёзувчи ва публицистларимиз асарларида, шунингдек, матбуот саҳифаларида норматив ҳисобланган *ўқитувчи* ва *ўқитувчи аёл* терминлари билан бир қаторда қўлланилиб келмоқда. Ҳатто қишлоқларда ҳозир ҳам оддий халқ *ўқитувчи* сўзи ўрнида *муаллим* сўзини ишлатади. Қишлоқ аҳолиси ўқитувчига ҳеч вақт «ўртоқ ўқитувчи» деб мурожаат қилмайди, аксинча, «ўртоқ муаллим» деб мурожаат қилади.

Демак, ёзувчилар, зиёлилар ичидагина эмас, балки кенг халқ оммаси ўртасида ҳам *ўқитувчи* (учитель) ва *ўқитувчи аёл* (учительница) терминларидан кўра ихчам ва мухтасар, талаффузи раван ва оҳангдор *муаллим* ва *муаллима* терминларини қўллашни афзал кўрадилар. Зотан, бу сўзлар *мактаб*, *дафтар*, *қалам*, *илм*, *олим* сўзлари сингари ўзбек тилининг руҳига, унинг луғат составига тамоман сингиб кетгандир. Шунинг учун ҳам ўз даврида пуристик ҳаракатнинг қурбони бўлган бу *муаллим* ва *муаллима* сўзларини ўз ҳуқуқларида қайтадан тиклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. У вақтда биз русча «учитель» ва «учительница» сўзларини ўзбек тилида *ўқитувчи*, *ўқитувчи аёл* тарзида дифференциация қилиб ўтирмасдан, умумхалқ тилига тамоман сингиб кетган ихчам ва мухтасар *муаллим* ва *муаллима* сўзлари билан раван ва осонгина ифодалаб қўя қолган бўлур эдик. Мактаб ҳаётида болаларнинг ўз устозларига одоб билан *ҳурматли ўқитувчи*, *ҳурматли ўқитувчи аёл* дейишдан кўра, *ҳурматли муаллим*, *ҳурматли муаллима* тарзида мурожаат қилишлари ҳам нафосатлироқ чиққан бўлур эди.

Истеъмолга киритила бошлаган *талаба* ва *толиба* сўзлари масаласида эса мавжуд традициядан чекиниш ҳоллари сезилади. Жумладан *талаба* сўзи ўзбек тилида асосан мактаб ўқувчиси («ученик», «школь-

² Саёқ артист ва машшоқларга нисбатан ишлатиладиган сўз.

ник») маъносида ўзлаштирилган бўлишга қарамасдан, сўнги йилларда матбуот саҳифаларида «студент» маъносида қўлланила бошлаганини кўрамиз.

Бу ўрнида, аввало шунини қайд қилиб ўтиш керакки, «унутилган» *талаба*, *толиба* сўзларини қайтадан тиклаб, халқимизга қайтаришда матбуотимизнинг биринчи галда, «Совет Ўбекистони» газетасининг ташаббусини қувватлаш керак. Лекин ўз навбатида бу сўзни қўллашда йўл қўйилган чалкашликни тузатиш зарур бўлади. Чунончи, газеталаримиз бу сўзларни мактаб ўқувчиларига нисбатан қўлламастан, аксинча, «студент», «студентка» сўзлари ўрнида ишлата бошладилар. (*университет талабалари, институт толибалари* каби). Бунда чалкашлик шундан иборатки, биринчидан, *талаба сўзи* «студент» сўзининг эмас, балки «ученик, школьник» сўзларининг эквивалентидир. Тўғри, 20-йилларда *студент* сўзи ҳали унчалик ўзлашмаган бир даврда бу сўз ўрнида *талаба* сўзи ҳам ишлатилган эди. Иккинчидан, модомики, «студент», «студентка» сўзлари ўзбек тили луғат составида мустақкам ўрни олган экан, уларни бошқа сўз билан алмаштиришга ҳеч қандай асос йўқ. Ҳар қандай ҳолда ҳам *студент*, *студентка* сўзларининг ўзи қўлланилиши керак.

Озарбайжон ва тожик тилларида ҳозир ҳам *талаба* — «ученик» ҳамда *толиба* — «ученица» маъносида ишлатилади. Модомики, тилимиздан ноҳақ ва асосиз чиқариб юборилган *талаба* ва *толиба* сўзларини қайтадан тикламоқчи эканмиз, уларни ўз маъноларида ишлатмоғимиз керак. Чунончи, ноўрни полисемик сўзга айлантириб юборилган *ўқувчи* (илгариги варианты — *ўқуғучи*) сўзини ўз маъносида, яъни «читаётчий» ва «читатель» маъноларида қолдириб, «ученик» маъносида ихчам ва мухтасар *талаба*, «ученица» маъносида эса *толиба* сўзларини тиклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Натижада дифференциация қилиниши зарур бўлган *ўқувчи бола* (ученик) ва *ўқувчи қиз* (ученица) тарзида ишлатилиб келаётган, бироқ унча силлиқ ва қулай бўлмаган, ноихчам тавсифий терминлардан қутулган бўлур эдик. Тилимизга сингиб, ўзлашиб кетган *студент*, *студентка* сўзларини эса юқорида айтиб ўтганимиздек, *талаба*, *толиба* сўзлари билан алмаштирамай, уларнинг ўзларини ишлатавериш керак. Зотан, ўзбек тилида бу сўзларнинг маъносини ифода қила оладиган адекват эквивалент ҳам йўқ.

Тил традицияси билан алоқадор масалалардан яна бири этимологик дублетлар масаласидир.

Турли даврларнинг маҳсули бўлган, бироқ этимологик жиҳатдан бир манба тилга мансуб ана шундай дублет сўзлардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтмоқ мумкин: *кимё* — *химия*, *кимёгар* — *химик*, *кимёвий* — *химиявий*, *филмик*; *фалсафа* — *философия*, *файласуф* — *философ*, *фалсафий* — *философлик*; *жуғрофия* — *география*, *жуғрофий* — *географик*; *мусиқа* — *музика*, *мусиқий* — *музика*, *музикавий*, *мусиқийлик* — *музикавийлик* ва ш. к. Бу типдаги дублет сўзларнинг ўзбек тилига кириб келиш тарихи ва луғат составида тутган ўрни, истеъмоладоираси ва стилистик роли чуқур ўрганилмаганлиги туфайли уларнинг қайси вариантларини адабий нормага асос қилиб олиш масаласи ҳамон муаммо бўлиб қолаётир.

Масаланинг мураккаб томони шундаки, аини бир маънони ифодалаб келаётган мазкур лексик жуфтлар составидаги сўз-терминларнинг ҳар бири ўзига мустақил, тамоман бошқа-бошқа сўзлар бўлмасдан, балки генетик жиҳатдан бир манба — тилга мансуб аини бир сўзининг икки хил дублет вариантларидир. Юқорида зикр қилинган бу дублет вариантларнинг барчаси турли даврнинг маҳсули бўлиб, ҳар икки ҳолда ҳам этимологик жиҳатдан юнон ёки араб тилига бориб тақалади. Булардан аслида арабча *кимё* ва юнонча *фалсафа*, *жуғрофия*, *мусиқа*, *мусиқий*

вариантлари қадим замонлардан бошлаб шарқ тилларига, шу жумладан, ўзбек тилига араб тили орқали арабча фонетик қиёфада келиб кирган. Мазкур дублетларнинг *химия*, *философия*, *география*, *музыка* вариантлари эса кейинги даврнинг маҳсули бўлиб, улар рус тили орқали ўзлаштирилгандир. Булардан фақат *музыка* сўзигина ўзбек тилига ўтган асрнинг охирларида ўзлаштирилган бўлиб, қолган *химия*, *философия*, *география* вариантлари эса яқингинадан, яъни ўттизинчи йилларнинг охирларидан бошлаб қўллана бошланди.

Шундай қилиб, аслида арабча ёки юнонча бўлган айни бир сўз бошқа-бошқа даврларда икки хил манба-тилдан, яъни ҳам араб, ҳам рус тилларидан ўзлаштирилгани учун ҳам этимологик дублетлар сифатида икки хил фонетик вариантга эга бўлган.

Мазкур этимологик дублетларнинг ҳар икки варианты ҳам газета ва журнал саҳифаларида, китоб ва дарсликларда қўлланилиб келмоқда. Булардан фақат *химия* ва *география* вариантларигина дарсликларда бир хил формада ишлатилмоқда. Бироқ мазкур этимологик дублетлар илмий ва тарихий жиҳатдан асосланиб, тартибга солинмаганидан, бу масала атрофидаги мунозара ва тортишувлар ҳамон давом этиб келади.

Айниқса, *кимё*—*химия*, *кимёгар*—*химик* дублетлари ҳақидаги мунозара ва «жанглар» қарийб 20 йил мобайнида давом этиб келади. Масаланинг қизиғи шу ердаки, мазкур дублетларни қўллашда кимёгарларимизнинг ўзлари ҳам шу 20 йил муддатда маълум бир қарорга кела олмаганлар. Шунинг натижасида бу дублет терминларни қўллашда кимёгарларимизнинг ўзлари ўртасидаги икки хил қараш ҳамон давом этиб келади.

Кимёгарларнинг бир гуруҳи бу терминларнинг шарқ тилларида (араб, форс ва тожик тилларида), шунингдек, ўзбек тилида ҳам қадим замонлардан бошлаб ишлатилиб келганини назарга олиб, *кимё*, *кимёгар* тарзида қўллашни олдинга сурадилар. Уларнинг иккинчи гуруҳи эса рус тилидаги сингари *химия*, *химик* тарзида қўллаш зарурлигини уқтирадилар. Агар дарсликларни мустасно қилсак, амалда, яъни матбуот саҳифаларида, шунингдек илмий, оммавий китоб ва рисолаларда *кимё*—*химия*, *кимёвий*—*химиявий*, *кимёгар*—*химик* тарзида уларнинг ҳар икки варианты ҳам қўлланилаётир.

Бу масалада диққатга сазовар момент шундан иборатки, луғат ва дарсликларимизда мазкур дублетларнинг фақат *химия*, *химик*, *химиявий* вариантлари тавсия этилишига қарамасдан, адабий тилимизнинг дарғалари, саркардалари бўлмиш ёзувчиларнинг асарларида, шунингдек, бадний-публицистик адабиётда мунтазам суратда, асосан, *химия* эмас *кимё*, *химик* эмас, *кимёгар*, химиявий эмас, *кимёвий* вариантлари ишлатилганлигини кўрамиз. Матбуот саҳифаларида ҳам бу дублет формаларнинг *кимё* ва *кимёгар* вариантлари тез-тез учраб туради. Айниқса, *кимёгар* сўзи сўнгги йилларда норматив тус олиб қолди. Матбуотчиларимиз ҳамма ҳолларда ҳам *химик* сўзи ўрнида *кимёгар* сўзини ишлатиб келмоқдалар. Машҳур кимёгарларимиздан академик Ҳ. У. Усмонов ҳам ўзининг ўзбек тилида ёзган асарларида ва газета мақолаларида муттасил суратда фақат *кимё* ва *кимёгар* вариантларини қўллаб келади. Демак, юқорида келтирилган далилларимиз *химия*—*кимё*, *химик*—*кимёгар* дублетларининг қарийб минг йиллик тарихга эга бўлган *кимё*, *кимёгар* вариантларини асосий терминлар сифатида қўллашни тақозо қилади. Шу билан бирга, уларнинг *химия*, *химик* вариантлари ҳам *кимё*, *кимёгар* терминларининг ёрдамчи дублет вариантлари сифатида сақланиши керак. У вақтда *химикат*, *химикалин*, *химизм* ҳамда *аерохимия*, *биохимия*, *электрохимия* сингари терминларни ишлатилавериш ҳам инкор этилмаган бўлади.

Юқорида биз кўрсатиб ўтган этимологик дублетлардан *география* — *журофия*, *географик* — *жургофий* вариантлари тўғрисида ҳам худди шундай фикрни олдинга суриш мумкин. Ўтмиш тарихий традиция ва ҳозирги тил тараққиётидаги тенденцияни ҳисобга олиб, улардан бирини асосий термин сифатида қабул қилиш, иккинчисини ёрдамчи дублет вариант сифатида тилда сақлаб қолиб, ўрни билан уларни ҳам ишлатавериш мумкин бўлур эди.

Этимологик дублетлардан *музыка* — *мусиқа*, *мусиқий*; *музыкавий* — *мусиқий*, *мусиқавий*; *музыкавийлик* — *мусиқийлик* вариантларига келсак, бунда аҳвол бошқачароқ. Булардан *музыка*, *музыкавий*, *музыкавийлик*, шунингдек, эскирган *музикон*, *музикончи* (рус. «музикант») этимологик дублетлари рус тилидан ўзлаштирилган бўлиб, улар ҳозиргача кенг истеъмол қилиниб келади. Мазкур этимологик дублетларнинг бу вариантлари ўзбек тилининг лугат составида асосий терминлар сифатида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, бу сўзларнинг араб тили орқали кирган *мусиқа*, *мусиқий*, *мусиқавий*, *мусиқийлик* вариантларининг ҳам лугатларда «эскирган сўзлар» деб эълон қилинишига қарамаздан, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида, хусусан, бадий адабиётда параллел ишлатилиш ҳолларини кўрамиз. Лекин улар бундай ҳолларда кўпинча асосий терминларнинг стилистик вариантлари сифатида қўлланилади. Модомики, аҳвол шундай экан, ўзбек тилида қадим замонлардан бошлаб ишлатилиб келаётган *мусиқий* ва *мусиқийлик* дублетларини истеъмолдан чиқариб юбормасдан, *музыка* ва *музыкавийлик* терминларининг стилистик вариантлари сифатида адабий тил нормасига киритиш мутлақо зарурдир.

Ўзбек тилига араб тили орқали кирган *фалсафа* ҳамда рус тили орқали ўзлаштирилган *философия* дублет вариантлари масаласи эса юқорида кўриб ўтганимиз этимологик дублетлардан бирмунча фарқ қилади. Араб тили орқали ўзлаштирилган, асли юнонча *фалсафа* сўзи шарқ тилларида, шу жумладан, ўзбек тилида қадим замонлардан бошлаб қўлланилиб келади. Совет даврида эллигинчи йилларгача ҳам ушбу термин қўлланилиб келди. Бироқ ўзбек тилига шу қадар сингиб, унинг лугат составида мустаҳкам ўрин олган бу сўз, асосан, эллигинчи йиллардан бошлаб, тарихий традицияга зид равишда «эскирган сўзлар» категориясига киритилди. Шунинг учун ҳам лугатчиларимиз шу тенденция таъсири остида ўзбекча-русча лугатда (1959 йил нашри) *фалсафа*, *фалсафий*, *файласуф* сўзларига эски (эскирган сўз) тамғасини босишга мажбур бўлдилар. Русча-ўзбекча лугатда ҳам асосий термин сифатида биринчи ўринда *философия*, *философик*, *философ* терминлари берилди. Ана шундай қилиб, *фалсафа* ўрнида *философия*, *фалсафий* ўрнида *философик*, *файласуф* ўрнида *философ* сўзларини ишлатиш қондалаштирилди.

Бироқ бу тенденция тил тараққиётининг ички қонуниятларига, тил традицияларига зид бўлганлиги учун, шунингдек, тавсия этилган эквивалентларнинг фонетик ва орфоэпик жиҳатдан ўзлаштирилиши қийинлигидан амалда бу қоидага бўйсунилмаётир. Натижада бу этимологик дублетларнинг тавсия қилинган *философия*, *философик*, *философ* вариантлари билан бир қаторда уларнинг адекват эквивалентлари бўлмиш *фалсафа*, *фалсафий*, *файласуф* вариантлари ҳам аралаш ишлатилаётир. Ҳатто газета саҳифаларида босилган айрим мақоланинг ўзида ҳам баъзан бу дублетларнинг ҳар икки варианты бефарқ қўлланилаверади.

Бу ерда шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, сўнгги йилларда она тилига эътибор кучайиши муносабати билан *фалсафа*, *фалсафий*, *файласуф* терминларига босилган тамға стихияли суратда олиб ташланиб, улар ўз ҳуқуқида қайтадан тиклана ва кенг истеъмол доирасига

киритила бошланди. Эндиликда матбуот саҳифаларида ўзбеклар учун талаффузи ҳам, ўзлаштирилиши ҳам қийин бўлган *философия*, *философик таълимот*, *философик материализм* сингари терминлар ўғинда уларнинг маъноларини айнан ифода қила оладиган, ўзбекча талаффуз нормаларига мос *фалсафа*, *фалсафий таълимот*, *фалсафий материализм* сингари «эски вариантлар» қўлланилаётир. Бу эса мазкур дублетлардан *фалсафа*, *фалсафий*, *файласуф* вариантларини адабий норма даражасига кўтаришни тақозо қилади.

Маълумки, астрономия фани Ўрта Осиёда ўрта асрларда кенг ривож топган бўлиб, унинг анча пухта ишланган терминологияси ҳам мавжуд эди. Бу терминология ўша давр шарқ мамлакатларининг халқаро тили бўлмиш араб тили негизда таркиб топган бўлиб, асрлар мобайнида қўлланилиб келади. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги астрономия терминлари ҳақида сўз кетганда, ўтмиш авлодларимиз қўллаб келган бу терминларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак ва улардан энг муҳимларини эса тарихий-традицион терминлар сифатида ҳозирги замон ўзбек тили астрономия терминологиясида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Чунончи, планеталарнинг ҳозирги интернационал номлари (*Венера*, *Марс*, *Меркурий* ва шу кабилар) асосий илмий терминлар сифатида берилиши билан бир қаторда уларнинг тарихий-традицион дублетлари ҳам берилмоғи керак: *Венера* — *Зухро*, *Марс* — *Маррих*, *Меркурий* — *Аторуд*, *Сатурн* — *Зуҳал*, *Юпитер* — *Муштарий* каби. Булардан *Зухро*, *Маррих* терминларининг *Венера* ва *Марс* планеталарига космик кемалар учирилиши муносабати билан матбуот саҳифаларида тез-тез учраб турганлигининг гувоҳи ҳам бўлдик.

Айрим тарихий ва афсонавий шахсларнинг араб тили асосида ўзлаштирилган номлари масаласига ҳам ана шу хилда ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Жумладан, қадимги юнон олимлари ва донишмандларидан *Платон*, *Аристотель*, *Сократ*, *Птоломей* ва бошқалар шарқ тилларида, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам асрлар мобайнида *Афлотун*, *Арасту*, *Суқрот*, *Бағлимус* тарзида ишлатилиб келинди. Ҳатто ҳозирги ўзбек публистик адабиётинда, айниқса бадний адабиётда ҳам худди шу тарзда ишлатилган. Шунингдек, юқорида тилга олиб ўтганимиз «Абу Али Ибн Сино қиссасида» ҳам худди шу йўл тутилиб, ўз замонасининг руҳи жуда яхши ифодаланган.

Демак, тарихий шахс номларининг шарқ тилларида қўлланиб келган дублет вариантлари уларнинг рус тили асосида ўзлаштирилган асосий вариантлари билан бир қаторда истеъмол қилиниш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Лекин *македониялик Искандар* (*Александр Македонский*) типидagi тарихий шахс номларини қўллашда икки хилликка йўл қўйилмаслиги керак. Бундай ўринларда уларнинг фақат ўзбекча вариантлари олинмоғи лозим.

Булардан ташқари, яқин ўтмишимиз билан алоқадор бўлган бир қанча тарихий традицион терминлар ҳам борки, уларни ҳам адабий тил нормаси доирасига киритиш зарурияти туғилиб қолди. Чунки бу масалада муайян бир қоида ёки норма берилмаганидан, анча тарихий номлар матбуот саҳифаларида ва китобларимизда чалкаш ва хилма-хил қўлланилиб келаётир. Масалан, *Бухоро халқ жумҳурияти* (1920—1924) тарихий термини бир жойда *Бухоро халқ жумҳурияти* тарзида тўғри ишлатилса, иккинчи бир жойда замонавийлаштирилиб, *Бухоро халқ республикаси* тарзида берилади. Худди шунингдек, *нозирлар шўроси*, *ҳарбий нозир* сингари терминлар ҳам *нозирлар шўроси* ва *министрлар совети*, *ҳарбий нозир* ва *ҳарбий министр* тарзида икки хил вариантда ишлатилиб келинмоқда. Бизнингча, Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихига оид

Ү тарихий традицион терминларни замонавийлаштирмасдан, уларни ўз ҳслича бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Буларнинг ҳаммаси тил маданиятининг назарий асосларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу эса, биринчи галда, ҳозирги замон ўзбек адабий тили тараққиёт қонуниятларини ва тенденцияларини аниқлашни ва умумлаштиришни талаб этади. Ана шу асосда нутқ маданияти масалаларини тадқиқ этиш, адабий тил нормаларини илмий асосда аниқлаш, айниқса тил воситаларини стилистик жиҳатдан нормага солиш ҳамда тегишли қўлланмалар ва ҳақиқий маънодаги норматив лугатлар яратиш ўзбек тилшуно.лигининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи керак.

ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТ

Чайқуруқ топоними ҳақида

Чайқуруқ — Жамбул область, Жамбул район, Жамбул қишлоқ советига жойлашган қишлоқ номи. Проф. Н. Е. Катановнинг «Опыт исследования урянхайского языка» номли асарида чай сўзи 3 маънода қўлланган: 1) чай; 2) ёзги вақт, ёқ; 3) тошқин, қуйиш, қуй, чайқамоқ. (Қаранг: Е. Н. Катанов, Опыт исследования урянхайского языка, Казань, 1903, стр. 268).

Булардан ташқари қозоқ, туркман, қорақалпоқ тилларида ҳам чай сўзи юқоридаги маъноларда учрайди. Қуруқ сўзи қуруқ, ичи бўш каби маъноларни англатади. Бундан ташқари, туркман тилида «чай» сўзи *дарёча*, *анҳор* маъноларида ҳам ишлатилган (Қаранг: Туркменско-русский словарь, Алма-Ата, 1954, стр. 476). Қуруқ—қуруқлик, қуриган анҳор ёки қуриган кичик сой маъноларини англатади.

Чайқуруқ қишлоғи ўрнида, кексаларнинг ҳикоясига қараганда, кичик анҳор бўлган. Анҳор аксарий йўлларда сувсиз қуриб ётган. Қўшни қишлоқлардан кишилар келиб, бу ерда турли хил хўжалик юритишган. Аста-секин, анҳор (чай) ўрнида аҳоли яшаш пункти—қишлоқ вужудга келган. Қишлоқ номи стихияли ҳолатда анҳор ва ундаги хусусият билан изоҳланиб, **чайқуруқ**, яъни «қуриган анҳорча» сўзи билан аталиб келган.

Дола Каримова

А. ҲОЖИЕВ

ИНКОР ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ВА
ФЕЪЛНИНГ БУЛИШСИЗ ФОРМАСИ

Бўлишли ёки бўлишсиз формада бўлиш феълга хос асосий хусусиятлардан ҳисобланади. Ҳар қандай феъл ё бўлишли ёки бўлишсиз формада бўлади. Бўлишли форма ҳаракатнинг тасдиғини, бўлишсиз форма эса инкорини билдиради (ёзди — ёзмади каби). Бўлишли форманинг махсус грамматик кўрсаткичи йўқ. Бўлишсизлик (инкор) маъноси эса махсус грамматик воситалар ёрдамида ифодаланади. Бу воситалар қуйидагилар:

-**ма** аффикси. Феълнинг тусланишли ва тусланишсиз формаларида ҳам инкор маъносини ифодалаш учун **-ма** аффикси қўллана олади: *ёзмаяпти, ёзмайдиган, ёзмагач* каби. Фақат ҳаракат номининг бўлишсиз формаси **-маслик** аффикси ёрдамида ясалувчи форма стилистик жиҳатдан нейтраллиги ва қўлланиш доирасининг кенглиги билан бўлишсизликнинг бошқа формаларидан фарқланади. Фақатгина мақсад равишдоши (айтгани кетди) **-ма** аффикси билан қўлланмайди. Лекин бундан мақсад равишдоши билдирган ҳаракат ҳеч вақт инкор этилмайди, деган хулоса чиқмайди. Бу равишдош билдирган ҳаракатнинг инкори икки хил йўл билан ифодаланади: 1) асосий феълнинг (тусланишли феълнинг) бўлишсиз формаси орқали: *кўргани келмади, билгани келди*; 2) *эмас* тўлиқсиз феъли орқали: *Тоққа ўйнагани эмас, иш билан чиқдик* (С. Анорбоев).

Феъл ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлар билан қўлланганда, инкор маъноси фақат ҳаракатнинг ўзига эмас, балки бутун бирикманинг мазмунига оид бўлади: *Уртоқлар, бу босмачиларни осонлик билан енгмадик* (Н. Сафаров).

Етакчи-кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда **-ма** аффиксининг қўлланиши уч хил кўринишга эга: 1) етакчи феълга қўшилади *ёзмай тур*; 2) кўмакчи феълга қўшилади: *ёза кўрма*; 3) ҳар иккаласига қўшилади: *ёзмай қўйма*. **-ма** аффикси етакчи феълга қўшилса, ҳаракат инкор этилади, лекин кўмакчи феълга хос маъно инкор этилмайди. Масалан, *келмай қолди, айтмай қўйди* бирикувларида *кел, айт* феъллари билдирган ҳаракат инкор этилади, лекин *қол, қўй* кўмакчи феълларига хос маъно инкор этилмайди. Агар бўлишсизлик кўрсаткичи кўмакчи феълга қўшилса, кўмакчи феъл билдирган манодаги ҳаракатнинг инкори ифодаланади. Масалан, *келиб қолмади* бирикувида тасодифий, кутилмаган ҳаракатнинг юз бермаганлиги ифодаланди. Қиёсланг: *айтмай қўйди — айтиб қўймади, айтмай турди — айтиб турмади, айтмай кўрди — айтиб кўрмади* ва б.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг барча турида ҳам бўлишсизлик аффикси кўмакчи феълга қўшила олади. Сабаби шуки, бутун бирикувга хос маъно (етакчи ва кўмакчи феълга хос маъно яхлитлигича) тасдиқ ёки инкор ҳолатида бўлиши мумкин: *ёзиб олма-*

ди, *ўқиб чиқмади, кела олмади, айтиб қўймади* ва б. Лекин етакчи феъл билдирган ҳаракатнинг инкор ҳолатда, кўмакчи феълга хос маънонинг тасдиқ ҳолатда бўлиши, объектив равишда, ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. Ана шундай ҳолларда **-ма** аффиксининг етакчи феълга қўшилиши мумкин бўлмайди. Масалан, *кет, ташла* кўмакчи феъллари ҳаракатнинг юқори (кучли) даражасини кўрсатади; *семириб кетди; мақтаб юборди*. Бу кўмакчи феъллар ёрдамида ясалувчи бириктувларда бўлишсузлик кўрсаткичи етакчи феълга қўшилмайди, чунки **-ма** аффикси етакчи феълга қўшилганда, ҳаракат инкор этилади (яъни ҳаракат йўқ бўлади). Ҳаракат йўқ экан, уни кучли даража билан ифодалаш мантиққа тўғри келмайди. Шу сабабли *семирмай кетди, мақтамай юборди* дейилмайди. *Семириб кетмади, мақтаб юбормади* дейилганда эса етакчи феълдаги ҳаракат умуман инкор этилмайди, балки унинг *кет, юбор* кўмакчи феъллари билдирган маънода юз бириши инкор этилади. Масалан, *мақтаб юбормади* деганда, мақташ маълум даражада бўлган бўлиши мумкин, лекин бунда унинг юқори (ортиқ) даражада бўлмаганлиги ифодаланади.

Инкор белгиси етакчи ва кўмакчи феълга қўшилганда, тасдиқ (бўлишлилик) ифодаланади. Бунда тасдиқ маъноси алоҳида таъкидланади, қатъий тусда бўлади: *айтмай қўймайди, билмай қолмайди*. Бўлишсузлик кўрсаткичи ҳар икки компонентга қўшилганда етакчи феълдаги инкор маъноси кўмакчи феълдаги **-ма** форманти орқали инкор этилади ва натижада тасдиқ маъноси келиб чиқади. Тасдиқнинг бу йўл билан ифодаланиши айрим кўмакчи феъллар билан ҳосил бўлувчи бириктувлардагина учрайди. Бунинг сабаби ҳам ҳаракат билан кўмакчи феъл ифодалайдиган маънонинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади.

Эмас тўлиқсиз феъли.

Бўлишсузлик кўрсаткичи **-ма** аффикси фақат ҳаракатнинг инкорини билдиради, **эмас** ёрдамчиси эса нарса-предмет, белги ва ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун ҳам қўлланаверади: *дарахт эмас, катта эмас, келган эмас* ва б. Демак, бу жиҳатдан **-ма** аффиксига нисбатан **эмас** ёрдамчисининг қўлланиш доираси кенг, лекин иккинчи томондан, **-ма** аффиксининг қўлланиш доирасига нисбатан **эмас** ёрдамчининг қўлланиш доираси анча чегараланган. Юқорида кўрдикки, **-ма** аффикси феълнинг тусланишли ва тусланишсуз формалари доирасида инкорни ифодалаш учун кенг қўлланаверади. **Эмас** ёрдамчисининг қўлланиши эса тусланишли феъллар доирасида ҳам, тусланишсуз феъллар доирасида ҳам анча чегараланган. Масалан, *ишламаётган одам келди, кулмай гапирди* гапларидаги инкор ифодаловчи **-ма** аффиксини **эмас** ёрдамчиси билан алмаштириб бўлмайди. **Эмас** ёрдамчиси икки ҳаракат-ҳодисани бир-бирига қиёсан олиб, биринчисининг инкори ифодаланадиган ҳоллардагина феълнинг тусланишсуз формалари билдирган ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун қўллана олади: *Кулиб эмас, жиддий гапирди. Қараши эмас, кулиши чиройли*.

Ҳаракат-ҳодиса қиёсан олиниб, биринчисининг инкорини ифодалаш учун **эмас** ёрдамчиси қўлланганда, фақат у ёки бу феъл билдирган ҳаракатнинг инкори **эмас**, балки биринчи гап орқали ифодаланган фикрнинг инкори ифодаланади. Масалан, *югуриб эмас, секин келди* деганда, *югуриб келди* гапига хос мазмун инкор этилади. Бундай ҳолларда гапнинг бирор бўлаги тушириб қолдирилади, **эмас** ёрдамчиси фикрнинг ихчам тарзда ва алоҳида таъкид билан ифодалаш учун ёрдам беради: *Ҳаммаси уруғ айирса, бирлашиш эмас, тўзиб кетиш ҳеч гап эмас* (А. Мухтор).

Бундай ҳолларда **эмас** ёрдамчиси, ҳатто тусланишли формалар билан ҳам қўлланади: *Сўраса эмас, ялинса айт. Уқисингина эмас, ёдлаб*

олсин. Ҳожи хола индамасди эмас, бошда йиғлади, сиқтади, қаршилиқ қилган чоғлари ҳам бўлди (М. Исмоилий).

Демак, бундай ҳолларда эмас ёрдамчиси феълнинг инкор формасини ясовчи бўлмай, умуман инкор маъносини ифодаловчи ёрдамчи сўз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу маънода у турли модал маъно ифодаловчи сўзлар, юкламалар, ундовлар билан ҳам, шунингдек, бўлишсиз формадаги феъл билан ҳам қўлланаверади: *Ҳамма гап шундаки, колхоз бир центнер пахтани бир меҳнат кунига тушириши мумкин, мумкингина эмас, партия ва ҳукумат шундай қилмоқчи, шундай қилмоқчигина эмас, қилаётибди* (А. Қаҳҳор).

— *Ахир эмас, ҳайр!.. Бу бошқа бир оғиз ҳам сўз кетмайди, дегани эди* (Ш. Тошматов). *Ғамлаганлар бўлмади эмас, бўлди* (Н. Сафаров).

Инкор ифодаловчи эмас ёрдамчиси тусланиши феъллардан фақат -ган ёрдамида ясалувчи ўтган замон феълининг ва -моқчи аффикси ёрдамида ясалувчи мақсад феълнинг бўлишсиз формасини яшаш учун хизмат қилади: *Мен бу ерга ариза бериб келган эмасман, ариза бериб кетмайман* (А. Қаҳҳор). *Кечиринг ойи, мен бундай демоқчи эмас эдим* (Б. Раҳмонов).

Йўқ ёрдамчиси. Инкор билдирувчи ёрдамчи сўз сифатида йўқ сўзининг қўлланиш доираси -ма аффикси ва эмас ёрдамчисининг шу маънода қўлланиш доирасига нисбатан анча чегараланган. Бу сўз фақат -ган ва ёт+ган аффикслари ёрдамида ясалувчи ўтган ва ҳозирги замон феълларининг инкор формасини ҳосил қилиш учунгина қўллана олади: *ёзгани йўқ, ёзаётгани йўқ* каби. Ўтган ва ҳозирги замон феълларининг йўқ сўзи ёрдамида ясалувчи инкор формасида шахс-сон кўрсаткичлари феълнинг ўзига (йўқ сўздан олдин) қўшилади: *ёзганим йўқ, ёзганинг йўқ, ёзгани йўқ, ёзаётганинг йўқ, ёзаётгани йўқ* каби. Учинчи шахсда баъзан шахс кўрсаткичининг қўлланмаслик ҳоллари учраб туради: *келган йўқ* каби. Лекин бу нормал ҳолат ҳисобланмайди. Кўриниб турибдики, бундаги шахс-сон кўрсаткичлари эгалик аффикслари билан бир хил кўринишга эга. Ҳақиқатда ҳам бундаги шахс-сон кўрсаткичлари аслида эгалик кўрсаткичлари бўлган ва -ган аффиксли сифатдош формаси от вазифасида келган, йўқ сўзи эса шу от вазифасида келган сифатдош билдирган нарсанинг инкорини (йўқлигини) билдирган. Буни куйидаги мисоллар ҳам аниқ кўрсатади:

— *Ҳу...у... Жилвон руди бор-ку, биласизми?*

— *Эшитганим бор, аммо кўрганим йўқ* (С. Айний). *Қумурсқага ажал келса, қанот пайдо қилади, деган гапни эшитганинг бордир* (Ж. Абдуллахонов).

Юқорида кўрдикки, эмас ёрдамчиси -ган аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феълнинг инкор формасини ясаиди ва ўтган замон феълнинг шу тури доирасидагина -ма аффикси билан вазифадош бўла олади: *келмаган—келган эмас*, Аммо *келган эмас* формаси *келмади* формаси билан вазифадош эмас (унинг ўрнида қўллана олмайди). Йўқ ёрдамчиси билан ясалувчи бўлишсиз форма эса бошқачароқ хусусиятга эга. Йўқ ёрдамчи сўзи фақат -ган аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феъли доирасидагина эмас, шунингдек -ди аффикси билан ясалувчи ўтган замон феъли доирасида ҳам -ма аффикси билан вазифадошдир: *синмади—сингани йўқ, келмаган—келгани йўқ—келган эмас*; *Ҳамма ўз пилласини шартнома бўйича топшириб бўлаёзди-ю, нега сиз шу маҳалгача топширганингиз йўқ?* (З. Фатхуллин). *Терим бошланганига бир ҳафта бўлди, аммо бригададагина эмас, бутун колхосда ҳам ундан ўзадиган киши топилгани йўқ* (И. Раҳим). *Опажон,— деди жаллоб,— мен сизга ялинганим йўқ, сиз олинг деб ёлвораётибсиз* (С. Айний).

Бу мисоллардаги топширгангиз *йўқ*, топилгани *йўқ*, ялинганим *йўқ* формалари топширдингиз, топилди, ялиндим формаларининг акси (инкор формаси) ҳисобланади. Шунинг учун улар ўрнида топширмагансиз, топилмаган, ялинмаганман формасини қўллаб бўлмайди, балки топширмадингиз, топилмади, ялинмадим формасини қўллаш мумкин. Қуйидаги мисолларда аксинча ҳолатни кўрамиз: *Ҳали октябрь кирмасдан пахтанинг бу қадар очилганини Содиқ яқин йилларда кўргани йўқ* (И. Раҳим).

— Нега аралашасан сен, қулвачча.

Полвоннинг юзи қизариб кетди.

— Бу сўзни менга тўра ҳам айтгани *йўқ*, *Мадрайим оға* (Ж. Шарипов).

Бу икки мисолдаги *йўқ* сўзи ўрнида **-ма** аффикси ёки эмас ёрдамчисини қўллаш мумкин. Лекин *кўргани йўқ*, *айтгани йўқ* формалари ўрнида *кўрмади* формасини қўллаб бўлмайди. Демак, бу ўрнида *йўқ* сўзи, ҳақиқатда ҳам **-ган** аффикси билан ясалувчи ўтган замон феълнинг бўлишсиз формасини ҳосил қилган.

Йўқ ёрдамчиси **-ган** аффикси билан ясалган феъл формаси билан қўлланганда фақат ҳолатнинг ҳозирги инкорини ифодалаши мумкин. Бунда ҳаракатнинг бажарилиши мумкинлиги инкор этилмайди. Масалан, *меҳмонлар келишгани йўқ* деганда ҳозирги инкор ҳолат назарда тутилади, келиш ҳаракатининг бажарилиши бутунлай инкор этилмайди. Бу маънони алоҳида таъкидлаш учун шахс-сон кўрсаткичларидан сўнг **-ча** аффикси қўлланиши мумкин. *Йиғилишга ҳали Собир ака, Иван Гавриловичлар келганича йўқ* (Ж. Шарипов). *Рост биз ҳали „масалани кундаланг“ қилиб қўйганимизча йўқ...* (О. Ёқубов). *Тонг отди, аммо қуёш уфқдан ҳали бош кўтарганича йўқ* (Б. Кербобоев).

Шахс-сон кўрсаткичларидан сўнг **-ча** аффикси қўлланганда, ҳаракат ҳолатнинг маълум даражаси юз берган бўлиши мумкин, лекин унинг тўла даражаси эмаслиги ифодаланади: *Юринелар, ҳали қош қорайганича йўқ* (А. Мухтор).

— Тушундим, тушундим, ...

— *Йўқ*, ҳали тушунганингизча *йўқ* (Ж. Шарипов).

Йўқ ёрдамчиси ҳозирги замон феълнинг инкор формасини яшаш учун қўлланганда ҳам маънони алоҳида таъкидлаш хусусияти билан **-ма** аффиксидан фарқланади. Шу хусусиятига кўра бу форма жавоб тариқасидаги нутқларда кўп қўлланади:

— *Менга ҳеч ким хўжайин бўлолмайди.*

— *Ҳалиям сизга ҳеч ким хўжайин бўлаётгани йўқ* (О. Ёқубов).

— *Хурмачангизга сизга ичинг-да!*

— *Мен сиздан хурмача сўраётганим йўқ!* (З. Фатхуллин). *Биз «жаноби олий»нинг давлати соясида тирикчилик қилаётганимиз йўқ!* (С. Айний).

На ёрдамчиси. Бу ёрдамчи такрор ҳолда, кам даражада, уч қайта қўлланади: *Шундай қилингларки, на сиз куйсин, на кабоб* (Н. Сафаров). *Бора-бора бу мулоҳазани тамоман кўнглидан чиқариб ташлади, на кишилар ёллайдиган, на ҳукуматга билдирадиган ва на қутидорни хабардор қилдиган бўлди* (А. Қодирий).

На ёрдамчиси орқали ҳаракатнинг инкори алоҳида таъкид билан ифодаланади. Инкор этилувчи ҳаракатни билдирадиган феъллар бўлишли ёки бўлишсиз формада бўлиши мумкин: *Унга на малла чакмонга ўралган бой, на кўрпага ёнбошлаб олган семиз пакана боққол ёрдамлашишди* (Ҳ. Фулом).

Феълнинг ўзи бўлишсиз формада қўлланганда **на** ёрдамчиси ҳам сўзининг вазифасида келади, яъни боғловчи вазифасини бажаради,

маънони кучайтиришга хизмат қилади: *На чигит, на макка текис кватрат уясиз экилмасин* (Ш. Тошматов).

Инкор билдирувчи на ёрдамчисини феълнинг бўлишсиз формасини ясовчи дея олмаймиз. Бу ёрдамчи билан феъл ўртасида бирдан ортиқ сўз қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, на ёрдамчиси билдирган инкор ҳаракатга онд бўлмаслиги мумкин: *Бу орада Аъзам ўз андозасига солиб ўлчаб кўрса, қизкинг на оиласида, на уруғ-аймоғида «трамплин» бўладиган кимса бор* (Шухрат).

Баъзилар, инкор билдирувчи на ёрдамчиси қўллангач, феъл бўлишли формада қўлланиши керак, деган мулоҳазани айтадилар. Лекин бундай қатъий қоида бериб бўлмайди. Тўғри, кўп ҳолларда шундай қилиш мумкин, бироқ ҳамма вақт эмас: *Чигирқувуқда одамлар беш кундан бери на ишга чиқолмай, на ухлаёлмай денгиз ёқасида уймалишади* (А. Мухтор).

Инкор ёки тасдиқ маъносининг ифодаланишида сўроқ билдирувчи сўз ёки юклама ва интонациянинг ҳам роли бор. Бундай ҳолларда инкор формаси бўлса, тасдиқ маъноси, тасдиқ формаси бўлса, инкор маъноси англашилади: *Бу бош,— Хўжабеков бармоғи билан чеккасига тўқ-тўқ этказиб урди,— бевафо дунёда нималарни кўрмади дейсиз.* (С. Анорбоев). *Қаёққа кетасиз,... сизни бу ердан кеткизармидик* (П. Турсун).

Лекин бу ҳодиса фақат феъллар учунгина хос эмас: *Тошмат отанинг боласи эмасми. Кўп жонкуяр йигит* (Яшин).

Умуман, ўзбек тилида инкорнинг ифодаланиш усуллари ва инкор ифодаловчи воситалар кўп. Лекин феълнинг бўлишсиз формасини ясовчи воситалар учта: **на** аффикси, **эмас** ва **йўқ** ёрдамчилари.

У. ҚАРИМОВ

БЕРУНИЙНИНГ «САЙДАНА» НОМЛИ АСАРИДА
ҚАЙД ЭТИЛГАН ТИЛ ВА ЛАҲЖАЛАР

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний [973—1048] ўз илмий фаолиятида асосий диққатни астрономия, математика, физика, минералогия, геодезия, география каби аниқ ва табиий фанларга қаратган эди. У жами 150 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, улардан бизгача фақат 30 тасигина етиб келган¹. Аммо шу сақланиб қолган асарларининг ўзидан ҳам маълум бўладики, бу олимнинг юқоридаги фанларда қилган кашфиётлари ва эришган ютуқлари жаҳон фани тараққиётида муҳим бир босқични ташкил этади.

Шу билан бир қаторда Беруний гуманитар фанлар билан ҳам шуғулланган. Унинг бир нечта тарихий асарлар [шу жумладан, Хоразм тарихига оид] яратгани маълум, бироқ уларнинг биронтаси ҳам бизгача етиб келмаган². Шунингдек, у араб адабиёти, хусусан поэзиясини яхши билган ва унга бағишлаб тўртта асар ҳам ёзган, афсуски, бу асарлари ҳам йўқолиб кетган. Шу сабабдан бўлса керак, Берунийнинг аниқ фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида ўнлаб китоб ва мақолалар ёзилгани ҳолда, унинг гуманитар фанлар, жумладан филология соҳасидаги хизматларини ўрганиш билан шуғулланмай келинади.

Беруний умрининг охириги йилларида ёзган ва ҳали нашр этилмаган бир асарида филология нуқтаи назаридан диққатга сазовор бўлган қатор муҳим масалаларга ҳам тўхталиб ўтганки, уларни ўрганиш олим ижодининг мана шу кам текширилган томонини бирмунча ёритишга ёрдам беради. «Китоб ас-сайдана фит-тибб» деб аталувчи бу асар доришуносликка оид бўлиб, унинг XIII асрда кўчирилган ягона қўлёзма нусхаси Туркиянинг Брус шаҳрида сақланади. Бу асарда Беруний 1100 дан ортиқ дорили моддалар [ўсимликлар, ҳайвонлар ва маъданлар] ҳақида фикр юритади. «Сайдана»нинг доришуносликка оид бошқа китоблардан [масалан, Ибн Сино «Қонун»ининг II китобидан] асосий фарқи шундаки, Беруний бу моддаларнинг табобатда қайси касалликка қарши ва қандай ишлатилиши ҳақида гапирмайди. Бунинг эвазига у ҳар бир дорининг турли тиллардаги номларини келтирадики, шу жиҳатдан «Сайдана» алоҳида аҳамият касб этади. Чунки дорили моддаларнинг ҳар хил тилдаги синонимлари шу дориларни тўғри аниқлаш, яъни уларнинг қайси ўсимлик, ҳайвон ёки маъдандан олинганликлари ва нимадан иборат эканликларини тайинлашга кенгроқ имконият очиб беради. Иккинчи жиҳатдан мана шу синонимлар айрим тиллар, хусусан эроний тилларнинг тарихи ва диалектологияси нуқтаи назаридан қим-

¹ D. J. V o i j o t, L'Oeure d'al-Beruni. Essai bibliographique. Institut Dominicain d'études orientales du Caire, Melanges, 2. Le Caire 1955.

² В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, М., 1963, стр. 66.

матли бўлган лексик материал сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир. Беруний асарининг мана шу томонига тилшуносларнинг диққатини жалб қилиш мақсадида биз «Сайдана»да қайд этилган тил ва лаҳжаларни оилаларга бўлиб зикр этишни ва айримлари устида Берунийнинг фикрини муфассалроқ баён этишни лозим топдик.

1. Эроний тиллар:

1. *Хоразм тили, хоразмий* (الخوارزمية). Бу тил эроний тилларнинг шарқий группасига мансуб бўлиб, қадимий Хоразм аҳолиси шу тилда гаплашган. Кўпчилик эроний тилларда бўлгани каби хоразм тилида ҳам аввал оромий ёзувидан фойдаланилган, араб истилосидан кейин эса араб ёзувига ўтилган³. Аллақачонлар истеъмолдан чиқиб, ўлик тил ҳолига келган бу тилнинг ҳозир III—IV, VII—VIII ва XII—XIII асрларга оид ёдгорликларидан айрим парчаларгина фанга маълум⁴.

Беруний «Сайдана»нинг муқаддимасида ўз она тили мана шу хоразм тили эканини ёзади. Бироқ унинг фикрича, агар бу тилда биронилмий асар ёзилса, у асар араб тилидаги китоблар орасида худди «тарновда турган туядек» ғайри табиий ва қизиқ туюлган бўлар эди. Ҳақиқатан ҳам араблар хоразм тилини бошқа вилоят аҳолиси учун тушунилиши жуда қийин тил деб ҳисоблаганлар⁵. Эҳтимол шунинг учун бўлса керак, Беруний «Сайдана»да дориларнинг ўз она тилидаги исмларини жуда кам кўрсатади; ҳаммаси бўлиб 5 та дорининг хоразмча исми келтирилади.

2. *Сўғд тили, сўғдий* (السغدية). Зарафшон водийси ва унинг атрофидаги жойларнинг қадимги аҳолиси ўртасида тарқалган бу тил ҳам эроний тилларнинг шарқий группасига тегишли бўлиб, унда ҳам оромий ёзуви қўлланилган. Сўғд тилида ёзилган ёдгорликлардан фанга маълуми IV—V ва VIII—IX асрлардан қолган⁶. «Сайдана»да сўғдча сўзлар 5 та фаслда учрайди.

3. *Дарий* (الدرية). Бу термин фанда *форсий* ва *форсий-е дарий* терминлари билан бир маънода ишлатилади ва у билан ҳозир «янги форс тили» деб аталувчи тил ифода этилади. У тил IX асрнинг охиридан бошлаб то XVI аср бошларигача Ўрта Осиёнинг кўп қисми, Эрон, Афғонистон, Ғарбий-шимолий Ҳиндистон ва Озарбайжонда тарқалган эди ва форс-тожик классик адабиёти мана шу тилда яратилган⁷.

Дарий сўзининг келиб чиқиши аниқ эмас, уни ҳозир уч хил изоҳлайдилар:

а) «Сарой» маъносида бўлган در [дар] сўзидан келиб чиққан ва *дарий* «сарой тили» демакдир [ҳозир аксар тадқиқотчилар мана шу фикрда].

б) دره (*дара*) сўзидан олинган бўлиб, «дара тили» ёки «тоғ тили» деган маъноларни англатади.

в) طخارى ёки تخارى [*тўхорий*—«тўхорча»] сўзи ўзгариб *дарий*-га айланган: درى → دهرى → تهرى → تخارى⁸.

³ А. А. Фрейман, Хорезмийский язык, М.—Л., 1951, стр. 9; И. М. Оранский, Введение в иранскую филологию, М., 1961, стр. 154, 159.

⁴ В. Лившиц, В. В. Бартольднинг «Хоразм» номли мақоласига берилган 4-изоҳ; Сочинения, т. III, стр. 546.

⁵ В. В. Бартольд, Хорезм, Сочинения, т. III, стр. 546.

⁶ И. М. Оранский, Уша асар, 196-бет.

⁷ Е. Э. Бертельс, История персидско-таджикской литературы. Избранные труды, М., 1960, стр. 106, 110; И. М. Оранский, Уша асар кўрсаткичига қаранг; И. К. Овченикова, Учебник персидского языка, I, М., 1958 стр. 9.

⁸ محمد تقى بهار «ملك الشعراء»، سبك شناس يا تاريخ تطور نثر فارسي، جلد اول تهران، ص ۲۵—۲۴.

Беруний *الدريّة* ва *الطخارية* тилларини иккита алоҳида тил сифатида қайд этадики, бу ҳол *درى* сўзининг *تخارى* сўзидан келиб чиққан, деган фаразиянинг тўғри эмаслигини кўрсатади. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Берунийда *الدريّة* термини *الفارسية* билан бир маънода қўлланилмайди. «Сайдана»да *الفارسية* сўзи 240 фаслда учрагани ҳолда, *الدريّة* фақат икки марта ишлатилади: бирини *дарий* тилида *бодранг* сўзи цитронни ифодалаши, иккинчисиди эса заъфарон *жафрон* деб аталиши кўрсатилади. Шунга қараганда, Беруний *дарий* термини билан барча йирик форс-тожик адиб ва шоирлари ишлатган классик форс тилини эмас, балки кенг тарқалмаган қандайдир бир чекка вилоят тилини ифодалаган бўлса керак. Бу эса *дарий* тили «сарой тили» деган маънони билдиради, деювчиларнинг фикрини қувватламайди, балки у термин *дара* сўзидан келиб чиққан ва «дара (тоғ) тили» маъносини англатади, деган тахминга анча мувофиқ келади⁹. Кейинги фикр тарафдорлари шунга асосланадиларки, *дарий* тили олдин Балх ва Ҳирот вилоятлари каби тоғ ва даралар жойлашган районларда мавжуд бўлган. У тилни бошда чекка вилоят тили сифатида расмий шаҳар тилидан фарқ қилиб, *дара* тили деб атаганлар, кейинчалик иқтисодий ва маданий марказлар ўсиб, улар ўртасида маданий алоқалар кучайиши натижасида бу тил ўз эски номини сақлагани ҳолда умумий адабий тил даражасигача кўтарилган¹⁰.

4. *Форс тили, форсий* [*الفارسية*]. Ҳозир фанда янги форс тили деб юритиладиган адабий тил шундай аталган. Беруний форс тилини илмий асарлар ёзиш учун ноқулай, фақат «хусравлар ҳақидаги ҳикоялар ва гунги суҳбатлар» учунгина мувофиқ бир тил деб ҳисоблайди. Шунга қарамасдан, у «Сайдана»да дорилик моддаларнинг юзлаб форсча номларини келтирадики, уларнинг талайгина қисми шу кунгача Ўрта Осиё халқларининг тилларида сақланиб келмоқда.

5. *Зобулистон тили, зобулий* [*الزبليّة*]. Зобулистон ва Сижистон каби Афғонистоннинг жанубига жойлашган тоғлик вилоятларнинг қадимий аҳолиси эроний тилларнинг шарқий туркумига мансуб тилларда гаплашганки, ҳозирги афғон тили пушту ҳам шулар жумласидандир¹¹. «Сайдана»да келтирилган зобулча дори номлари орасида пуштуча сўзлар ҳам учрайди.

6. *Сижистон тили, сижазий* [*السجزيّة*]. Юқорида зобулий ҳақида айтилганлар бунга ҳам тааллуқли. «Сайдана»да келтирилган сижазий сўзларнинг кўпи форс луғатларида, баъзилари эса ҳинд луғатларида учрайди.

7. *Тўхор тили, тўхорий* [*الطخارية*]. Ҳозирги замон фанида тўхорий тил деб Амурдарёнинг юқори қисмига ёндошган Тўхористон вилоятида бир вақтлар тарқалган шарқий-эроний тиллардан бирига айтилади. «Сайдана»да фақат иккита тўхорча сўз келтирилган.

8. *Курд тили, курдий* [*الكرديّة*]. Курдистон аҳолисининг, яъни курдларнинг тили, эроний тиллар ғарби-шимолий туркумига кириди.

Бу кўрсатилган эроний тиллардан ташқари, «Сайдана»да яна форс-тожик тилининг бир қанча маҳаллий лаҳжалари ҳам зикр этилиб, улар асосан шаҳар исмлари билан аталади. Шунини ҳам айтиш керакки,

⁹ Б. Г. Гафуров, История таджикского народа, М., 1952, стр. 182, пр. 1.

¹⁰ Г. И. Қозлов, Из истории языка дари. «Краткие сообщения института народов Азии». 65. Сборник памяти Е. Э. Бертельса, М., 1964, стр. 89.

¹¹ В. М. Массон, В. А. Ромодин, История Афганистана, т. I, М., 1964, стр. 20; М. Г. Асланов, Афганско-русский словарь, М., 1966, стр. 6.

«Сайдана»да «тил» ва «лаҳжа» деган тушунчалар фарқ қилинмайди, ҳар иккаласи ҳам бир *لغة* [*луғат*] сўзи билан ифодаланади.

9. *Балх лаҳжаси* [البخية]. Афғонистоннинг шимолидаги Балх шаҳрига тегишли.

10. *Буст лаҳжаси* [البستية]. Афғонистон жанубидаги Буст шаҳрига нисбат берилган.

11. *Бухоро лаҳжаси* [البخارية]. X асрнинг охирларида Бухоро атрофидаги қишлоқ аҳолиси сўғд тилининг турли лаҳжаларида гаплашганлар¹². Эҳтимол, *бухория* деганда Беруний ҳам шу лаҳжаларни назарда тутгандир.

12. *Самарқанд лаҳжаси* [السمرقندية].

13. *Термиз лаҳжаси* [الترمذية].

14. *Озарбайжон тили* [الغة اذربيجان].

15. *Бағшур аҳолисининг тили* [لغة اهل بغشور]. Бағшур — Ҳирот билан Марварруд орасидаги кичик бир шаҳар.

16. *Вошжирд тили* [لغة واشجررد]. Вошжирд [Вошгирд]— Кофирнигон билан Вахш орасидаги область.

17. *Исбижоб аҳолисининг тили* [لغة اهل اسبيجاب]. Исфижоб — Арис дарёси водийсидаги область. Шу номдаги шаҳар Тошкентнинг шимол томонида жойлашган ҳозирги Сайрамнинг ўрнида бўлган.

II. Ҳиндий тиллар:

1. *Ҳинд тили* (الهنديّة). *Ҳиндия* деганда умуман Ҳиндистон аҳолисининг тили тушунилган бўлса керак (қадимги санскрит, адабий ҳиндий ва бошқа оғзаки тиллар). Беруний ҳатто ўзининг «Ҳиндистон» асарида ҳам ҳиндийларнинг тилини фақат бир сўз билан *ал-хиндия* деб атайди, санскрит ва пракрит деган терминларни ишлатмайди, ваҳолонки соф адабий тил (санскрит) билан оғзаки тил орасидаги фарқ унга яхши маълум бўлган¹³. Маҳмуд Ғазнавий 1017 йили Хоразмни олгандан кейин Берунийни ҳам Ғазнага олиб кетади ва олим умрининг охиригача шу ерда қолади. Маҳмуднинг Ҳиндистонга қилган юришлари вақтида Беруний бир неча бор Ҳиндистонга боради ва у ерда бошқа илмий ишлар билан бир қаторда санскрит тилини ҳам ўзлаштириб олади, ҳатто араб тилидаги баъзи асарларни ҳиндчага таржима ҳам қилади. «Сайдана»да 150 дан ортиқ дорининг ҳиндча исми келтирилади. Бу сўзлар ғарбий ҳинд диалектларини ўрганувчилар учун лексик материал сифатида аҳамиятлидир.

2. *Синд тили* [السندية]. Урта аср Шарқ олимларининг асарларида *Синд* деганда Ҳинд дарёсининг қуйи оқими бўйлаб жойлашган вилоят тушунилади, *синдия* эса ўша вақтда шу ерда яшаган аҳолининг тилини ифодаласа керак. Ҳозирги вақтда Ғарбий Покистоннинг Синд областида яшовчи аҳолининг тилини *синдҳий* деб аталади ва бу тил янги ҳинд тилларининг ғарбий туркумига киради. «Сайдана»да 100 га яқин синдча сўз бор.

III. Сомий тиллар:

1. *Араб тили* [العربية]. Беруний ўз асарларини шу араб тилида ёзган, ваҳолонки бу тил Беруний учун она тили эмас эди, бунинг устига у араблар ҳақида, айниқса жоҳилия араблари хусусида яхши фикрда

¹² В. В. Бартольд. К вопросу об языках согдийском и тохарском, Сочинения, II (2), стр. 465.

¹³ Al-Beruni's India. Edited in the Arabic original by E. Sachau, London, 1887, p. XXII. Бируни, Избранные произведения, т. II, Ташкент, 1963, стр. 42.

бўлмаган. У ўзининг илк асари «ал-Осор ал-боқия»да Урта Осиёни босиб олган Қутайба ибн Муслимни Хоразм маданиятини йўқотишда айблайди¹⁴. «Хиндистон» номли асарида жоҳилия арабларининг урф-одатлари ва маданиятлари ҳақида манфий фикр баён этади¹⁵, бу ҳақда у ўзининг сўнгги асари «Сайдана»да ҳам гапиради¹⁶. Шуларга қарамасдан, ўз илмий ишларида объективлик принципларига амал қилган Беруний араб тилининг бойлиги ва турли тушунчаларни ифодалаш учун қулайлигини қадрлайди ва уни халқаро илмий тил деб эътироф этади. Ҳатто у «менинг учун форс тилида мадҳ эшитгандан кўра араб тилида мадҳ эшитган ёқимлироқ» дейишгача бориб этади. Аммо шу билан бирга Беруний араб ёзувининг нуқсонларини жуда ҳаққоният билан кўрсатиб, талаҳида қайд қилиб ўтади: «Араб ёзувида,— дейди Беруний,— катта бир офат бор, у ҳам бўлса жуфт ҳарфларнинг шаклда бир-бирига ўхшашлиги ва уларни фарқ қилиш учун нуқта ва эъроб белгиларининг зарурлигидир. Агар шулар ташлаб кетилса, маъно ноаниқ бўлиб қолади...»¹⁷.

Ўсимлик, ҳайвон ва минерал моддаларнинг арабча номлари «Сайдана»нинг деярли ҳамма фаслларида ҳам учрайди. Кўп ҳолларда бирон бир модда учун бир нечта арабча синонимлар берилади ва мисол тариқасида шу сўзлар ишлатилган шеърлар ҳам келтирилади.

2. *Яман лаҳжаси* [لغة اليمن].

3. *Сақиф лаҳжаси* [لغة ثقيفة], сақиф — бир араб қабиласининг номи.

4. *Сурёний тил* [السريانية]. Сомий тилларнинг шимолий группасига кирувчи оромий (арамей) тили минг йилдан кўпроқ бир муддат давомида Рим империясининг шарқий ўлкаларида ҳукмрон тил вазифасини бажаради. Мана шу тилнинг Месопотамия лаҳжаси сурёний тил номи билан юритилади. Бу тилда кўпгина диний ва илмий-фалсафий асарлар яратилган. Араб истилосидан кейин сурёний тилининг мавқеи пасая боради ва 800 йилларга келиб, у ўлик тилга айланиб қолади¹⁸.

Берунийнинг «Сайдана»га ёзган муқаддимасидаги айрим гаплардан англашиладики, у сурёний тилни маълум даражада билган ва шу тилда ёзилган илмий асарлардан фойдалана олган. Бундан ташқари, у сурёний ёзуви юнон ёзуви сингари чет [яъни арабчадан бошқа] сўзларни тўғри ёзиш учун анча қулай эканини ва унда араб ёзувига нисбатан хатолар кетиш-имконияти камлигини уқтириб ўтади¹⁹. «Сайдана»да сурёний сўзлар жуда кўп, улар 275 дан ортиқ фаслда учрайди.

5. *Ҳира лаҳжаси* [لغة حيرة]. Ҳира — Фурот дарёси яқинига жойлашган шаҳар.

6. *Набатий тили, набатий* [النبطية]. Ҳозирги Иордания территориясида Набатий давлатини [мелодгача III аср — мелоддан кейинги 106 й.] барпо этган араб қабилалари группаси набатийлар деб аталади. Улар оромий тили ва ёзувидан фойдаланганлар, шунинг учун ўрта аср араб муаллифлари *набатий* деганда оромий тилни назарда тутадилар²⁰.

7. *Қибт тили, қибтий* [القبطية]. Бу исм юнонча Αἰγυπτιος [αιγυπτιος — египетча, рус. «египетский»] келиб чиққан. Қибт тили Қадимги

¹⁴ Беруний, Танланган асарлар, I, Тошкент, 1968, 72 ва 84-бетлар.

¹⁵ Беруний, Танланган асарлар, II, Тошкент, 1965, 151-бет.

¹⁶ «Сайдана» кўлёмаси, варақ 46.

¹⁷ «Сайдана» кўлёмаси, варақ 76—8а.

¹⁸ T. Nöldeke, Compendious syriac grammar. London, 1904, p. XXXI.

¹⁹ «Сайдана»да барча чет тиллардан олинган сўзлар ҳам араб ёзувида берилган ва котибларнинг хагоси билан кўпи бузиб ёзилган.

²⁰ В. В. Бартольд, Мусульманский мир, Сочинения, т. VI, стр. 232.

Миср тили тараққиётининг сўнгги босқичини ташкил этади. XI—XII асрларга келиб араб тили бутунлай уни истеъмолдан сиқиб чиқарди, ҳозир у фақат Миср христианлари (қибтлар) томонидан диний маросимлардагина ишлатилади.

IV. Туркий тиллар (التركية):

«Сайдана»да дорилик моддаларнинг туркча номи унча кўп эмас, улар фақат 4 та фаслда учрайди ва уларнинг ҳаммаси ҳам Маҳмуд Кошғарий луғатида бор. У сўзлар қуйидагилар: а) ارسلان [арслон]—қ. М. Кошғарий, 1, 419; б) طبرقاق [тубурқоқ]— М. Кошғарий, 1, 461: تيلغاغ [туғулғақ;²¹ в) آييار [инор]— М. Кошғарий, III, 34: ييار [jīnar];²² г) سفلو [суфду]—бузоқ гўшtidан тайёрлаб яхна қилиб ейладиган овқат [арабча هلام русча студень]. М. Кошғарийда 1, 336: سفتو (суфту) номли овқатлар келтирилган, уларнинг ҳар иккаласи ҳам хасинга ўхшаш таомлар²³.

V. Юнон тили [اليونانية الرومية]

Юнонча сўзларни Беруний аксар ҳолларда румча [румий — الرومية] сўзлар деб келтиради, фақат айрим фасллардагина уларни юнонча [Юноний — اليونانية] деб атайди. Румий деганда V асрдан то XV асргача истеъмолда бўлган Византия ёки ўртаюнон тили назарда тутилди, юнон деганда эса [Ἰόνιος — «ионик»] қадимги юнон тили тушунилган бўлса керак. XIII асрда яшаган олим Ибн Аби Усайбна бун шундай изоҳлайди: اللغة الروم القديمة وهو اليونانية «Қадимги рум тили — «бу юнончадир». Академик И. Ю. Крачковский Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида Гомердан келтирилган парчаларни таҳлил қилиш натижасида хоразмлик буюк олим юнон тилини ҳам маълум даражада билган ва Гомер асарларини юнонча аслидан ўқиган, деган хулосага келган эди²⁴. «Сайдана»да И. Ю. Крачковскийнинг бу фикрини тасдиқловчи фактлар анчагина бор. Масалан, Беруний кўпгина дориларнинг юнонча номларини арабчага таржима қилиб изоҳлайди, ундан ташқари, бу хил терминларни ёзишда хатога йўл қўймаслик учун уларни юнон хати билан ёзилган нусхадан кўчириб олганлигини айтади.

VI. Лотин тили.

«Сайдана»нинг арабча аслида «лотин тили» деган ибора учрамайди, уни фақат асарнинг форсча таржимасида²⁵ «Ал-Манқул» номли китобдан олинган цитаталардагина учратиш мумкин. Машҳур ботаник ва доришунос олим Ибн ал-Байтор [XIII аср] лотин тилини шундай таърифлайди: اللاتينية و هي اعجمية الاندلس — «лотинча — бу Андалусдаги чет тилдир».

VII. Франк тили [الا فرنجية]

²¹ Ҳозир бу ўсимлик тўпалоқ деб аталади. Л. З. Будагов, Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т. I, СПб, 1869, стр. 742; طويلاق. Туркман тилида топалак дейилади. «Древне-тюркский словарь»да (575-бет) торилчақ рус тилига мурт деб хато таржима қилинган, бу ўсимликни русчада сыть дейилади [арабчаси سعت].

²² Мушк маъносида.

²³ «Древнетюркский словарь»да бу таомлар қазии деб тўғри изоҳланмаган.

²⁴ И. Ю. Крачковский, Гомер и ал-Бируни, Избранные сочинения, т. II, М.—Л., 1956, стр. 587.

²⁵ Ал-Косоний деган фарғоналик бир олим XIII асрнинг бошларида Ҳиндистонда «Сайдана»ни арабчадан форсчага таржима қилган. Шу таржиманинг XVII асрда кўчирилган қўлёзмаси Британия музейида сақланади.

Олдин араблар *ифрандж* деб франкларни атаган бўлсалар, салб юришларидан кейин барча европаликларни ҳам шу ном билан атай бошладилар.

VIII. Африка тиллари.

1. *Зинжий* [الزنجية]. Шарқий Африка қирғоқларида яшовчи маҳаллий халқ — зинжийлар [зангийлар]нинг тили банту тиллари оиласига киради. «Сайдана»да 4 та зинжийча сўз келтирилган, шулардан иккитаси санскрит сўзларига ўхшаш, биттаси эса ҳозирги суахили тилида мавжуд.

Демак, «Сайдана»даги фактлар шуни тасдиқлайдики, Беруний араб, форс, хоразм ва ҳинд тилларини эгаллабгина қолмай, маълум даражада сурений ва юнон тилларини ҳам билган ва шу тиллардаги илмий адабиётдан фойдалана олган. Бундан ташқари, у яна қатор бошқа тиллар ва лаҳжалар билан ҳам таниш бўлган, «Сайдана»да у ҳаммаси бўлиб 31 тил ва лаҳжани қайд этади ва шу тилларга тегишли 4500 га яқин сўз ва терминларни келтиради. Бу сўзлар тил тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларнинг диққатини ўзига жалб қилар деб ўйлаймиз, чунки уларнинг талайгина қисми то шу кунгача Ўрта Осиё халқлари тилида сақланиб келмоқда.

ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТ

Исмингиз *ким* ё *нима*?

Киши нотаниш шахснинг исми ёки фамилиясини савол бериш орқали аниқлаб олади. Жонли сўзлашувда мана шу мақсадни кўзлаб бериладиган саволлар «Исмингиз ким?», «Исмингиз нима?» тарзида икки хил баён этилмоқда. Турли касб ва ҳар хил маълумотдаги кишилар нутқида тез-тез учраб турувчи бу ҳол маълум даражада адабий тил нормаларини бузишга олиб келаётир. Бундай олмошларни ўрин алмаштириб ишлатишнинг боиси нимада? Бу нарса *ким* сўроғининг фақат шахс учун, *нима* сўроғининг бошқа ҳамма предметлар ва воқеа-ҳодисалар номлари учун қўллаш кераклигини тушуниб етмаслик ёки умуман эътиборсизликдан келиб чиқади.

Ким ва *нима* олмошларини шева-ларда ноўрин ишлатиш ҳодисаси айрим шахслар нутқида ҳатто шу даражада бўладики, улар бу олмошлардан бири ўрнида иккинчисини ишлатаврадилар.

Маълумки, шахс тўғрисидаги сўроқ маъносини англатувчи *ким* сўроқ олмоши фақат кишиларга нисбатан қўлланади. *Нима* сўроғининг ишлатилиш доираси *ким* сўроғига нисбатан камдир. У шахслар бошқа ҳамма жонли ва жонсиз предметларга нисбатан қўлланади.

Кишининг исми ва фамилиясини аниқлашда ҳам *ким* эмас *нима* сўро-

ғини ишлатиш тўғри бўлади. Чунки бунда савол шахснинг ўзини эмас, балки ўша шахсга аталган исми ёки ота ё бобосига аталган номни — атамани аниқлаш учун берилади. Масалан:

«— Ҳа, аввал танишиб қўяйлик, отингиз *нима*?»

— Бўтабой... (А. Қаҳҳор)

Бу мисолдан кўрииб турибдики, сўзловчи тингловчидан шахснинг ўзини эмас, балки ўша шахсга аталган номни аниқлаш учун унга мурожаат қилмоқда. Шунинг учун жонли сўзлашувда тез-тез учраётган «Отингиз ким?», «Фамилиянг нима?» каби сўроқлар формаси исмга нисбатан нотўғри қўлланиш ҳисобланади.

Агарда баҳс кишининг исми ҳақида эмас, балки ўзи ҳақида борар экан, у ҳолда *ким* олмошидан фойдаланиш лозим. Масалан:

«— Бу киши *кимингиз*?»

— Қайин отамиз (А. Қодирий).

«— Бунақа гап ўшандан чиқади. Мирзақўлда унинг тоғаси бор, менинг *кимим* бор? (А. Қаҳҳор).

Хуллас, исм ва фамилияларни аниқлашда *ким* сўроғини эмас, *нима* сўроғини қўллаш, шахснинг ўзини аниқлаш керак бўлганда (масалан: «Меҳмонларни *ким* кутиб олади? Мавлон кутиб олиши керак» (А. Қаҳҳор) *ким* олмошини ишлатиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

В. Эгамбердиев

А. ШЕРМАТОВ

ҚУЙИ ҚАШҚАДАРЕ ШЕВАЛАРИНИ
КАРТАЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИДА

Ўзбек диалектологиясида йирик монографик асарларнинг пайдо бўлганлиги эндиликда шеваларимизни қиёсий-тарихий ва типологик тадқиқотнинг ҳозирги замон аниқ ва изчил методи билан, тил ҳодисаларининг тарқалиш чегараларини аниқлаб берувчи лингвистик география методи билан илмий асосда текширишни тақозо қилади ҳамда ўзбек шевалари бўйича диалектал луғатлар ва диалектал атласлар вужудга келтиришни галдаги вазифа қилиб қўяди. «Лингвистик география фақат тил тарихи ва диалектология учунгина аҳамият касб этиб қолмасдан, у халқ тарихи учун ҳам жуда муҳим, чунки лингвистик география муҳим тарихий манбадир, шунинг учун лингвистик атласлар тузиш ишига тездан киришмоқ керак»¹ деб таъкидлаган эди профессор Р. И. Аванесов.

1956 йил (10—13 декабрь) Бокуда туркий тиллар диалектологияси масалаларига бағишланиб ўтказилган Координацион йиғилишда «Туркий тиллар (шу жумладан ўзбек тили) диалектларини лингвистик география методи билан ўрганишни» кенг кўламда олиб бориш ҳақида махсус қарор қабул қилинган эди². Бу масала жуда юксак илмий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли сўнги вақтларда йирик туркологларимиз томонидан шевалар ва алоҳида тилларнинггина эмас, балки Совет Иттифоқидаги барча туркий тилларнинг диалектологик атласини тайёрлаш масаласи қўйилмоқда³. Миллий тиллар шевалари диалектологик атласларининг яратилиши эса туркий тиллар диалектал атласини тузиш учун муҳим манба бўлиши шубҳасиздир.

Проф. В. В. Решетов ўзбек шевалари диалектологик атласини тузишни ва унинг принципларини белгилашни биринчи бўлиб асослаб берган эди⁴. ЎзССР ФА А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг Ўзбек диалектология секторида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. Шобдурраҳмонов бошчилигида Тошкент облас-ти шевалари атласи тузилмоқда⁵.

Лекин ҳалигача биронта ўзбек шеvasининг атласи тўлиқ тузилиб юзага чиқмаганлиги сабабли ўзбек диалектологлари бу соҳада етарли

¹ Проф. Р. И. Аванесов, Заключительное слово на координационном совещании по вопросам диалектологии тюркских языков, Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», Баку, 1958, стр. 181.

² Уша асар, 184—186-бетлар.

³ Н. А. Баскаков, Н. З. Гаджиева, Л. А. Покровская, Э. В. Севортян, О подготовке диалектологического атласа тюркских языков Советского Союза, журн. «Вопросы языкознания», 1966, № 3, стр. 3—20.

⁴ В. В. Решетов, О диалектологическом атласе узбекского языка, «Тезисы докладов II Регионального совещания по диалектологии тюркских языков», Казань, 1958.

⁵ Ш. Шобдурраҳмонов, Ўзбек тилининг диалектологик атласи, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналі, 3-сон, 1969, 33—38-бетлар.

тажрибага эга эмаслар. Аммо узоқ йиллик илмий тажрибага эга бўлган рус диалектологларининг йирик тадқиқотлари⁶ ва баъзи туркий тилларда тузилаётган диалектологик атласлар устида олиб борилган илмий текшириш ишлари⁷ ўзбек диалектологлари учун тажриба мактаби бўлиши мумкин. Шунингдек, ўзбек шеваларининг кенг қўламда монографик ўрганилаётганлиги ҳам диалектологик атласлар тузиш ишини анча осонлаштиради. Биринчи тажриба сифатида тузилаётган Қашқадарёнинг қўйи қисмидаги ўзбек шеваларининг атласи шахсий қузатишларининг натижасида тўпланган материаллар асосида бўлиб, унинг вазифаси — шу территорияда жойлашган ҳамма диалект ва шеваларга хос асосий лингвистик ҳодисаларнинг тарқалиш чегарасини аниқлаш, шу билан бирга текшириш объекти қилиб олинган ҳар бир диалект ёки шевага хос «хусусий» лингвистик ҳодисалар чегарасини белгилашдир.

Қарталаштирилаётган диалектал ҳодисаларни танлашда шу территорияда жойлашган шева ва диалектлар орасидаги энг муҳим тафовутлар ҳисобга олинди. Шу билан бирга Қашқадарё қўйи қисмидаги ҳар бир шева ўз диалектлари йиғиндисида, диалектлар системасида қараб чиқилди. Қарталаштирилиши лозим бўлган диалектал фактлар системали (фонетика, грамматика, лексика ҳолида) тузилиб, сўз, сўз бирикмаси ва гап тарикасида тўпланди.

Қашқадарёнинг қўйи қисмидаги диалектал ҳодисалар қўйидагича танланиб қарталаштирилди.

Фонетика бўйича. Сўзда сингармонизмнинг тарқалиш даражаси, ҳар хил кўтарилишдаги унлилар мослиги, умлаут ҳодисаси, биринчи ва иккинчи даражали чўзиқ унлилар, дифтонглар, унлиларнинг ўтиш ҳодисаси, патализация ва депатализация ҳодисалари. Ундошларнинг унлиларга таъсири: тил ўрта й ва тил олди ч, т, ж товушларининг таъсирида «о» нинг «э»га ўтиши: отэ<эттэсэ> нэғлэт от<этэр (ташла маъносиди). Сўзларнинг биринчи, иккинчи ва сўнги бўғинларида «о» товушининг талаффуз этилиши: бэр, бэзэр бэрэккэн (ад. орф. борадиган). Шеваларда „о“ фонемасининг лабланиши ёки лабланмаслиги, йур, бэд каби сўзлар охирига (йурь, бэръ каби)ъ товушининг қўшилиши ёки қўшилмаслиги ва бошқалар.

Қўйидаги товуш мосликлари қарталаштирилди:

э~ь: йэғлэдъ//йьғлэдъ, хэйэл//хьйэл,

э~е: нэрсэ//нерсэ, нэвэрэ//невэрэ, шэкълъ//шекълъ;

э~о: элмэ//элмэ, қэрэ//қэрэ, сэрэ//сэрэ;

э~у: джэвэп//джувэп, йэвсш//йувэш, джэвэп//джувэп;

е~ь: еккь//ьккь, йейдъ//йьйдъ, ҳеч//ҳъч, деб//дъб;

о~е: бодэнэ//бедэнэ, отук//етък;

у~е: дувол//девэл, нучук//нечук, йувэрдъ//йевэрдъ;

о~у: ой//уй, комуш//кумуш, колэк//куйлэк, сойундъ//суйундъ;

у~ь: оттуз//оттъз, ьшунг//ьшънг, эчуғ//эчъғ, бэрсун//бэрсън;

Ундошлар бўйича сўз бошида дж//й ҳодисаси джол//йол, джузум//йузум

//узум; Ауслаут ҳодисасидан ротацизм⁸: р>т: тэттэдъ; р>с: туссун;

р>д: боддъ; р>ч: буччэк; р>дж: худжджън; р>н: туннэ; р>л: бэл-

⁶ «Атлас русских народных говоров», М., 1957; там же — Сб. «Общеславянский лингвистический атлас», М., 1965.

⁷ М. М. Ширалиев, Диалектол. атлас азербайджанского языка, Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», Казань 1960; Н. Б. Бурганова, Л. З. Заляя, О принципах составления диал. атласа татарского языка, там же; Г. Б. Бакинова. О принципах составления атласа киргизских говоров, «Тезисы докладов IV Регионального совещания по диал. тюркских языков», Фрунзе, 1963.

⁸ Ротацизм — грекча «р» товушининг нотўғри талаффуз этилиши (картавост), демакдир.

лар/ад. орф. борлар/; р>з: нэззъ, қэззъ; солиштиринг, Тошкент шевасида: йэ/ад. орф. ярим/, чэм (ад. орф. чарм), қэмдэш (ад. орф. қариндош) бэй (ад. орф. барг), зъгъччэ (ад. орф. зигирча)⁹. Прогрессив ассимиляция натижасида юз берган д//л мослиги: болдъ//боллъ, кеддъ//кёллъ, қолдэн//қоллэн; бу фонетик ҳодиса Навоий шеърларида учрайди¹⁰. Инлаут ҳодисасидан п>В: қзп//қзвэдъ, чсп//чзвэдъ, гэл//гэвздэн эдэшть; б//ф//в товуш мосликлари: суб//суф//сув/сбъздэн ыштъм//суғардъ//сувурдъ/; шеваларда бўғиз товуши /х/нинг турли ҳолатлари: ора//ҳора, эрра//ҳэрра; солиштиринг. Озарбайжон тилида: ҳорумжэк, ҳэрэ, уйғур тилида: ҳокургэн¹¹. Сўз ўртасида: аҳмэт//э:мэт, шэхэр//шэ:эр; сўз охирида: нъкэх//нъкэ, гуноҳ//гуно; «ҳ» нинг бошқа товушларга ўтиши: ҳ>к: мэккэм ҳ>с: массъ, ҳ>й: койно; Қўшни унли товуш таъсирида ўзакдаги портловчи жарангсиз товушнинг жаранглилашуви: бурчэк//бурджэк, нътънч//нътъндж, чэнгэлзэр//джэнгэлзэр; п~б: пьштъ//бьштъ, пъчэғ//бъчэғ.

Интервокал ҳолатда ёппасига ярим жаранглилашиш ёки унли орасидаги ярим жаранглилашиш: чьк//чъгадъ, оқ//огадъ:

Гуттурал К, Г, Ғ товушларининг инлаут ва ауслаутдаги эволюцияси; Сўз охирида Ғ, Қ нинг сақланиши: уннқк//уннғ, муннқк//муннғ каби.

Интервокал ҳолатда ёки унли билан ундош орасида «б» нинг сонорлашиб, «в» га ўтиши: эрэвэ, бэрэвэр, хэвэр. Сўз охирида: келув кеттэ, элув беддэ шева вакиллари талаффузида Ф товушнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, Ф нинг бошқа товушларга ўтиши: ф>б: эбзэл, ф>в: ҳэвсэлэ, ф нинг тушиши: пулэб ьчэдъ. Сўз ўртасида дифтонгнинг мавжудлиги ёки йўқлиги: борэйчъйдъ, сельсэветъйдъ (эди ўрнида эидэ);

Й товушининг талаффуздаги турли кўринишлари.

В~К, Г, Қ, М: а) тузув//тузук, элув//олдик; б) копув//копъгъ, гувут//гугурт; бузэв//бузэк, тушэв//тушэк; энэвуз//энэмъз; қэмэқ//қэвэқ, бэрэвуз//бэрэмъз кабилар.

Т~Д: дэвуш//тэвуш, ҳэрдуръ//ҳэртурлъ;

Т~Ч: тъш//чъш, туштъ//чуштъ;

К~Х: коҳнэр//кокнэр, коҳмэй//кокмэй, маҳтэп//мэктэп, эҳтък//эктък.

Ғ~Й: бэглэ//бэйлэ; бурун товуши «нг» нинг соф ҳолда ёки қўшимча товуш билан талаффуз қилиниши: мэнггэ, сэнггэ, йсэнггэ каби,

НГ~Н: ьнгъчкэ//ънъчкэ, «нг»нинг тушиши: уйъз, уйқъз, мээ ве каби

Л≈М: бэрэммэдъ, келэммэдъ; «Л» нинг тушиб қолиши: эсун, кесун, қэсун. Эпке, сеп кеттэ каби.

Сўз ўртасида дифтонгнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги: корэйчъйдъ, борэйчъйдъ, энэсэ йемэс (ад. орф. онаси эмас) кабилар.

Морфологик ҳодисалар шевалардаги сўз ясалиши моделлари ва уларнинг тарқалиши ҳамма сўз туркумлари бўйича грамматик категорияларига қараб картага ўтказилди. Сўз ясалиши ва сўз ўзгаришидаги ҳодисаларни танлашда шу форманинг ўзини қайд қилишдан ташқари, уларнинг маъно функционал фарқлари ҳам ҳисобга олинди. От туркуми бўйича. Қаратқич келишиги формаси **-нинг**, **-н** ва унинг турли вариантлари. Тушум келишиги формаси **-нъ**, **-н** ва унинг бошқа кўринишлари. Жўналиш келишиги формаси **гэ** ва унинг (**кэ**, **қэ**, **йэ**, **э**) вариантлари. Урин-пайт келишиги (-дэ) нинг мавжудлиги ёки йўқлиги. Чиқиш келишиги формаси -дэн ва унинг (-дън, -тън каби) вариант-

⁹ Т. Содиқов, Тошкент область шевалари лексикаси (канд. диссертация), Тошкент, 1968, 115-бет.

¹⁰ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, Тошкент, 1959, 33-бет.

¹¹ К. М. Мелиев, Имя действия -гу на современном уйгурском языке, Сб. «Труды САГУ, иранская филология», Ташкент, 1957, стр. 92.

лари. Эгалик аффиксларининг -мъз, -вуз, -уз каби кўринишлари. Кўплик аффиксларининг -лар, -лэ, -эр, -э сингари вариантлари. Шевалардаги -энгъч (қэпэнгъч ьт), -эсъяғ (чышланчығ нэн), -йъ (бъ-нйъ), -ъ (хэлъъъ узум) каби сифат ясовчилар.

Олмошлар бўйича. Қишилик олмошларининг мэн ёки мен, сэн ёки сен, у ёки ул//уол//вол; бъзэ, бъзлэ, бъзэр; съз, съзлэ, съзэр каби шакллари. Кўрсатиш олмошларининг бу, бо, бь, шу, шо, ошэ, шь, эшъ, эбь, авь —

ана
мана, мани

 бу анаву, анавь, мьनाव, ань, энъ, мэнэву, ҳэй-лэхэ сингари кўринишлари. Сўроқ олмоши + -дир билан ясалган гумон олмошининг кьмду? ньмэду? формалари.

Шеваларга хос -тэй (гэгтэй), -э+кэм (рстэкэм, —чэ +кэм йэлгэ, нчэкэм), -мэй (коҳмэй), энкь (бекэрэнкь), -чъ (еттэчъ), -бе (бедэрэй) каби равиш ясовчилар ва бэз,бэзэм, бэзэнэм, уйэг, буйэг, эққэ, бэққэ, шордэ, ордэ, бордэ, ьйэгдэ, бьйэгдэ, бэ, йэнэм бэ каби равишлар.

Феъл бўйича изоглосс чегараси дастлаб ҳозирги (эп: бэрэппэн, бэрэммэн; эт: бэрэтгьм, бэрэтгьнг; джатыр: келаджатырман; йэп: бэрйэппэн) ўтган (ған, гэн, кэн, вуз, —мъш: бэрғамман, бэргэнбъз, бэрдъ-вуз, бэръмьмь), келаси (-вуз//вузэ//мъз: бэрэвуз//бэрэвузэ//бэрэмьзэ каби) замон қўшимчалари билан ясалган формалар бўйича ўтказилди.

Сўнгра шахс кўрсаткичи олмасдан келадиган (мэн оқьган, сэн гэн гэн каби) тусланиш типлари қайд қилинди. «Етиб»нинг фонетик вариантлари билан вужудга келган конкрет ҳозирги замон давом феълининг элгуммэн, элгумсэн, элгупгь, элгуммьз, элгумсьз, элгупгьлэ; Ўтган замон аниқ феълнинг бэрдүв//бэрдүвүз, бэрдъз//бэрдъйьз, яэрдълэ формалари; Маъно жиҳатдан узоқ ўтган замон феъли билан ўтган замон эшитилганлик феълга яқин турадиган Қашқадарё шеваларининг ўзига хос феъл формаларидан:

бэрувкэммэн	бэрувкэмьз
бэрувкэнсэн	бэрувкэнсьз
бэрувкэн	бэрувкэллэ

ва бунинг бўлишсиз формаси

бэрмэвкэммэн	бэрмэвкэмьз
бэрмэвкэнсэн	бэрмэвкэнсьз
бэрмэвкэн	бэрмэвкэллэ

сингари шакллари; ўтган замон ҳикоя феълнинг бэрувдъм, бэрувдънг, бэрувдъ; бэрувдүв, бэрувдъйьз//дъз, бэрувдълэ; узоқ ўтган замон феълнинг бэрйэньдъм, бэрйэньдънг, бэрйэньдъ; бэрйэньдүв, бэрборйэньдъйьд//дъз, бэрйэньдълэ каби кўринишлари; аниқлик майлининг бэрдъвуз, бэрэойьз, бэрдълэ шакллари; биринчи шахс буйруқ-истак феълнинг бэрэъл, бэрэйлъй, бэрэйлув каби кўринишлари аниқланиб картага туширилди. Буйруқ-истак майлининг иккинчи шахс бирлик формаси Қуйи Қашқадарёнинг баъзи шеваларида бэргънънг, элгънънг, келгънънг шаклларида талаффуз этилади. Шарт-истак майлининг кўплиги эсэвуз//вузэ, эсэйьз, эсэлэ каби шакллари; шеваларнинг ўзига хос -гъч +ъй +дъ билан ясалган бэргъчъйьдъм, бэргъчъйьдънг, бэргъчъйьдъ; +эй +чъ +й +дъ билан ясалган бэрэйчъйьдъм, бэрэйчъдънг, борэйчъйьд кўринишлари; элэккэн, бэргъч, бэрувчъ каби сифатдошлар; -ън, -э/-а билан ясалган равишдошлар; гу, -ув, ьш билан ясалган ҳаракат номлари; шунингдек, шу территориядаги шеваларга хос боғловчилар, юкламалар, ундовлар ва тақлидий сўзлар ҳамда давур, йэрэшэ, тэмэн каби кўмакчилар ва сьрт, тэг//тэй, эст, элд каби кўмакчи отлар карталаштирилди.

Лексик ҳодисалар индексига диалектлар бўйича ўзларининг маънолари ва қўлланиши билан кенг дифференциация қилинадиган ва турли сўз туркумларига тааллуқли бўлган сўзларни киритдик.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

«ЕРДАН ТЕМИРТАҚ ТОПГАН...»

Достонларимизда қадимий тушунчалар билан боғлиқ ора-сира учраб турадиган традицион ифодалар қаторида айрим фразеологик иборалар ҳам борки, уларнинг моддий ва маънавий асослари бизни жуда узоқ ўтмишга етаклайди. Жумладан, меҳнат аҳлига мансуб табақалардан бирор персонажнинг кутилмаган шароитда қандайдир бир яхши хабар эшитиши ёки унинг тушунчасига кўра ижобий бир ҳодисани пайқashi ва ё кўриши натижасида унда ҳосил бўлган қувончни ифодалаш учун «ердан темиртак топган қулдек югуриб кетди» деган ибора ишлатилади.

Бу фразеологик иборада бизнинг диққатимизни жалб этадиган муҳим элементларга эътибор этайлик: ерда (табиатда) мавжуд бўлиб, ҳали бирор ҳожанинг мулки ҳисоблаймаган металл; 2) ана шу металлни тасодифий равишда қулнинг қўлига тушиб қолиши; 3) ўлжа тугайли қулдаги таассурот.

Қай вақт шундай ҳодиса ё тасодиф ва таассурот юз бериши мумкин? Бунинг асосини, албатта, қулдорлик жамиятидан излаш лозим бўлади.

Темиртак, ҳозирги тушунчамизда ташландиқ ёки парча-пурча металл бўлса ҳам, асоси темир эканлиги шубҳасиздир. Ўрта Осиёда темирдан фойдаланиш қулдорлик давридагина аста-секин ривожланган эди. Металлни, жумладан темир рудасини топилган кондан қовлаб олиш, уни эритиб тозалаш ва эҳтиёжга яраша ишлатиш якка-якка шахсларнинг қўлидан келмас эди. Чунки у вақтлардаги техниканинг даражасида темир рудасини тозалаб, керакли асбоблар учун фойдаланиш жуда қийин, мураккаб ва коллектив меҳнатни талаб этар эди.

Бундай оғир меҳнати қулдорларнинг ихтиёрида бўлган текин куч— қуллар бажарар эди, унум натижаси эса қулдор манфаатига қолар эди. Қуллар конга эга бўлмаганларидек, у ердан олинadиган хом ашёга ҳам эга эмас эдилар. Қулларнинг ризқи қулдорлар томонидан уларнинг меҳнатларига қараб белгиланадиган «ўлмаслик тадорихи» дегандек, ўлчаб берилadиган «ҳақ» бўлар эди, холос.

Ана шундай шароитда бирор қул томонидан тасодифий равишда ердан топилган бир парча металл уни ҳаддан ташқари қувонтириши табиий эди. Чунки у замонасига кўра жуда қадрли хом ашёни қўлга киритди ва уни ўзи топгани учун бу металлни ўз мулки— бойлиги ҳисоблайди. Бу бойлик унинг турмушини яхшилашга катта моддий ёрдам беради, деб ўйлайди, шундан кейин руҳий қувонч ҳосил бўлади.

Ана шундай «ўлжага» йўлиққан қул ўз «ўлжаси»ни яшириб қўймайди, албатта. У металлни ўзи қатори шахслар билан биргаликда

коллектив бўлиб ишлаб чиқаришга ўрганган. Шунинг учун ҳам ўша темиртакни топган заҳоти терисига сиғмай қувониб, ўз ҳамкорлари томон югуриши жуда табиийдир. Қўллар турмушидаги бундай табиий ҳодиса чексиз қувончнинг ифодаси учун асос бўлган. Кейинчалик эпосга ўтиб, тўсатдан юз берган қувончни, маълум бир муваффақият гаштини ифодалай бошлаган. Бундай ибораларни атрофлича ўрганиш, бир томондан, халқ дostonларининг тарихий асосларини очишга ёрдам берса, иккинчидан эпосимиздаги традицион элементларнинг конкрет асардаги ўрни ва аҳамиятини ёритишга имкон туғдиради.

Ҳоди Зариф

ЎТНА / 4 / 1970 / 66

БАЛАСОҒУНЛИ ЮСУФ ҲАЁТИНИНГ БАЪЗИ БИР САНАЛАРИ

Урта Осиё туркий халқларининг ўн биринчи асрга мансуб ва ҳозирча бизгача етиб келган бадиий адабиётнинг илк намунаси бўлмиш «Қутадғу билиг»нинг муаллифи баласоғунли Юсуф Хос Ҳожибдир.

Асарнинг муқаддима қисмида — муаллифнинг Баласоғунда туғилганлиги, китобни Кошгарда ёзиб, уни Тавғачхон ҳузурига келтиргани, хон китобни жуда юқори баҳолаб, муаллифга ўз саройида Хос Ҳожиблик лавозимини берганлиги, шундан сўнггина у Юсуф Хос Ҳожиб номи билан машҳур бўлганлиги ҳақида хабар бор.

Юсуфнинг туғилган ва ўлган йили номаълум. Лекин асарда унинг туғилган йилига ишора қилувчи айрим маълумотлар учрайдики, ана шу маълумотларни таҳлил қилиш асосида Юсуфнинг туғилган йилини тахминан аниқлаш мумкин бўлади.

Юсуф ўз асарининг хотимасида асарни ёзган йили ва қанча муддатда ёзиб тугатганлиги ҳақида шундай дейди:

Йил алтмиш эки эрди тўрт юз била,
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура.
Тугал ўн секиз айда айдим бу сўз,
Удурдум, адирдим сўз эвдиб тера.

(Мазмуни: Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди. Мен бор жонимни сарф этиб ушбу сўзларни сўзладим. Уни ўн саккиз ойда тугал тамомладим. Сўзларни териб, айириб, сараладим).

Юқоридагилардан маълум бўладики, муаллиф ўз асарини ҳижрий йилнинг 462-сида 1069—1070 милод) ёзиб тугаллаган. Муаллифнинг шаҳодат беришича, агар у ўз асарини 18 ойда ёзиб тугаллаган бўлса, уни ҳижрий 461 йилнинг биринчи ярмида бошлаб, 462 йилнинг ўрталарида (ёки 461 йилнинг ўрталарида бошлаб, 462 йилнинг охириларида) тугатган бўлиши мумкин.

Асарнинг қарилikka бағишланган қисмида Юсуф ўз ёши ҳақида яна шундай маълумотларни беради:

Тегурди манга элги эллик яшим,
Қуғу қилди қузғун туситег башим.
Ўқир эллик эмди мангар кел тею,
Пусуғ бўлмаса бардим эмди нару.
Отуз йиғмишин яндрү алди эллик,
Неку қилгай алтмиш тегурса алиг.
Неку қилдим эрди ман эллик санга,
Нелуг турдунг эмди бу ўчка манга.

(Мазмуни: Эллик ёшим менга қўл урди, қузғун паридек қора бошимни оққуш (паридек) қилди. Энди эллик (ёш) мени кел, дея чорлаётир, (Йўлда) пистирма (яъни ногаҳоний ажал) бўлмаса, энди у

гомон бораман. Уттиз (ёш) йиққанини эллик қайтариб олди. Олтмиш қўл тегизса нималар қилар экан. Мен сенга нима (гуноҳлар) қилган эдим. Эй эллик (ёшим), нима учун менга қарши бундай ўч билан отландинг).

Муаллифнинг юқоридаги маълумотларидан аниқланадики, у ўз асарини ёзган вақтда ёши элликка тўлиб, олтмишга қараб кетаётган бўлади.

Демак, асар ёзилиб тугалланган 462(1069—1070) йилда Юсуфнинг ёши элликларда бўлган бўлса, унинг тахминан 410—411 ҳижрий (1019—1020 милод) йилида туғилгани маълум бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Юсуф тахминан 1019—1020 ҳижрий йилида туғилган ва асарини ёзган даврда ёши элликлар атрофида бўлган. Бу даврда у ижодий камолоти барқ урган, кенг ва чуқур маълумотли, ўз даврининг барча илмларидан бохабар киши бўлган. Бунинг исботини биз Юсуф ёзиб қолдирган асарда яққол кўрамиз.

Қ. Каримов

К. ЯШИННИНГ «ТЕНГ—ТЕНГИ БИЛАН» ФАРСИ ҲАҚИДА

Драматург Комил Яшиннинг биринчи асари 1926 йилда ёзилган «Кар қулоқ» номли фарс бўлиб, унда хотин-қизларни хўрловчи феодаллар кулги остига олинган эди¹. Орадан бир йил ўтгач, 1927 йилда К. Яшин «Тенг—тенги билан» деган бир пардали комедиясини ёзади. Санъатшунос М. Раҳмоновнинг фикрича, бу асар «Кар қулоқ»нинг қайта ишланган варианты эди².

«Тенг—тенги билан» пьесаси Ўзбекистон Давлат нашриётининг «Сўрвига биноан Бокуда 1930 йилда китобча шаклида босилган»³.

Бу пьесани текшириш, бир томондан, К. Яшиннинг драматургиядаги илк тажрибаларини ўрганишга, иккинчи томондан, ўзбек совет адабиётида комедиографиянинг туғилиши, шаклланиши ва ўсиши жараёнини илмий асослашга имкон беради.

Ҳамзанинг «Тухматчилар жазоси», «Майсаранинг иши» каби пьесаларидаги хотин-қизлар ҳуқуқларини оёқ ости қилган эксплуататорларни фош қилиш пафоси бу асарнинг ҳам ғоявий мундарижасини белгилаб берган. Дарвоқе, бу асар ўз даврида ана шу фазилати — хотин-қизлар озодлиги душманларига қарши қаратилганлиги билан муҳим ижтимоий ва тарбиявий роль ўйнаган.

Асарнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари. 70 ёшли Самандар бой 17 ёшар камбағал қиз — Сурмата уйланиб олган. Қиз чолни ўзига яқин йўлатмайди. У Азиз деган йигитни севади ва чолдан қутулиш чорасини қидиради.

Драматург Самандар образида ўтмишнинг жирканч одатларидан бири — хотин-қизларни камситадиган тенгсиз никоҳни қоралайди. Самандар хасис, очкўз, исқирт. У, Сурмага кўп харажат қилганлигини қайта-қайта таъна қилади:

«Сурма а. Отам сотмай ўлсин сандай қари чолга. (Йиғлайди.)»

¹ Бу ҳақда биринчи марта Мажид ва Ҳафиз Абдусаматовлар ўзларининг «Яшин» деган монографияларида маълумот берганлар. Қаранг: Ҳ. Абдусаматов, М. Абдусаматов, Яшин, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1964, 15-бет.

² М. Раҳмонов, Яшин ва театр. Китобда: «Комил Яшиннинг ижодий йўли» (мақолалар тўплами), Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1963, 90-бет.

³ I e ş i n . T e n — t e n i b i l a n . B i r p a r d e l i k u l k i . Ö r n a ş t , S a m a r q a n d — B a k u , 1930.

С а м а н д а р. Бўлмаса сен нега тегдинг, мочағар!..

С у р м а. Чинакам, отам сотди, сени ёш йигит деб айтган эди. Аммо... мани алдаган экан!!!

С а м а н д а р. Ҳали сенга мен ёқмай қолдимми? Хоҳламайсанми?

С у р м а. Хоҳламайман дедим — хоҳламайман! Ўзингиз ўйланг! 17 ёшли бир йигит 70 яшар бир кампирни хоҳласа, шулар тўй қилиб, чимилдиқда ўйнашиб-кулишиб ўтирса келишадими?

С а м а н д а р. Албатта, у кампир йигитга тенг эмас!

С у р м а. Бўлмаса 17 яшар қиз ҳам сизни хоҳламайди, тенг-тенги билан-да!

С а м а н д а р. Бекор айтибсан, 70 яшар чолга 10 яшар қиз ҳам бўлаверади, бунга шариатда кенг йўл бор. Кел... кел. (*Епишаркан, Сурма аччиғланиб.*)

С у р м а. Ҳо! Яшамай ўлғир сассиқ чол, йўқол кўзимдан. (*Итариб ташлайди.*)

С а м а н д а р. Вой белим, вой белим! Энди нима қилсам экан. Аъзойи баданини шу бузовбоши қамчи билан титиб юборсаммикан-а?... Йўқ, агар ҳозир савалаб қолсам, баттар кўнгилсиз бўлади. Энди секин дуохонлашмасам, ишим қийинга ўхшайди. (*Сурмага.*) Майли, ойимпош-ша, ургангиз ун оши, сўкканингиз сўк оши, тасаддуқ бўлай, мана мен кетдим. (*Халаққа.*) Энди Абдулла дуохонга бориб, ўзимга бир иситиб олиб, мен ҳам бир оз истиғно қилиб, Сурмаҳон тасаддуқни бир ялинтириб, бир йиғлатай, юракчаси эзилиб кетсин, ҳа-ҳа-ҳа! (*Кетади.*)⁴

Пьеса ғоясини ва персонажларнинг ички дунёсини очувчи бу парчадан кейинги воқеаларда Сурма билан Азиз чол қўлидан қутулиш режасини тузадилар. Шу режага кўра, улар чолни «талоқ қўйдим!» дейишга мажбур қилмоқчилар. Азиз Сурма кўйлагини кияди. Чолга ўз кўзини рўмол билан боғлаттирадилар. Чол қизни ўзига ром қилиш мақсадиди у билан яшинмачоқ ўйнамоқчи бўлади-да, Сурма деб, унинг кўйлагини кийиб олган Азизни қувиб юборади. Азиз ва Сурма ўз ўринларига чолнинг тўпори ўғли Тешани келтириб қўядилар. Чол «Ажи — ажи...» деб келиб, Тешани кучоқлаб олади. Кўзини очиб қараса — ўз ўғли. Жаҳли чиқиб «Уч талоқ!», «Юз талоқ!» деб юборади. Бунни эшитган Азиз ва Сурма қочиб кетадилар.

Ёшлар эскиликнинг жирканч одатлари устидан кулиб, ўз тақдирларини шундай ҳал қиладилар.

Пьесада кулгили персонажлардан бири — Теша орқали эксплуататорлар оиласидаги ярамас тарбия усуллари фош қилинади. Худбин ота қўлида Теша аҳмоқлигича қолган. У 30 ёшга кирган-у, отаси уни уйлантирмай, ўзи ёш қизга уйланмоқчи. Илм-маърифат, касб-хунарга ўргатилмаган Тешанинг кунлари хўроз ва итлар билан ўтгач, унинг ландовур — аҳмоқлигича қолиши табиий. Ўтмиш замонлардаги муҳит ва эксплуататорларнинг худбинлиги натижасида қанча кишиларнинг умри Тешадай зое ўтган.

Камбағал қиз — Сурма бой ўғли — Тешадан минг карра донороқ. Сурма чолдан қутулмоқ учун Тешадан усталик билан фойдаланади. Драматург доно қиз ва аҳмоқ ўғил ўртасидаги диалогда кулгили вазият ярата олган.

Қаҳрамонларнинг ҳазил — мазах аралаш ҳаракатларига асосланган ва ўз моҳияти билан енгил комедия турларига тааллуқли бўлган бу асарнинг жанрини фарс деб белгилаш тўғри бўлади. Бу асар ўз композицияси билан Ҳамзанинг «Тухматчилар жазоси» комедиясига яқин туради. Маълумки, «Тухматчилар жазоси» марказида ижобий қаҳрамон

⁴ I əʃ l n. Ten — teni bilan, 4-бет.

аёл (Фотима) туради. У ақл ва тadbир билан туҳматчиларни фош қилади, ўзининг софлиги ва эрига садоқатини кўрсатади. Яшин фарсидаги Сурма ҳам ўз характери билан Фотима образига яқин туради.

«Туҳматчилар жазоси»даги Акбарали ўзининг соддалиги, сўзлари ва қилиқлари билан кишини кулдиради. «Тенг—тенги билан»да шунга яқин қиёфа — Теша (Акбарали аҳмоқ эмас, содда; ammo Теша овсар, гўл, аҳмоқ). Акбарали ва Теша — ҳар иккаласининг характери халқ эртақларидаги гоҳ доно, гоҳ айёр, гоҳ аҳмоқ «каллар» образларини эслатади. Ҳамза ва Яшин ўз асарларини халқ оғзаки ижоди таъсирида ёзганлар. Яшин устози Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди анъаналарини давом эттиради. Бироқ Яшин «Туҳматчилар жазоси»дан қарийб 10 йил кейин ёзилган «Тенг—тенги билан» фарсини Ҳамза асари савиясига кўтара олмаган. Шунинг учун ҳам Самандарбойнинг «уч талоқ» дейишини кутиб юрадиган Сурма ва Азиз образлари Ҳамзанинг саводли ва онгли равишда ҳаракат қилувчи қаҳрамонларидан паст туради. Бунинг асосий сабаби «Тенг — тенги билан» фарси ёш драматургнинг дастлабки машқларидан бири эканлигидадир.

К. Яшин бундан кейин ёзган «Икки коммунист», «Тор-мор», «Ичкарида», «Гулсара», «Нурхон», «Офтобхон», «Йўлчи юлдуз» каби пьесаларида ўз устози — Ҳамзанинг энг илғор традицияларини ўстира бориб, юксак гоёли ва чинакам бадий асарлар яратади. У ижод қилган образлар ва сюжетлар оригиналлиги ва ҳаётийлиги билан ўзбек совет драматургияси хазинасига бой ҳисса бўлиб қўшилади. У асарлар букунг кунда ҳам коммунизм қурувчиларига маънавий-эстетик хизмат қилмоқда.

С. Алиев

ВАЗИФАДОШЛИКНИНГ ЎЗИГА ЁНДОШ ҲОДИСАЛАРДАН ФАРҚИ

Вазифадошлик¹ сўз кўчма маънолари ҳосил бўлиши ҳодисаларининг бир туридир. У тилшуносликда кўпдан бери қайд этиб келинади. Шунга қарамай, мазкур семантик ҳодиса яхши ўрганилмаган. Вазифадошлик ҳақида фақат тилшуносликка кириш ва лексикологияга бағишланган дарсликлардагина баъзи йўл-йўлакай фикрларни учратиш мумкин. Унга махсус бағишланган биргина мақола мавжуд бўлиб², у ҳам полисемантик сўзларни юзага келтирувчи вазифадошлик ҳақидаги фикрлар билан чегараланган.

Вазифадошлик баъзи ўринларда маъно кенгайиши ҳодисасига ўхшаб кетади. Худди шундай ўринда маъно кенгайишига хос ҳодиса вазифадошлик сифатида талқин қилинади. Масалан, *сиёҳ* сўзи ҳисобидаги маъно кенгайиши вазифадошлик сифатида берилган³. *Сиёҳ* — ёзув учун ишлатиладиган суюқ бўёқ. Унинг ранги аввал қора бўлганлиги учун ҳам, тожикча *сиёҳ* (яъни *қора*) сўзи билан аталган эди. Бироқ ҳозир *сиёҳ*ни фақат қора рангли деб бўлмайди. Кўк, қизил, яшил ва ҳоказо рангли *сиёҳ*лар ҳам бор. Шунинг учун ҳам баъзи тилшунослар

¹ *Вазифадошлик* — рус тилшунослигида «семантика функциональная», «перенос по функции», «по сходству функции» каби бирикма терминлар билан ифодаланиб келинар эди. Шундан келиб чиқиб, ўзбек тилшунослари «функциядошлик» деб атаганлар. Виз «функция» сўзи ўзбек тилида ўзлашмаганлигини ҳисобга олиб, вазифадошлик деб қўллашни маъқул кўрди.

² Қаранг: Т. Алиқулов, *Функциядошлик ҳодисасига доир*, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 6-сон, 26—29-бетлар.

³ Қаранг: М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулев, *Ўзбек тили*, Тошкент, 1966, 24-бет; Т. Алиқулов, *Уша асар*, 28-бет.

сиёҳ сўзи англлатган тушунча, яъни маъно ўзгаргани ҳолда, унинг вази-фаси эскича қолаверди, демак, вазифадoshлик содир бўлди, деб кўрса-тадилар. Ҳолбуки, *сиёҳ* сўзи вазифадoshлик асосида янги кўчма маъно-юзага келтирган эмас, балки у англлатган нарса фақат қора бўлиб қол-май, турли рангдагилари келиб чиққани учун маъносини кенгайган.

Вазифадoshлик баъзан метонимиянинг баъзи турлари билан қориш-тириб юборилиши мумкин. Чунки метонимия айрим воситаларнинг тараққиёти билан боғлиқ ҳолатда юзага келса, у вазифадoshликка ўхшаб кетади. Масалан, *эм* — дори билан бўладиган даво. Кейинчалик эса бу вазифани сиворотка юқтириш воситаси ҳам бажара бошлади. Лекин бу восита *эм* сўзи билан аталаверди. Кейинги восита янги, шунинг билан эски восита вазифасини айнан ўз устига олган ва унинг номи билан аталган. Бу билан мазкур кўчма маъно ҳосил бўлиши вазифа-doshлик эмас.

Вазифадoshлик четдан қабул қилинган сўзларнинг тилдан тилга ўтиш жараёнидаги маъно ўзгариши билан боғлиқ ҳолда юзага келмайди. Масалан, *салат* сўзи аччиқ-сучукнинг бир турини англатади. Унинг латин тилига хос *Salatus* — тузланган этимологик маъноси ўзбек тили учун алоқасиз. Бу маъно ҳатто бизга *салат* сўзи кириб келиши учун восита бўлган рус тилида ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам, ўзбек тилида *салат* сўзи ҳисобида вазифадoshлик мутлақо содир бўлмаган деб қара-лиши керак.

Вазифадoshликда кўчма маъно юзага келади. Кейинги пайдо бўлган маъно аввалги маъно билан, маъно кенгайишидаги каби, бир таркибда бўлиши мумкин эмас. Бунда кейинги маъно асос маънони ўз ҳисобидан инкор қилади. Кўчма ва асос маънолар ҳеч қандай умумийликка эга бўлмайди. У маънолар ифода этган нарса, ҳодиса, ҳаракат ёки ҳолат тамоман бошқа бўлгани ҳолда, фақат бирининг вазифасини иккинчиси эгаллайди.

Ўқ сўзидаги маъно кўчиши вазифадoshликка хос. Бу сўз аввал ёйдан отиладиган учи найза, узун, ингичка таёқчани англлатган. Ҳозир эса у питра ёки порох ва питр билан тўлдирилган гильзани англатади⁴. Ўқ сўзининг ҳар икки маъноси англлатган нарсалар тамоман бир-бирига ўхшамаган бўлса ҳам, биз, аввалги маъноси англлатган нарсанинг шак-лий чегараси бузилди, яъни маъно кенгайиши содир бўлди, деб фараз қилайлик. Бироқ маъно кенгайиши билан вазифадoshликнинг иккинчи фарқли белгилари уни (фаразимизни) рад этиб қўяди. Яъни *сиёҳ* сўзи маъносини кенгайишига сабаб бўлган қизил, кўк, яшил сиёҳлар ҳам, ўша аввалги қора *сиёҳ* ҳам ҳозир бир вазифани — ёзув воситаси бўлишни бажаради. Ўқ сўзининг кейинги маъноси англлатган нарса «ўлдириш» вазифасини бажаргани ҳолда, аввалги маъносини англлатган нарса бу вазифани ўзидан соқит қилган; у ҳозир «спорт воситаси» вазифасини бажаради. Демак, *ўқ* сўзининг кейинги маъноси англлатган нарса аввал-ги маъно англлатган нарсанинг вазифасини бажаради. Бу вазифадoshлик-ка хос хусусиятидир.

Вазифадoshлик кўп ҳолларда метафорага қўшиб юборилади⁵. Вази-фадoshликни метафорага қориштириб юборувчи тилшунослар вазифа-doshлик учун кўпроқ *қанот* сўзидаги маъно кўчишини мисол қилиб келтирадилар⁶. Тўғри, самолёт қанотининг ҳам, қуш қанотининг ҳам

⁴ Қаранг: М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулев, Ўша асар, ўша бет.

⁵ Қаранг: О. Азизов, Тилшуносликка кириш, Тошкент, 1963, 62-бет; Д. Х. Ба-зарова, Семантика наименований частей тела и производных от них в тюркских языках, кандидатлик диссертацияси, қўлёзма, Тошкент, 1967.

⁶ Қаранг: Е. М. Галкина-Федорук, К. В. Горшкова, Н. М. Шанский, Современный русский язык, М., 1962, 32-бет; У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1965, 126-бет.

вазифаси, ўрнашиши ва хусусиятида ўхшашлик бор. Бундай йўл билан маъно кўчиши эса метафоранинг ўзидир.

Кўриб ўтдикки, юқоридаги авторларнинг вазифадошликни тушуниши метафора ҳақидаги тушунчалардан фарқ қилмайди. Метафора эса вазифа ўхшашлиги каби ҳаракат ўхшашлиги, хусусият ўхшашлиги, белги ўхшашлиги, ранг ўхшашлиги кабилар натижасида ҳам юзага келади. Вазифа ўхшашлигига асосланган метафоралар алоҳида ҳодиса сифатида ажратилса, бошқа ўхшашликка асосланган метафораларни ҳам алоҳида ҳодиса сифатида ажратиб юборишга тўғри келади. Натижада эса, метафорадан ҳеч нарса қолмай, кўчма маъно ҳосил қилувчи ҳодисалар сон-сановсиз бўлади.

«Вазифадошлик» термини ҳам юқоридаги авторларнинг тушунчасига мос келмайди. Чунки *-дош* аффикси билан ясалган сўз икки нарса ёки воқеликнинг бирор томони билан ўхшашлиги натижасидаги алоқадорлигини эмас, балки бирор томони билан битта эканлиги натижасидаги алоқадорлигини билдиради. Масалан, *касбдош* — битта касб эгаси, *синфдош* — битта синф ўқувчиси ва ҳоказо. Демак, *вазифадош* ҳам битта вазифани бажарувчи нарса, воқелик, ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаши керак.

Вазифадошликда асос ва кўчма маъноларни ифода этган нарса бир вазифани бажаришга қаратилган бўлади⁷. Маслан, *ақча* сўзи дастлаб кумуш тангани ифода этган. Шунинг учун ҳам, уни рангига нисбатан олиниб, *оқ + ча > ақча* ҳолида ясалган. Кейинчалик унинг вазифаси қоғоз валюталар орқали бажариладиган бўлди. Умуман олганда эса, кумуш танга билан қоғоз валютанинг вазифаси битта. Аммо кумуш тангани пул ҳисобида ишлатиш муомалада кўп қийинчиликлар келтириб чиқарди. Яъни *ақча* сифатида кумуш тангани ишлатиш замон талабига нисбатан эскирди. Унинг ўрнини қоғоз валюта эгаллаб, *ақча* номи билан аталаверди. Натижада, *ақча* сўзи ҳисобида янги кўчма маъно ҳосил бўлди. Шунинг учун ҳам СССР ФА нинг мухбир аъзоси Л. А. Булаховский вазифадошликни характерлаб, сўз ифодалаган нарса, воқелик, ҳаракат ёки ҳолатнинг давр талабига нисбатан эскиб, янгисига алмашишидир, деган эди⁸. Вазифадошлик хусусияти ҳақида ундан кейин тўхталиб ўтган қатор тилшунослар ҳам шу фикрда бўлганлар⁹.

Хуллас, бир тил доирасидаги сўз маъносининг тараққиётини ифодаловчи вазифадошлик эскирган нарса, воқелик, ҳаракат ёки ҳолатнинг ўрнига бошқаси келиши ва эскиси ифода этган сўзни янги эгаллаб олиши натижасида содир бўлади.

М. Миртожиев

ЖАНУБИЙ ХОРАЗМ ДИАЛЕКТИДА СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

Икки ва ундан ортиқ мустақил сўзнинг қўшилишидан тузилган ҳамда ягона тасаввурни ифодалаш учун хизмат қиладиган грамматик бутунлик сўз бирикмаси бўлиб, бу ўзбек адабий тилида озми-кўпми ишланган¹.

⁷ Қаранг: А. А. Реформатский, Введение в языкознание, М., 1960, 55—59-бетлар; Д. Н. Шмелёв, Очерки по семасиологии русского языка, М., 1964, 65-бет; О. С. Ахмалова, Словарь лингвистических терминов, М., 1966, 400-бет.

⁸ Л. А. Булаховский, Введение в языкознание, ч. II, М., 1954, стр. 60.

⁹ Қаранг: А. А. Реформатский, Уша асар, 56, 57-бетлар; И. В. Арнольд, Лексикология современного английского языка, М., 1959, 67—69-бетлар; Д. Н. Шмелёв, Уша асар, 67-бет; Т. Алиқулов, Уша асар, 27-бет.

¹ «Ҳозирги ўзбек адабий тили», II, Синтаксис, Тошкент, 1966, 15—37-бетлар; Ҳ. Комилова, Гапда сўзларнинг боғланиши, Тошкент, 1955.

Аммо бу соҳани айрим диалект ва шевалар доирасида ўрганиш ҳам фойдадан холи эмас: бу нарса айрим сўзларнинг пайдо бўлиш усулини, қатор бирикмаларнинг грамматик жиҳатдан шаклланишини, баъзи бир бирикмаларнинг адабий тилдан фарқ қилувчи томонларини кўрсатишга ёрдам беради. Чунки территориал диалектларнинг ҳам ўзига хос бирикмалари мавжуддир². Буни биз «Жанубий Хоразм диалекти синтаксисидан материаллар» деган бир мақоламизда айтиб ўтганмиз³.

Бизга маълумки, диалект ва шеваларнинг синтактик хусусиятларини тавсиф қилиш, биринчидан, территория ва стилистик жиҳатдан чегараланмаган ўзбек тилига хос барча синтактик конструкцияларни ёзиб олиш, иккинчидан, диалект ва шеваларнинг қариндош ва қариндош бўлмаган тилларга синтактик жиҳатдан муносабатини аниқлаш, учинчидан, диалект ва шеваларга ёзув тилининг таъсирини ўрганиш, тўртинчидан, диалект ва шеваларнинг ўзига хос синтактик бирикларини кўрсатишдан иборатдир.

Диалектларда сўз бирикмаларини тадқиқ қилиш адабий тил синтаксисини ўрганишга нисбатан қийин. Чунки диалект ва шевалар тилининг табиий ишланмаган формаси бўлгани учун унинг қонун-қоидаларини текширишда жонли тил эгаларининг нутқ манерасини, шароитини, кимлигини, мақсадини бевосита ўрганиш талаб этилади. Ҳатто маълум бир диалект составига кирган лаҳжа ва шевалар ҳам бир-биридан қатор синтактик конструкцияларнинг ишлатилишида фарқларга эга.

Биз бу ҳолни Жанубий Хоразм диалектининг Хева, Урганч, Ҳазорасп шеваларини текширишда кўрдик.

Қизиғи шуки, адабий тилда бир маъно англатувчи (бир бирикма билан ифода этилувчи) бирикмалар бу шеваларда турлича ифода этилади: баъзан улар бир сўз орқали ифодаланади, баъзан эса икки сўз бутунлай қўшилиб кетади ёки жуфтлашган бўлади: *айна қапи* (Хева) — *айна эшик* (Урганч) — *айна* (Ҳазорасп) ва бошқалар.

Жанубий Хоразм шеваларида сўз бирикмаси жуда мураккаб ва ишланиши зарур бўлган соҳадир. Ҳатто айрим табақалар орасида бир бирикмани турлича ифодалаш ҳоллари кўринади: *ўқитувчилар нутқида шанба* сўзи ўрнида *олтинчи кун*, *ёрим йўддиқ гуни* ибораларининг ишлатилиши, қишлоқ жойларида *эртанг базар гуни* (Ҳазорасп), *элдимиздеги*, *базар гуни* (Урганч), қари авлод нутқида *шамби гуни* бирикмаларининг ишлатилиши диалектларда сўз бирикмалари ҳали дифференциация қилинмаганлигини кўрсатади.

Баъзан диалектда битишув йўли билан бириккан *она-ватан* типидagi иборалар *ота-ватан* формасида ишлатилгани қизиқ ҳодиса. Жанубий Хоразм шеваларида баъзан *она-ватан* билан *ота-ватан* фарқланади: биринчиси она туғилган жой, иккинчиси ота туғилган жойдир.

Шу мисоллардан кўриниб турибдики, Жанубий Хоразм шеваларида ҳам адабий тилдан ва етакчи шаҳар шеваларидан маъно ва материал жиҳатдан фарқ қилувчи сўз бирикмалари мавжуд. Айрим мисолларни қиёс қилайлик. Диалектда қўлланувчи *ўткэн гуи* (ад. орф. *ўтган кун*) бирикмаси адабий тилда ҳам, диалектда ҳам сифатдош — от формасида тузилган. Лекин бу бирикма адабий тилда кечаги кун маъносига, Хоразмда эса «кечагидан аввалги кун» маъносига қўлланади. «Кечаги кун» учун эса Жанубий Хоразм шеваларида *ахшам* (*оқ—шом*) сўзи қўлланади. Диалектда ишлатилувчи *эвэл ахшам* бирикмаси (тўғрироғи: *аввалги оқшом*) даги сўзлар яқка олинганида адабий тилдан фарқланмайди. Лекин у бутунлигича олинганида адабий тилга ва бошқа шаҳар шева-

² «Русская диалектология», М., 1965, стр. 174.

³ Ю. Жуманазаров, Жанубий Хоразм диалектида бошқарув муносабатлари, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1967, 2-сон.

ларига «кеча», «туннинг аввалги қисмида» деб таржима қилиниши мумкин.

Яна бир мисол: адабий тилда *талқин қилмоқ* ибораси қўлланади. Бу бирикма материал жиҳатдан диалектдаги *талхин этмэк* иборасига яқин туради. Лекин бу адабий тилда *ифодаламоқ*, *баён этмоқ* маъносини берса, диалектда *ашула айтмоқ* маъносида ишлатилади.

Худди шундай *йанга галди*, *ангалиқ замча*, *дўғган атаси* (ад. орф. *янги келди*, *янги хандалак*, *туғишган отаси*) типидagi бирикмалар ҳам адабий тилдан ўзининг маъноси ва материали жиҳатидан фарқ қилади.

Ўзбек тилида сўз бирикмаларининг икки катта группаси бор. Булардан биринчиси от сўз бирикмалари бўлиб, унинг компонентлари от, сифат, сон, омеш каби сўз туркумларидан ҳосил бўлади. Иккинчиси эса феъл сўз бирикмаси бўлиб, унинг компонентлари равиш, равишдош, сифатдош ва феъллардан бўлади. От сўз бирикмасининг Жанубий Хоразм диалектига хос қуйидаги ҳолатларини кўриб чиқамиз.

1. Биринчи компонент эгалик аффиксини олиб, иккинчиси аморф ҳолатда ёки ясама формада бўлади: *қашлари қара*, *кўзлари қизил*, *қанни катта*, *дарвазаси улли*, *суви мазали* ва бошқалар. Бу типдаги бирикмалар ажратиб кўрсатиш, белгилаш, маънони кучайтириш, тасвирлаш учун қўлланади.

2. Биринчи компонент аморф (ўзак) ҳолатда бўлиб, иккинчиси ясовчи қўшимчалари олган бўлади: *уч ди:шили*, *дўққиз айлиқ*, *йуз сўмлиқ*, *қара сўзли*, *қара дашили* ва бошқалар.

3. Бирикманинг биринчи компоненти жўналиш, чиқиш ва ўрин-пайт келишиги аффиксларидан бирини қабул қилади, иккинчи компоненти ясама ёки аморф ҳолатда бўлади. Булар қуйидагича:

а) биринчи компонент жўналиш келишигини олган отдан бўлади: *адама йўлдаш*, *маллара йем*, *кәсәлә аш* (ад. орф. *одамга йўлдош*, *молларга емиш*, *касала ош*) каби.

Бу тип бирикмалар ўзбек адабий тилида ҳам кенг тарқалган: *ёшларга насиҳат*, *Ватанга муҳаббат*, *душманга нафрат* ва бошқалар.

б) биринчи компонент ўрин-пайт келишиги аффиксини қабул қилади: *богда бадам*, *айақта эдик*, *қўлда рўмнал* (ад. орф. *богдаги бодом*, *оёққа этик*, *қўлда рўмол*) ва бошқалар. Қиёс қилинг: адабий тилда: *кўзларда қулгу*, *қалбларда олов* каби.

в) қиёслаш каби маъноларни ифодалаш мақсадида биринчи компонент чиқиш келишиги аффиксини олади: *йахшидан йамаллиқ*, *даштан қатти*, *дәмирдән дўн*, *даштан дейвал* (ад. орф. *яхшидан ёмонлик*, *тошдан қаттиқ темирдан тўн*, *тошдан девор*) каби.

Айрим диалектал сўз бирикмалари материал жиҳатидан қуйидагича:

1. а) от + от типиди: *даш қазан* (ад. тилда *тош қозон*), *қамиш қашиқ* (ад. тилда: *ёғоч қошиқ*, қиёс қилайлик: *озарбайжон тилида: хўрак қашиқи*), *пахса девал* (ад. орф. *пахса девор*), *аш кәди* (ад. тилда: *ош қовоқ*) каби.

От+от типидаги айрим бирикмалар бир сўз ҳолига келиб қолган; булар бошқа бир сўзга аниқловчи бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин: *ичан* (*ич+ён*) *қала* (ад. орф. *ичкари қалъа*), *дешан* (*теш+ён*) *уй* (ад. орф. *ташқари уй*), *сарйағ палав* (ад. орф. *сарик майдан пиширилган палов*) каби.

Маълумки, сўз бирикмаларининг компонентлари айрим маънога эга бўлган сўзлардир. Сўз бирикмасининг компонентлари ҳаммаси бир бўлиб маълум тугалланган фикр англатади.

б) сифат+от типидаги бирикмаларнинг биринчи компоненти:

2. а) соф сифатлардан бўлади: *таза эдик* (ад. орф. *янги этик*), *дўғри йўл* (ад. орф. *тўғри йўл*).

б) ясама сифатлардан бўлади: *алача* (ала+ча) *дўн* (ад. орф. *ола товардан қилинган тўн*), *семизэк* (семиз+эк) *бала* (ад. тилда: *семизгина бола*).

Диалектда қўлланувчи *йарим* (ярим) ва *йарти* (яримта) сўзлари от билан қўшилишида маъно фарқлайди. Биринчи сўз русча *отдых* сўзи билан қўшилиб сифатга яқин бир формада ишлатилади (*йарим оддиқ гуни*), иккинчи сўз эса фақат *нон* сўзи билан қўшилиб (*йарти нан*, ад. орф. *яримта нон*) отлашиб кетган. Шунинг учун биринчи бирикма ажралиб айтилиши мумкин. Лекин иккинчи бирикма ажралмайди: *йарти ўддиқ* эмас, *йарим ўддиқ* (русча *подвыходной*).

Баъзан *йарим-йарти иш* (ад. орф. *чала қолган иш*) каби бирикмаларда жуфт сифатларга яқинлашади.

Бирикманинг биринчи компоненти ўзининг тузилиши жиҳатидан адабий тилдан ва бошқа шевалардан қуйндагича фарқланади.

а) аффикс бошқа шевалар билан синонимик хусусиятга эга бўлади: *сузэк сигир* (Тошкент шевасида *сузэгон сигир*), *чапақ от* (Тошкент шевасида: *чопонгич от*), *палавчил адам* (ад. орф. *паловхўр одам*), *туглес бала* (ад. орф. *сертук бола*).

б) аффикс бутун бир бирикманинг функциясини бажаради: *елкэдэс* (елка+дэс) *йигит* (ад. тилда: *кенг елкали йигит*).

в) жуфт сўз аффикснинг функциясини бажаради: *тасир-тусир адам* (адабий тилда: *тартибсиз одам*), *гэлмэли* — *гетмэли ақил* (ад. тилда: *ақлсиз одам*).

е) сон+от типиди: *биллэнджи эдик* (ад. тилда: *энг яхши этик*).

Айрим сонлар от билан бирга бир сўз ҳолига келиб қолган: *бешта* (беш даҳа), *дўртэ* (тўрт даҳа) — қишлоқ номи. Формал белгилари бўлмаган бу типдаги бирикмалар тилнинг энг қадимги кўринишларидир (қаранг: С. С. Сайзель, Изафет в турецком языке, М.—Л., 1957).

Хоразм шеваларида бу тип бирикмалар кенг тарқалган: *йашулли* (Жанубий Хоразм шеваларида), *йашулкан* (Тўрткўл шевасида).

Бу бирикмаларнинг биринчиси «ёши — улуг», иккинчиси «ёши — улкан» формасида пайдо бўлган. Бунинг *йашкатта* синоними ҳам қўлланади. Булар кўпинча бир лексик маънога эга бўладилар.

Ю. Жуманазаров

СИФАТДОШ КЕСИМЛАРДА ИНКОРНИНГ ИФОДАЛАНИШИГА ДОИР

Сифатдошларнинг тусланиши формал томондан от (кенг маънода)ларнинг тусланишига ўхшайди, лекин ички томондан феъл туркумининг ўзига хос бўлган ҳаракат, ҳолат маъноси, замон, бўлишсизликнинг ифодаланиши каби феъллик хусусиятларини ҳам сақлаб қолади.

Бўлишсизлик — инкор аспекти сифатдош кесимларда асосан икки хил ифодаланиши мумкин: 1. Синтетик йўл билан: бўлишсизлик аффикси -*ма* орқали. 2. Аналитик йўл билан: инкор билдирувчи *йўқ*, *эмас* сўзлари орқали.

Биз сифатдош кесимларнинг *йўқ*, *эмас* инкор сўзлари билан бўлишсизликни ифодалаш истада тўхталмоқчимиз.

Сифатдош кесим от кесимлар каби *йўқ* ва *эмас* инкор сўзлари билан бирикиб инкор формасини (аналитик формани) ҳосил қилади. Инкорнинг бундай ифодаланиши кўп ҳолларда *-ган* ли форма билан боғлиқ. Сифатдошнинг *-моқчи* ли формасида (шартли) инкор маъноси *эмас* билан, *-гу* ли формасида *йўқ* билан бирикиш орқали берилади.

Сифатдошнинг *-ган* ли формаси *йўқ* инкори билан бирикканда, тусланиш кўрсаткичлари сифатида эгалик аффиксларини олади; *йўқ* ўзгармас бўлади: *-ган+им йўқ*; *-ган+инг йўқ*; *-ган+-и йўқ*; *-ган+имиз йўқ*; *-ган+ингиз йўқ*; *-ган+-лари йўқ*.

-ган ли форма *эмас* инкори билан бирикканда, *эмас* от кесимлар каби тусланади ва *-ган* ли форма ўзгармас бўлади: *-ган эмасман*; *-ган эмассан*; *-ган эмас*; *-ган эмасмиз*; *-ган эмаслар*.

Нутқ процессида *-ган* ли форма *йўқ* инкори билан қўлланадиган ҳолларда баъзан *-ган* ли форма ўзгармас бўлади ва *йўқ* от кесимлар каби тусланади: *-ган йўқман*, *-ган йўқсан*, *-ган йўқ*; *-ган йўқмиз*, *-ган йўқсиз*, *-ган йўқлар*.

Бундай қўшилма аввал фикр юритилган иш-ҳаракатнинг инкори маъносини билдиради ва бу инкорнинг таъкиди маъносини ҳам беради.

Сифатдошнинг (шартли) *-моқчи* ли формаси инкорни *эмас* сўзи билан қўшилиб ҳосил қилади. Тусланишда *-моқчи* ли форма ўзгармас ва *эмас* тусланувчи қисм бўлади: *-моқчи эмасман*; *-моқчи эмассан*; *-моқчи эмас*; *-моқчи эмасмиз*; *-моқчи эмассиз*; *-моқчи эмаслар*. Бу *-моқчи+эмас* (шахс-сон кўрсаткичи) типидagi кесим мўлжал қилинган иш-ҳаракатнинг инкори маъносини билдиради.

Диакроник планда сифатдош деб баҳоланувчи *-гу* ли форма ҳам *йўқ* инкор сўзи билан гапда кесим вазифасида қўлланиб, истак, истак сифатида берилган иш-ҳаракатнинг инкори маъносини англатади.

Бундай қўшилманинг тусланишида *-гу* ли форма эгалик аффиксларини олади, *йўқ* ўзгармайди: *-гу > -ги+-м йўқ*; *-гу > -ги+-нг йўқ*; *-гу > -ги+-си йўқ*; *-гу > -ги+-миз йўқ*; *-гу > -ги+-лари йўқ*. Мисоллар:

То абад ҳаргиз унут булғуси йўқ,
Бу жамолу ҳусниким ёдимдадур (Лутфий) —

— унут бўлмайди. *Ҳеч иш бирла тасалли топқуси йўқ* (Лутфий) — тасалли топмайди.

Сифатдош кесимларда кўпинча шахс кўрсаткичлари сифатида эгалик аффикслари қўлланади. Кесимлар составида эгалик аффиксларининг қўлланишини грамматик муносабат турининг ўзгариши билан изоҳлаш мумкин. Аввал бу формалар — эгалик аффиксини олган формалар эга вазифасида келган, *йўқ* инкори эса (*-ган+эгалик кўрсаткичи+йўқ* типида) кесим вазифасида келган бўлиб, ўзаро эга-кесим муносабатида бўлган деб тил тараққиёти билан изоҳлаш мумкин². *-ган* ли форманинг тарихий тараққиётига ижобий ёндошган ҳолда қуйидагиларга тўхталамиз: Аслида эгалик кўрсаткичлари биринчи ва иккинчи шахсда (...*-ган+им йўқ*; ...*-ган+инг йўқ*); баъзан турловчи, баъзан турловчи деб баҳоланади. Бу ҳолатни шундай фарқлаш мумкин.

1) агар эгалик олган сўзнинг қаратқичи бўлса (агар у формал ифодаланган бўлса), демак, бу (эгалик аффикси) — турловчи. Масалан: *Менинг ўқиганим йўқ* (жонли нутқдан). *Ишининг кўзини бунақа биладигани йўқ*... (М. Исмоилий) — ...*Ажойиб бир машоққ бор* — „*Тановар*“ ни ундан зўр чаладигани йўқ (С. Аҳмад) ва шу «турланган» (эгалик аффиксини олган) сўз эга вазифасида келган³. Биз бу ўринда шу ҳоди-

¹ Сифатдошнинг бундай ифодаланган инкори ҳақида илк яратилган адабиётларда ҳам эслатиб ўтилган. Қаранг: проф. Е. Д. Поливанов, Краткая грамматика узбекского языка, ч. II, Ташкент—Москва, 1926, стр. 41.

² А. Ф. Ғуломов бу каби ҳолатларни синтактик қайта бўлиниш ҳодисаси билан изоҳлайди. Қаранг: А. Ф. Ғуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги ўзбек адабий тили, Синтаксис, 2-нашри, «Ўқитувчи», Тошкент, 1965, 88—90-бетлар.

³ А. Н. Баскаков, Рец. на книгу С. Н. Иванова «Очерки по синтаксису узбекского языка», «Вопросы языкознания», 1960, 4, стр. 150. Бундай қўлланиш бошқа туркий тилларда ҳам учрайди. Қ.: М. Б. Балакаев, Современный казахский язык, Синтаксис, Алма-Ата, 1959, стр. 126—127.

санинг контекста субстантивлашиш билан боғлинишни кўрамиз. С. Н. Иванов бу ҳақда фикр юритиб, *-ган йўқ* типидаги қўшилмани чоғиштириб текширади. *У -гани бор* типидаги иш-ҳаракатнинг субъекти бош келишида келмайди, деган хулосани баён қилади⁴. Унинг бу асаридида қуйидаги миеоллар анализ қилинган: *Ҳайдар қўрбоши деб эшитганингиз борми?* (А. Қаҳҳор) — *Слышали вы что-либо* (досл.: есть у вас что-либо услышанное) *о бандите Хайдаре? Қизимиз хоҳламади, ўзининг хоҳлагани бор...* (А. Қаҳҳор) — *Наша дочь не хочет, у неё есть своё желание...*» Бу икки қўшилма (*-ган йўқ* ва *-гани бор*), ўз харақатига кўра, бир-биридан грамматик жиҳатдан фарқланади: Эшитганингиз борми? қўшилмаси бугунги тилда «эшитганмисиз?»га теги: бунда *бор* сўзи асл (есть) маъносидида қўлланмаган. Шунга кўра, бунда *эшитганингиз + бор*, «эга-кесим» типидаги боғлиниш сақланмаган, энди булар бирикиб кетган. *Хоҳлагани бор* қўшилмасида эса эга-кесим ҳолатини кўрамиз (бунда юқоридаги процесс йўқолмаган): бундай ўринларда эга (сифатдош) отлашган. Худди шунингдек, *ҳали уч-тўрт йил ўқишим бор* (Ф. Фулом) каби гапларда ҳаракат номиди билан *бор* сўзи бирикиб кетмайди, демак, улар битта форма ҳам ташкил этмайди. Улардан биринчиси эга, иккинчиси кесим вазифасини бажаради⁵. Бу қўшилмада бизнингча, субъектни — бажарувчини ифодаловчи сифатдошнинг қайси келишиқ формасида туриши шундай аниқланиши лозим: а) агар *-гани бор* (ёки *йўқ*) бир бутун кесим деб баҳоланар экан, иш-ҳаракатнинг субъектини билдирувчи сифатдош бош келишиқда қўлланиши мумкин (*Сен эшитганингиз борми? — Сен эшитганмисан?*); б) агар, юқорида кўриб ўтганимиздек, *-ган бор* (ёки *йўқ*) предикатив бирикма деб баҳоланар экан, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси қаратқич келишиқида бўлади. Юқоридаги биринчи мисолнинг кесими *-гани бор* типидан иборат бўлиб, у бош келишиқдаги эга билан бирика олади: *Ҳайдар қўрбоши деб эшитганингиз борми?* (А. Қаҳҳор) — *Слышали вы что-либо о бандите Хайдаре? — Сиз Ҳайдар қўрбоши деб эшитганингиз борми?* Иккинчи мисолда *-гани бор* қўшилмаси предикатив бирикма сифатида қўлланган: — *Қизимиз хоҳламади, ўзининг хоҳлагани бор...* (А. Қаҳҳор) — *Наша дочь не хочет, у неё есть своё желание...* Бунда, предикатив бирикма кесим сифатида баҳоланган (*хоҳлагани бор* — эга-кесим муносабатида). Бундаги *бор* элементи мустақил кесим бўлгани учун ҳам *хоҳлаганидаги* эгалиқ ўз қаратқичи билан қўлланган (*хоҳлаган кишиси* бирикмаси ўрнида қўлланган). Гапнинг таржимаси ҳам, шунга мувофиқ қуйидагича бўлгани маъқулроқ; *Наша дочь не хочет (не захотела); у неё свой желанный (человек)...*

2. Агар эгалиқнинг қаратқичи йўқ бўлса (уни қўйиш мумкин бўлмаса ёки уни қўйиш мазмунга таъсир қилса), демак, у кўрсаткич тусловчи ҳисобланади ва бу кўрсаткични олган сўз гапда кесим вазифасида келади⁶. *Мен кўрганим йўқ// — Мен кўрмадим. — Мен ўқиганим йўқ. — Мен ўқимадим. Мен ўқиганим йўқ. — Мен ўқиган* (нарса) *йўқ*. Чоғиштиринг: *Зухра. Мактабда ачинмаган одам йўқ* (А. Қаҳҳор) — *Мактабда ачинмаган йўқ*.

Лекин учинчи шахсга бошқачароқ ёндошиш лозим бўлади, бу шахсдаги сифатдош *йўқ* қўшилмасидаги эгалиқни турловчи ёки туслов-

⁴ С. Н. Иванов, Очерки по синтаксису узбекского языка, Л., 1959, стр. 35.

⁵ С. Усмонов, Узбек тилида сўзларнинг грамматик формалари, «Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти, Илмий асарлар», 42-том, 2-китоб, Тилшунослик масалалари, Тошкент, 1964, 217-бет.

⁶ Бу ҳақда қаранг: А. Ф. Фуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги ўзбек адабий тили, синтаксис, 2-нашри, «Ўқитувчи», Тошкент, 1965, 105-бет.

чи деб фарқлашда — сифатдошнинг кесим составига кириши ёки эга эканлигини белгилашда контекст ва интонация катта аҳамиятга эга: булар шу воситалар ёрдамидагина аниқлик топади. Масалан: *Хунар ўргангани йўқ* — ўрганмади. *Хунар ўрганган(и) йўқ*. Яна: *Бурчин бекам адо этган* — *йўқ*. *Қарзим узар икки фарзандим* (Зулфия). Бу гапнинг иккинчи компоненти ташлаб, биринчисининг ўзини анализи қилайлик. 1. Бурчин бекам адо этган — *йўқ*. 2. Бурчин бекам адо этган *йўқ*. Бу гаплар орасида мазмун жиҳатдан ҳам фарқ бор (бу ўринда қўш инкорнинг қўлланиши ҳам маълум ролни ўйнайди): 1. Бурчини камчиликсиз адо этган (киши) умуман *йўқ*. 2. III шахс (у) ўз бурчини бекам адо этган *йўқ*. Шунинг учун ҳам интонация ва контекст бундай гапларни фарқлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Гапнинг кесими *-ган + эмас* каби қўшилмалардан иборат бўлганда, кўпинча, инкорнинг объекти эга ҳисобланади⁷: — *Бечоралар, чегара сўзининг ер китсбидан йчириб ташланишига узоқ вақт қолган эмас* (Ғ. Ғўлом) — қолмаган. Баъзан бу ҳолатнинг бошқача кўринишига дуч келамиз: кесим *-ган эмас* ли аналитик формадан иборат бўлганда, инкорни кўрсатаётган бўлакнинг қайси эканлигини фарқлаш қийин бўлади: — *Орамизда ҳеч қачон муҳаббатга доир бир нарса бўлган эмас* (А. Қаҳҳор) — бўлмаган. — *Йўқ, Арслонбек ака, сиз бунга атайин қилган эмассиз* (А. Қаҳҳор). Бу каби ҳолларда интонация инкорнинг қайси бўлакка тегишли эканлигининг «кўрсаткичи» ҳисобланади: 1. *Сиз атайин қилган эмассиз* — онгли равишда бажармагансиз. Яна чоғиштиринг: 1. *Мен борган эмасман*. — бормаганман. 2. *Мен борган (одам) эмасман*. (Инкор объектини биринчи гапда эга, иккинчи гапда кесим кўрсатган). *Келса келаверсин, мен Назаровга ҳеч қачон ютқизган эмасман* (А. Қаҳҳор). (Инкор объектини тўлдирувчи кўрсатган).

Юқоридагилардан англашиладики, ўзбек тилида инкор объектини аниқлашда логик урғунинг роли жуда катта. (Сўз тартиби ҳам шу билан алоқадор, бу ҳақда айрим гапирамиз.)

Гапда *-ган + эмас* типидagi қўшилма одатда кесим вазифасида келади. А. Н. Баскаков бу каби қўшилмаларда *-ган* ли формадаги сўз — эга, *эмас* — кесим деб ҳисоблайди⁸: *-ган эмас* эга ва кесим муносабатидан иборат бўлади. Кўпинча, *эмас* бир хил конструкцияларда айрим кесим функциясида келгандек кўринганда, сифатдош эга билан қўлланганда, грамматик субъектни дифференциация қилиш учун қўлланади. Бундай ўринда *-ган* формасидаги сўз контекстда отлашган бўлади: — *Сув келтирган (одам) эмас, кўза сингдирган одам азиз. Магазинга янги китоблар келибди. Эшитган (одам) эмас, кўрган (одам) айтяпти, — Фақат ўқиган (одам) эмас, уққан (одам) ҳам доно.* (Фольклор). Чоғиштиринг: *Салим эмас, Ҳаким келди.*

Кесим *-гани йўқ* ли қўшилмадан иборат бўлган гапларда инкор маъноси билан эга, тўлдирувчи, баъзан кесимнинг ўзи боғланган бўлиши мумкин: а) гапда эга инфодаланган бўлса, кўпинча, у инкор объекти ҳисобланади: — *Мен еганим йўқ* (П. Қодиров). *Улай агар, кўнглимга ёмон ният келгани йўқ!* (С. Аҳмад); б) гапда эгани қўллаш-қўлламаслик аҳамиятсиз бўлса; у қўлланмай, инкор объекти ё иккинчи даражали бўлак, ё кесимнинг ўзи бўлади: *Ҳафа бўлманг, Қодиржон, сизни айблаётганим йўқ* (Шуҳрат). *Етоққа қараб кетяпман. Юраётганим йўқ. Судралаяпман* (С. Аҳмад). Биринчи гапда инкор маъноси билан тўлди-

⁷ А. Н. Кононов. Грамматика узбекского языка, Ташкент, 1949, стр. 173.

⁸ Н. А. Баскаков, Уша тақриз, 149—150-бетлар.

рувчи, иккинчи гапда кесимнинг ўзи боғланган: кесимдан англашилган ҳаракат инкор этиляпти. Юқоридаги каби конструкция дифференциация қилиш, аниқлаш, албатта, интонациянинг ёрдамисиз бўлмайди. Бундай ҳолларда интонация фикрнинг, инкор йўналишини ўзгартира олиш кучига эга.

Кесим *-гани йўқ* қўшилмасидан иборат бўлган гапларда ҳам инкор билдирувчи *ҳеч, асло, озмунча, сира, зинҳор* (кейингилари кам қўлланади) каби сўзлар, *на...на* инкор юктамаси қўлланиши мумкин. Булар инкор маъносини кучайтирувчи ёрдамчи воситаларгина бўлиб хизмат қилади.

Кесими инкор формасидаги сифатдош билан ифодаланган риторик сўроқ гапларда бу сифатдош, табиий, тасдиқ маъносини ифодалайди, аксинча, тасдиқ формада бўлса инкор маъносини беради: *У (Қаландаров) шовқин солиб юборди: — Масаласини қўйиб ўтирибмиз-ку, қани кўникканизимиз! Қани пайқаганимиз!* (А. Қаҳҳор). Биринчи кесим инкор маъносини (кўникмадик), иккинчи кесим тасдиқ маъносини (пайқадик) беради.

Биз кўриб ўтилган инкорларни қатъий инкор деб баҳолаймиз. Сифатдошнинг инкор формасини анализ қилишда *-ган + эгалик афф. + ча йўқ* типидagi қўшилма характерлидир. Бу қўшилмадан англашилган инкор маъноси ҳаракатни инкор қилиш билан бирга ҳаракатнинг моментини инкор қилади, унинг бошланмаганлигини, баъзан эса бошланган иш-ҳаракатнинг тамомланмаганлигини кўрсатади⁹. — *Махоркани ўраганимча йўқ, сув сўраб қолди* (Шухрат) — ўраб бўлганим йўқ. Бундай кесимларда инкор маъноси маълум замон тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Замон тушунчасини кўпинча ҳали сўзи ойдинлаштиради: *... Ҳали олганимча йўқ, дарров қўяманми?* (Ғ. Ғулум) — умуман олганим йўқ. — *Ундан кейин Воҳидов отпусадан кечагина қайтди, ҳали бу ишлар билан танишганича йўқ* (С. Зуннуова) — танишмади. *Илмимиз иқлимлар тизгинин ҳали доно қўлларига ололганча йўқ* (Ғ. Ғулум) — ололмади.

Кесим бўлиб келган сифатдошнинг инкор формаси шундай кўринишларга эга: *-ма + -ган; -ган эмас; -ган + эгалик афф. йўқ; моқчи эмас*. Булар қўлланишига кўра фарқланади: *-маган* кўпинча тасвир характерлидаги дарақ гапларда; *-ган + эгалик афф. йўқ* типидagi қўшилма конкрет иш-ҳаракатнинг (қатъий) инкори учун; *-ган эмас; -моқчи эмас* эса эга ва иккинчи даражали бўлақларнинг инкор этилган белгиси маъносига қўлланади. Инкорнинг ифодаланиши устидa турли-туман фикрлар бор: феъл форманинг такрори, юктамаларнинг феъл формасига қўшилиши кабилар.

М. Шоҳназарова

ЎЗБЕКЧА ФИЗИКА ТЕРМИНЛАРИНИ ЯСАШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳозирги замон физикаси ёш ва тез ривожланаётган фан ўларoқ ўзбек тилида тарихан ишланган, тамомила тайёр тушунча ва терминларга эга бўлиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам ўзбекча физика терминологиясини яратишнинг табиий манбалари вазифасини ўзбек тилининг термин ясаш ресурслари, рус ҳамда бошқа тилларнинг мав-

⁹ С. Н. Иванов, *Ўзбек тили перфектининг инкор формаси, «Ўзбек тили ва адабиёти» 1967, 37-бет.*

жуд терминлари ўтайдди. Бу ҳол ўзбек тилига ва бошқа миллий тилларга русча-интернационал физик терминларнинг оммавий тарзда кириб келишини таъминлади.

Фан ва унинг терминологиясининг тараққиёти тил грамматикасини узлуксиз такомиллаштиришни тақозо қилади. Фанда тушунчаларнинг дифференциацияланиши билан терминланувчи сўзгагина эмас, балки унинг ёзилишига ҳам талаб муқаррар тарзда орта боради. Илмий-техникавий терминларнинг характери шундайки, ҳар бир тушунчага ягона шаклда ёзилган термин мос келиши шарт.

Ўзбек тили орфографияси ва қўшма сўзлар нормаларида жиддий камчиликлар борлиги аёндыр. Бу, хусусан, бир қатор терминларнинг ёзилишида, сифатлар, бир сўзли кўп ўзақли терминлар яшашда катта қийинчиликларга олиб келмоқда. Ушбу мақолада шундай муаммолардан баъзи бирларини бартараф қилиш йўллари кўрсатилади.

1. Русча сифатларни ўзбек тилига трансформациялаш.

Русча сифатларни ўзбек тилида беришда энг муҳим пайт муайян физик маънога аниқ мос келувчи ўзбекча сифат ясовчи элементни танлаб олишдадир. Ўзбек тили шундай қўшимчаларнинг каттагина тўпламига эга бўлса-да, баъзи ҳолларда қийинчиликлар келиб чиқади. Масалан, *-ный* элементига эга бўлган *ядерный* (*-ая, -ое*) рус сўзини шу *ядерный* билан биргаликда келувчи сўзга қараб, ўзбек тилида турлича қўшимчалар билан беришга тўғри келади. *Ядерное строение атомани* физикавий маъносига кўра, фақат *атомнинг ядровий тузилиши* сифатида бериш мумкин. Ваҳолонки, *ядерный заряд* атома терминини физикавий маънога халал етказмаган ҳолда *атомнинг ядровий заряди, атом ядросининг заряди, атомнинг ядро заряди* кўринишларида бериш мумкин.

Слоистое течение, полосатый спектр, зернистое строение каби терминларни ўзбек тилида бериш анчагина қийинчилик билан боғлиқ. Амалда ҳозирги вақтгача сифат таркибидаги ўзак сўзни икки марта такрорлаш билан боғлиқ вариант энг кўп учрайди (*қатлам-қатлам сқиш, полоса — полоса* (йўл-йўл) *спектр, дона-дона тузилиш*). Бунга ўзбек тилида тегишли маънони берувчи тўлақонли сифат ясовчи элементнинг йўқлиги мажбур этади.

Бизнингча, агар *-дор* элементига одатда бериладиган маънони бироз кенгайтирсак, у юқоридаги маънодаги ўзбекча сифатларни яшашга хизмат қилиши мумкин. У ҳолда юқоридаги рус сифатларининг эквивалентлари қуйидагича бўлади: *слоистый — қатламдор, полосатый — полосадор, зернистый — донадор*.

Бир қатор ўзбек сифатлар *-ий, -вий* элементлари ёрдамида ясалishi мумкин: *полярный день — қутбий кун, периодический закон — даврий қонун, количественный анализ — миқдорий анализ, шунингдек, пространственный — фазовий, точесный — нуқтавий, частотный — частотавий*.

Аниқловчи ва аниқланмиш сўзлардан ташкил топган кўпсонли русча физик терминлар мавжудки, уларнинг ягона формал грамматик тузилишигагина қараб ўзбек тилига таржима қилиш қўпол хатоларга олиб келган бўлурди. Мисолларга мурожаат қилайлик: 1) *ртутный насос*; 2) *ионный насос*; 3) *вакуумный насос*; 4) *воздушный насос*.

Бу тўртта терминда грамматик шаклларнинг мукамал симметрияси кўзга ташланади: аниқланмиш сўз — *насос*, аниқловчилар ягона *-ный* суффикс ёрдамида отлар (*ртуть, ион, вакуум, воздух*) дан ясалган. Афтидан, ўзбекча эквивалентларнинг ҳам юқоридагидек симметриясини кутиш мумкин эди. Ваҳолонки, аҳвол тамомила ўзгачадир.

Биринчи (1) ҳолда *ртутный* сўзи симоб қўлланилувчи маъносидан ишлатилиб, рус терминига маъно жиҳатдан *симоб насос* адекват ва *симобли насос* жуда яқиндир.

Иккинчи (2) ҳолда «насос» ишлаш характери жиҳатидан аталган. Шунинг учун ўзбекча эквивалент ягона вариантда, яъни *ион насос кўри-нишида бўлиши лозим*. Бунда *ионли насос* ва *ион насоси (насос иона)* вариантлари физикавий жиҳатдан мутлақо асоссиздир.

Учинчи (3) ҳолда *вакуумный* сўзи насоснинг вазифасини кўрсатади. Демак, энг тўғри ўзбекча эквивалент *вакуум насос*дир. Бунда *вакуумли насос* мутлақо бемаъни ва *вакуум насоси* эса кўп маънолигидан номақбулдир.

Тўртинчи (4) ҳолдаги *воздушный насос* ибораси «насос для откачки воздуха» терминининг қисқа шаклидир. Трансформация қуйидаги тарзда содир бўлган: *насос для воздуха — насос воздуха — воздушный насос*. Демак, энг тўғри ўзбекча эквивалент *ҳавв насоси* бўлади.

Кўрилганлардан хулоса шуки, русча сифатларнинг ўзбекча эквивалентларини танлашда физик маъно ҳал қилувчи ролни ўйнаши лозим. Ҳар сафар асосий сўз қандай белги бўйича аниқланаётганини белгилаш керак.

2. Иккита отдан ташкил бўлган ўзбекча физика терминлари.

Ўзбек физика терминологиясида ўзаро формал грамматик боғланишга эса бўлмаган иккита отдан ташкил топган икки сўзли мураккаб терминлар кўпчиликини ташкил қилади: *куч чизиқ, сим анод, электрон анализ, капилляр анализ, магнит майдон* ва бошқалар. Аниқловчи вазифасини ўтовчи отлардан бири ўзининг функцияси жиҳатдан суффиксиз сифатдир (масалан, *электрон осциллограф* терминиде *электрон* сўзи). Сўзларнинг бундай боғланиши ўзбек тилида кенг тарқалган (қиёс қилинг: *чарм қўлқоп, олча мураббо, атлас кўйлак*).

Баъзи бир авторлар, таржимонлар, афтидан, иккита отнинг суффиксиз боғланишини ўзбек тили грамматикаси нормаларини бузиш деб ҳисоблайдилар ва сунъий тарзда боғланиш ҳосил қиладилар. Масалан, *магнитное поле* ва *электромагнитное поле* терминларини *магнит майдони (поле магнита)* ва *электромагнит майдони (поле электромагнита)* кўринишида таржима қиладилар.

Икки сўзли мураккаб рус терминининг юқоридаги шакли (аниқловчи — аниқланмиш) ҳамавақт ҳам формал грамматик боғланишсиз иккита отдан иборат ўзбекча эквивалентни тақозо қилавермайди. Масалан, физик маъно жиҳатдан *атомный спектр* термини *спектр атома* терминига деярли адекватдир. *Звуковой приёмник*да ҳам аҳвол шундай-дир (*приёмник звука*). Бундай терминларнинг умумий хусусияти шундаки, уларда «бутун» (*атом, звук*)нинг белгиси «бўлак» (*спектр, приёмник*) ка узатилади. Демак, уларни ўзбекчага таржима қилишда ҳам бу хусусият назарга олиниши лозим. Бу терминларнинг ўзбекча эквивалентлари қуйидаги кўринишда бўлади: *атом спектри* ва *товуш приёмниги*. Келтирилган мисоллар яна бир қайта физик терминларнинг ўзбекча эквивалентларини танлашга ижодий ёндошиш зарурлигини кўрсатади.

Р. Маллич, Э. Назиров

КЛАССИК АДАБИЁТ ПОЭТИКАСИДАН МАЪЛУМОТЛАР

Е. ИСҲОҚОВ

ТАШБЕҲ

Ташбеҳ (تَشْبِيه ўшатиш) маънавий санъатлар ичида энг активларидан бири бўлиб, унинг моҳияти сўзларда ифодаланган икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса ёки хусусиятни улар ўртасида мавжуд бўлган бирор ўхшашлик, умумийлик (сифат, белги ёки функция) нуқтаи назаридан қиёслашдан иборатдир. Ўшатишдан мақсад эса тасвир объекти бўлган предмет ёки ҳодисанинг ёхуд уларнинг бирор хусусиятини ёрқинроқ тасвирлаш ва чуқурроқ очиб беришдир.

Ташбеҳ санъаткорга ўз таассуротларини, фикр ва кечинмаларини образли равишда ёрқин баён қилиш учун чексиз имкониятлар беради. Бинобарин, ёзувчининг ҳаётга — кишилар ва воқеаларга муносабати, улар орасидаги алоқа ва нозик боғланишларни сезиб олиш қуввати, унинг ўзига хос мушоҳада усули ва ижодий оригиналлиги унинг ташбеҳларида ҳам яққол кўринади.

Бадний тафаккурнинг дастлабки элементларидан бири бўлмиш ўшатиш санъатининг илдизлари жуда узоқларга бориб тақалади. Масалан, бизгача етиб келган қадимги халқ оғзаки ижодиёти намуналарида турли шаклда ишлатилган кўплаб ўшатишларни учратиш мумкин¹.

Езма адабиётнинг ривожланиш йўли поэтик воситалар (жумладан ташбеҳ)нинг ҳам тараққиёт тарихидир: асрлар давомида юзага келган ташбеҳнинг хилма-хил кўринишлари бадний тафаккурнинг ажойиб кашфиёти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарихий поэтикага доир асарларда ташбеҳнинг таҳлили муҳим ўрин тутаяди.

Араб ва форс шеърини асосида яратилган илми бадеъга доир асарларда ташбеҳга катта аҳамият берилган, унинг таркиби, кўринишлари ва аҳамияти анча батафсил изоҳланган. Ташбеҳ ўзбек шеърини материаллари асосида кам ўрганилган. Шунинг учун ҳам ҳозирча бу борада айрим умумий мулоҳазаларнигина баён қилиш мумкин.

Ташбеҳ тўрт қисмдан таркиб топади: 1) мушаббаҳ (ўшатилган нарса); 2) мушаббаҳунбеҳ (ўшатиш нарсаси); 3) адоти ташбеҳ (ўшатиш воситалари); 4) ваҳҳи ташбеҳ (ўшатиш сабаби). Масалан: «Муҳаммад шижоатда арслондек эди» жумласида Муҳаммад — мушаббаҳ, арслон — мушаббаҳунбеҳ, дек — адоти ташбеҳ ва шижоат — ваҳҳи ташбеҳдир.

Классик шеърини асосида ташбеҳ кўпинча *-дек (-дай)* қўшимчаси ҳамда *каби, ўхшаш, сингар, худди, гўё, бамисоли, мисли, андоқки, чу,*

¹ «Девону луғатит турк»даги «Арсланлаю кўваралим, кучи ании кавулсун» (Арслондек наъра тортамин, унинг кучини қуритамин) каби шеърини парчаларини эслам.

янглиғ сўзлари воситасида яратилади (мазкур воситаларнинг бир қисми актив, баъзилари эса пассив ҳисобланади).

Масалан:

Лола каби ёқут қадаҳ, йўқ тубига дурд,
Бир шиша май андоҳки ақиқи яман эрди.

Биринчи мисрада *қадаҳ* — ўхшатиш, *лола* — ўхшалган, *киби* — ўхшатиш воситаси, *ёқут* (қизиллик) — ўхшатиш сабабидир. Кейинги мисрада эса ташбеҳнинг бошқа элементлари мавжуд бўлгани ҳолда ўхшатиш сабаби (тиниқлик, софлик) берилмаган (бироқ мазмунан англашилиб туради).

Ўхшатилаётган нарса ёки ҳодисаларнинг бир-бири билан қай даража мос тушишига қараб ташбеҳни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ташбеҳ ҳосил қилаётган ҳар икки нарса ё ҳодиса бир-бири билан ҳамма жиҳатдан ўхшатилса, бундай ўхшатиш *ташбеҳи том* (тўлиқ ўхшатиш) дейилади. Навоийнинг қуйидаги байтида хунрез жоҳил ташқи кўриниши билан ҳам, моҳияти (функцияси — қон тўкиш) билан ҳам қиличга ўхшатиш:

Қатл ишида гарчи қиличдек самар,
Айлаб они шоҳ мурассаъ камар.

Навоийнинг қуйидаги байтларида ҳам тўлиқ ўхшатиш мавжуд:

Занбурнинг эви киби кўнглум тешук-тешук,
Лаълинг хаёли ҳар тешук ичинда бол экан.

Қимки бузар сафҳани бу номадек,
Бўйини онинг узса бўлур хомадек.

2. Икки ҳодиса ёки нарса қиёс қилинганда, уларнинг айрим характерли белги ва хусусиятларигина назарда тутилса (лоланинг қизиллиги, ҳилолнинг эгрилиги, туннинг қоралиги в. б.), булар тўлиқ бўлмаган *ташбеҳ* ҳисобланади. Бундай ташбеҳлар одатда кўп учрайди.

Ташбеҳ тузилиши, ички ва ташқи хусусиятларига кўра, бир нечта кўринишга эга²:

1. *Ташбеҳи сарех* (очиқ ўхшатиш; «Ҳадонқус-сеҳр» ва «Жамъи мухтасарда — ташбеҳи мутлақ). Бир нарса иккинчи бир нарсага ташбеҳ воситалари ёрдамида тўғридан-тўғри ўхшатилади:

Ўз уза сиймин занухдонингда хатти мушкбўй
Ўтқа қўйғон олмадин гўёки чиққон дуд эрур.
(Навоий).

Чун лола кўксум доғ эрди қат-қат,
Ҳамдам тополмай айтурға ҳасрат.
Боғларда сенсиз, эй сарвқомат,
Қумридек этдим оҳу надомат.
(Муқимий).

Атлас кўйлак мавжи кўкраги узра
Сўвда анор қалқиб оққан *сингари*.
(Ойбек).

² Классик поэтикага доир асарлар орасида ташбеҳнинг хиллари масаласида ҳамда уларнинг номланиши борасида тафовут мавжуд. Масалан, «Таржимон-ул-балога»да ташбеҳнинг 5 та тури (шундан битта киноя), «Ал-мўъжамда» 7 та, «Дақоққуш-шеър» да 7 та, «Арўзи ҳумоюн...»да 9 та, «Жамъи мухтасар»да 7 та, «Мабоннул-иншо»да 5 та (биттаси истиора), «Роҳнамои адабиёти форсий»да 6 та тури кўрсатилган. Шунингдек, бир қатор илмий асарларда ташбеҳ турли аспектда классификация қилинади (мушаб-бах билан мушаббахунбеҳнинг ҳиссий ёки ақлий [мавҳум] бўлиши нуқтаи назаридан в. б.) қаралсин: :۱۳۳۴, کابل، بیان، گفتار روان در علم بیان، اصفهان، ۱۳۳۵

سید محمد ریاضدائی جواد، علم بدیع در زبان فارسی، اصفهان، ۱۳۳۵

№ 2. *Ташбеҳи машрут* (шартли ўхшатиш). Шоир бир нарса ёки ҳодисани бошқа бирига маълум шарт билан ўхшатади. Бу ўринда *са* қўшимчаси ҳамда агар (*гар, ар, агарда*) каби сўзлар иштирок этади:

Фалакнинг ойн юзунга мушобиҳ ўлғай *агар*
Оғзи Суҳову Зуҳалдин юзинда хол ўлғай
(Навойи).

Юзунгни меҳри ховар деб аташга иштиёқим бор,
Кўзу қошингни қуёшда бўлса гар нишонаси.
(Олим).

№ 3. *Ташбеҳи тафзил* (чекиниш йўли билан ўхшатиш; «Таржимон — ул-Балоға»да — ташбеҳ—ул—марчўъ): Шоир бир нарсани бошқа нарсага ўхшатиб келади ва сўнгра ўз ўхшатишидан қайтиб, ўхшатишдан нарсани (мушаббаҳни) ўхшалгандан (мушаббаҳунбеҳдан) устун қўяди (кейингисидан айб, нуқсон топади).

Оразингни ой десам, эрмас муважжаҳ, негаким
Ойнинг офатлиг кўзу рухсорай гулфони йўқ.
Фунчани оғзинг десам, найлай, анинг гуфтори йўқ,
Сарвни қаддинг десам, нетай, анинг рафтори йўқ.
(Ҳусайний).

№ 4. *Ташбеҳи акс* (тескари ўхшатиш). Шоир бир нарсани иккинчи нарсага ўхшатар экан, ҳосил бўлган ташбеҳ билан кифояланмай, энди кейингисини аввалгисига қиёс қилади. Натижада дастлабки мушаббаҳ мушаббаҳунбеҳ, мушаббаҳунбеҳ эса мушаббаҳ бўлиб қолади (сочни тунга, тунни сочга; гажакни ҳилолга, ҳилолни гажакка ва ҳоказо).

Сув кўзгусини боғ аро айларда шитоб,
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.
Дай қилди бу сиймобни андоқ кўзгу,
Ким кўзгу анинг қошида бўлғай сиймоб.
(Навойи).

5. *Ташбеҳи музмар* (яширинган ўхшатиш). Рашиди Ватвот бу ташбеҳни шундай таърифлайди: «Бу санъатнинг моҳияти шундан иборатки, шоир бир нарсани иккинчи нарсага ташбеҳ қилади. Аммо зоҳиран шундай иш тутадики, гўё унинг мақсади ўхшатиш эмас, балки бошқа нарса. Ҳақиқатда эса фикрининг замирида ўхшатиш ётади».

Ул қаду юз ҳажридин ўлсам, безаб гулбарг ила,
Туфроғимнинг боши узар сарв экиб, мийл аялагил.
(Ҳусайний).

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени,
Гулоб била ювгилу, гул баргидин кафан қилғил.
(Навойи).

Биринчи байтда шоирнинг мақсади маъшуқанинг бўйини сарвга, юзини гул баргига ўхшатиш бўлса, кейинги байтда маъшуқанинг юзи гул япроғига, ундаги тер гулобга ташбеҳ қилинган.

6. *Ташбеҳи тасвия* (баробар ўхшатиш; «Таржимон»да муздава қ дейилган). «Бу санъат шундан иборатки, шоир ўзидан бир белги ва тасвирлаётган нарсасидан бир белгини олиб, уларни бошқа бирор нарса билан қиёслайди» (Р. Ватвот):

Баски кўнгул оғзи хаёлидадур,
Фунчадек ўлмишдурур андом аро.
Тишинг шавқида ғалтонлик аро юз гўшада қолғай,
Агар инжу ўзин солса дури ашким қаторинда.
(Навойи).

Биринчи байтда шоирнинг кўнгли ва маъшуқанинг оғзи фунчага ўхшатиш, кейинги байтда шоирнинг кўз ёши ва маъшуқанинг тишлари инжуга ташбеҳ қилинган.

7. *Ташбеҳи мусалсал* (кетма-кет ўхшатиш; «Арузи ҳумоюн»да — ташбеҳи жамъ). Шоир бирор нарсани бўрттириб, ёрқин тасвирлаш мақсадида уни бирин-кетин бир нечта нарсага қиёс қилади. Бундай ҳолда мушаббаҳ битта, мушаббаҳунбеҳ бир нечта бўлади. Навоийнинг қуйидаги байтида қайиқда сайр қилиб юрган гўзал дастлаб ҳилол (янги ой) ичидаги юлдузга, сўнгра ҳилол билан қуёшнинг сувдаги аксига ўхшатилади:

Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайхун аро,
Ахтари Саъд ҳилол ичра кезар гардун аро.
Англамон Жайхунда ул ой кема бирла сайр этар,
Е ҳилолу Меҳр аксин эл кўрар Жайхун аро.

Мана бу байтларда эса маъшуқанинг май таъсирида қизарган юзи тасвирланган:

Ҳар гулки очибдур май ул орази дилжўда,
Гулларму экин суда, гул аксиму кўзгуда.
Кўзгуда юзинг акси, гар яхши назар қилсанг,
Ер ўйла биайниҳким, кун акси тушар суда.

(Навоий).

8. *Ташбеҳи киноят* (киноят йўли билан ўхшатиш). «Бу ташбеҳнинг моҳияти шундан иборатки, шоир ўхшатиш воситаларини ишлатмаган ҳолда, ўхшалган нарсанинг номини аташ йўли билан нимага ўхшатиш-ганлигига имо-ишора қилади» (Ватвот). Шунинг учун ҳам бу ёпиқ ташбеҳ ҳисобланади (очиқ ташбеҳда «юзинг гулдай чиройли» дейилса, бунда «гул юзинг каби қизил» дейилади).

Сен лабинг сўргон сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб,
Сен май ичгилким, манга хуни жигар бўлмиш насиб.

(Навоий).

9. *Ташбеҳи мўжад* (таъкид йўли билан ўхшатиш). Бунда ўхшатиш воситалари (ёрдамчи сўзлар, *-дек* қўшимчаси) ишлатилмайди, балки ўхшатиш ва ўхшалган нарса ҳукму маҳкум (эга+от кесим) тарзида келади. Шунинг учун бу ўхшатиш ҳам ёпиқ ташбеҳ ҳисобланади.

Жамолинг — равзаи боғи жинондур.

(Отойи)

Хат — бинафша, зулф — сунбул, жисм — насри, чеҳра — гул,
Не раёҳин бирла топмиш зеб ҳуснинг гулшани?

(Ҳусайний).

Хати — бинафша, хади — лола, зулфи райҳондур,
Баҳори ҳусида юзи — ажаб гулистондур.

(Бобир).

Атоқли ўзбек шоирлари ижодида ташбеҳнинг бошқа ажойиб намуналари ҳам мавжудки, улар ўзларининг айрим белгилари билан ташбеҳнинг у ёки бу турига ўхшаб кетса-да, ўзига хос қатор сифатларга эгадир. Биобарин, ана шундай фактларни чуқур ўрганиб умумлаштириш муҳим вазифалардан биридир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ташбеҳ кўпинча бошқа санъатлар билан аралаш ҳолда келади. Бир қатор шеърини санъатлар эса бевосита ташбеҳ замида вужудга келади.

Хуллас, ташбеҳ бадиий тасвирнинг муҳим элементларидан бири бўлиб, катта шоирлар ундан фақат сўз ўйини сифатида эмас, балки ўз ғояларини ёрқин ифодалаш учун фойдаланадилар. Умуман, ташбеҳ фақат муайян асарнинг мундарижаси билангина эмас, айни замонда ижодкорнинг дунёқараши, индивидуал услуби ва у мансуб бўлган адабий оқим билан ҳам алоқадор ҳодисадир.

ОЛИМЛАР

МАШХУР ТУРКШУНОС

Яқинда Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Қирғизистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Урол-Олтой Халқаро жамиятининг фахрий аъзоси, СССР Давлат мукофотининг лауреати, филология фанлари доктори, профессор Константин Кузьмич Юдахиннинг туғилганига 80 йил, илмий-педагогик фаолиятига 60 йил тўлди.

Константин Кузьмич Совет Иттифоқи туркологиясининг энг етук, забардаст вакилларидан биридир. У машхур ва энг йирик лексикограф, турк тилларининг зўр билағони, жонли турк ва эрон тилларининг, қадимий турк ёзувининг билимдони ҳисобланади.

Константин Кузьмич Юдахин 1890 йил 31 майда Оренбург губерниясининг Орск шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўзининг ёшлик чоғларини Авлиё-ота (Қозоғистон ССРнинг ҳозирги Жамбул) шаҳрида ўтказди. У бу ерда яшовчи ўзбек, қозоқ, қирғиз халқлари тилини ёшлигиданоқ мукамал эгаллади.

1906 йилда Константин Кузьмич Юдахин Авлиё-отадаги билим юртини битириб, Тошкент шаҳрига келади ва Туркистон семинариясига ўқишга қиради. Бу ерда у ўзбек тилини янада чуқурроқ билишга, форс тилини ўрганишга астойдил киришади. 1910 йилда семинарияни тугатгач, ўзбек қишлоқлари — Манкент, Қорабулоқда муаллимлик қила бошлайди. Ана шу пайтдан олимнинг фанга қизиқиши бошланиб, шу қишлоқлар аҳолисининг жонли талаффузини кузатиб бориб, кейинчалик, Манкент ва Қорабулоқ шеваларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи қизиқарли фактик материаллар тўплаб илмий иш ёзади.

Юдахин 1915 йилдан то 1920 йилгача Сибирьда ишлайди. У ерда яшаши унинг уйғур тилини мукамал билишига имкон беради. 1920 йилда олим Урта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетига кириб, 1925 йилда уни муваффақиятли тугатиб, турк-эрон филологияси бўйича мутахассис бўлиб етишди ва шу йили Ленинград шаҳрига илмий иш билан шуғулланиш учун бориб, у ерда ўзбек, қозоқ, қирғиз тилларидан дарс бера бошлайди. Сўнгра Ленинград университетиде, СССР Фанлар академиясида ишлайди. Бир қанча туркий тилларни, форс тилини практик жиҳатдан яхши билиши Константин Кузьмичнинг чуқур ва кенг илмий иш олиб боришига имкон берди. Ленинградда К. К. Юдахинни луғатчилик ишлари қизиқтирди. 1927 йилда олимнинг қисқача «Ўзбекчарусча» луғати нашр этилди. Бундан сўнг у «Қирғизча-русча» луғат тузиш ишини бошлаб юборади.

1932 йилдан Москва шарқшунослик институти уйғур тили кафедрасига мудирлик қилади. 1940 йилда К. К. Юдахинга профессор унвони берилади. Москвада К. К. Юдахин кўзга кўринган машхур туркшунос олимлар В. А. Гордлевский, В. М. Насилов ва бошқалар билан

бирга ишлайди. К. К. Юдахин янги турк алфавити марказий комитетида илмий ходим бўлиб ҳам ишлайди. Унинг «Турк-татар алфавитидаги баъзи ҳарфларнинг қисқаруви ҳақида», «Янги қирғиз алфавити» ҳақидаги мақолалари Ўрта Осиё республикалари халқлари ёзувининг ишланиши, орфографияси, терминологияси учун катта аҳамиятга эга эди. Ҳозирги қирғиз алфавити ва орфографияси бевосита К. К. Юдахин раҳбарлигида тузилган.

1944 йилда К. К. Юдахин Қирғизистон ССР ҳукуматининг таклифи билан Фрунзе шаҳрига доимий ишлаш учун келади. Бу ерда у СССР Фанлар академияси Қирғизистон филиали Тил, адабиёт ва тарих институтида сектор мудири лавозимида ишлайди. 1946—1952 йиллар давомида М. В. Фрунзе номидаги Қирғизистон Давлат педагогика институтида, В. В. Маяковский номидаги Фрунзе хотин-қизлар педагогика институтида ўзбек тилшунослиги кафедрасида профессор бўлиб ишлади.

1949 йилда фаолиятининг унвондорлигини ҳисобга олиб, К. К. Юдахинга ҳимоясиз филология фанлари доктори илмий даражаси берилди. К. К. Юдахин Қирғизистонда самарали меҳнат қилар экан, Ўрта Осиёнинг бошқа республика олимлари билан ҳам айниқса Ўзбекистон туркологлари билан алоқада бўлди.

Еш олимлар етиштириш, ўзбек тилшунослигининг актуал проблемаларини муҳокама этиш ва ҳал қилишда устоз К. К. Юдахиннинг улуши бекиёсдир. Устознинг юксак фаолияти, катта хизматлари Ўзбекистон жамоатчилиги томонидан юқори баҳолашиб, 1952 йилда у Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо қилиб сайланди.

К. К. Юдахин бир қатор капитал асарларнинг муаллифидир. «Манкент диалектининг фонетик хусусияти» (1923), «Ўзбекча-русча луғат» (1927), «Қорабулоқ шевасининг баъзи хусусиятлари» (1927), «Чигатой тилининг товуш состави масаласига доир» (1929), «Уйғур хрестоматияси» (1948), «Уйғур ва ўзбек тилларининг ўзаро муносабати» (1950), «Қирғиз диалектини ўрганиш якуни ва вазифалари», «Қирғиз диалектларининг таснифи» (1956), «Водил лаҳжаси ҳақида бир неча сўз» (1957) ва бошқалар профессор К. К. Юдахиннинг қаламига мансубдир.

Қирғиз тили лексикаси бўйича фактик материаллар тўплаш ва уни системалаштириш борасида биринчи илмий тадқиқот ишлари олиб борган киши профессор К. К. Юдахиндир.

1940 йилда Москвада олимнинг 25 минг сўздан иборат «Қирғизча-русча луғат»и босилиб чиқди. Мутахассисларнинг тақризига кўра бу луғат Совет туркологиясида монументал лексикографик асарлар қаторидан жой олган. Бу асари билан К. К. Юдахин қирғиз тили лексикографияси ва лексикологиясига асос солди.

Олимнинг уйғур тилининг грамматик қурилиши, чигатой ва ўзбек тилларининг ёзувида доир илмий-практик асарлари жуда қимматли ва диққатга сазовордир. Бу асарлар ҳозирги қирғиз, ўзбек, уйғур адабий тилларини чуқур ва атрофлича ўрганишга асос бўлди.

Проф. К. К. Юдахиннинг диалектология фанига оид асарлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ўзбек, қирғиз, уйғур шевашунослигига доир қатор илмий-назарий ва практик асарлар ҳам К. К. Юдахиннинг қаламига мансуб. «Лайлак шеваси материалларидан» номли мақоласида профессор Юдахин ўзбек, тожик, уйғур тилларининг ўзаро алоқасини характерлаб бериш, қирғиз диалектологияси учун бунинг катта аҳамияти борлигини қайд этади.

Академик К. К. Юдахинни фақатгина туркология эмас, адабиётшунослик фани ҳам қизиқтирди ва у бу соҳада ҳам анча илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Ҳозирги кунда проф. К. К. Юдахин «Манас» эпосининг таржимасини (300 минг мисра) таҳрир қилмоқда.

Проф. К. К. Юдахиннинг энг катта монументал асари ҳисобланган «Қирғизча-русча луғат»и 1965 йилда Москвада «Совет энциклопедияси» нашриёти томонидан босилиб чиққан. Мазкур луғат 162 босма лист бўлиб, 40 минг сўздан иборатдир. Луғат ўз ичига фразеологик, идиома-тик бирикмалар, бадний адабиёт, халқ оғзаки ижоди, жонли тил матери-алларини қамраб олган.

Мазкур луғатни тузиш учун проф. К. К. Юдахин ўзининг қирқ йил-дан ортиқ умрини сарфлади. Бунда қирғиз халқининг на фақат тилини, балки унинг тарихини, урф-одатини, психологиясини ҳам акс эттирди. Бу луғат Совет Иттифоқида нашр этилган луғатлар ичида энг юқори баҳоланиб, унинг муаллифи 1967 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. К. К. Юдахиннинг тузган луғатлари турк тиллари луғат-лари ичида энг яхшиси ҳисобланади.

Проф. К. К. Юдахиннинг туркология соҳасидаги тадқиқотлари фақат Иттифоқимиздагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир.

К. К. Юдахиннинг юқори малакали маҳаллий кадрлар етиштириш-даги хизматларини алоҳида қайд этмоқ керак. Унинг раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан кандидатлари ва докторлари ўзларининг диссертацияла-рини муваффақиятли ҳимоя қилиб туркологиянинг турли соҳаларида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Олий ўқув юртларида, раҳ-барлик лавозимларида хизмат қилмоқдалар. Жумладан: СССР Педаго-гика Фанлари академиясининг академиги проф. В. В. Решетов, Қирғизис-тон ФА академиги Б. М. Юнусалиев, филология фанлари докторлари С. Қудайбергеннов, Б. Орузбоева, филология фанлари кандидатлари А. Алиев, С. Низомиддинова, С. Исамухамедова, И. Фармонов ва бош-қалар.

Ҳурматли домламыз К. К. Юдахиннинг самарали меҳнатларини пар-тия ва ҳукуматимиз юқори тақдирлаб, уни Ленин ордени, Меҳнат қизил байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари ва бир қанча медаллар, Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади.

Машҳур олим, меҳрибон мураббий К. К. Юдахинни муборак саксон ёшга тўлганликлари ва илмий-педагогик фаолиятларининг 60 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз, устозга сиҳат-саломатлик, бардам-лик, узоқ-узоқ умр тилаймиз.

Азим Ҳожиёв,
Ҳисом Ғуломов

ТИРИК САТРАЛАР

ОЙБЕКНИНГ НАСРИЙ ШЕЪРЛАРИ

Академик Ойбекнинг шеърий меросини нашрга тайёрлаш жараёнида шоирнинг ҳали матбуот юзини кўрмаган бир қанча лирик асарларини учратдик. Шоир ижодининг турли даврларига ва шеъриятнинг турли жанрларига мансуб бўлган бундай асарлар орасида насрий шеърлар ҳам бор эди.

Насрий шеър ўзбек классик адабиёти ва халқ оғзаки ижодида шеърий нутқ формаси ўлароқ кўринган бўлса, у ўзбек совет адабиётида шеърий жанр сифатида ҳам намоён бўлди. Ҳамза, Миртемир, Ш. Сулаймон ва бошқа шоирларнинг 20-йилларда яратилган сочма шеърлари ана шу жанрнинг дастлабки намуналари эди.

Ойбекнинг бугун биринчи марта эълон этилаётган насрий шеърлари, бир томондан, унинг бу жанрда ҳам катта илҳом ва маҳорат билан ижод этганини кўрсатиб, адиб ижодининг номаълум қиррасини очса, иккинчи томондан, ўзбек адабий тилига янги услуб товланишларини олиб кирган, унинг фақат луғат бойлигида эмас, балки мусиқий қурилишида ҳам маълум даражада из қолдирган улкан санъаткорнинг шу борадаги изланишларини ҳам намойиш этади.

Қуйида эълон этилаётган «Мансур (яъни насрий — ред.) шеърлар» 1928 йилнинг 6—8 августида ёзилган. «Юлдуз-қиз ҳақида эртақ»нинг ёзилиш санаси эса номаълум: эртақ тугалланмай қолгани сабабли шоир унинг ёзилган вақтини ҳам қайд этмаган. Бу асар қўлёзмасини Ойбекнинг бошқа асарлари билан солиштириш унинг ё 1942 йилда ёки 1946 йилда ёзилган дейишимизга имкон беради. (Бу ҳар иккала йилга оид шеърлар ёзилган қоғоз ва ундаги сиёҳ бир хил.) Асарнинг умумий руҳи ва услуби эса унинг 1946 йилда ёзилган дейишимизга кўпроқ асос беради.

Бу насрий шеърлар Ойбекнинг бошқа номаълум асарлари билан биргаликда унинг ўн олти томлик «Мукаммал асарлар мажмуаси»да биринчи марта эълон этилади. Бу мажмуага кирган асарларни, шу жумладан насрий шеърларни нашрга тайёрлашда шоирнинг дўсти ва рафиқаси, мўътабар инсон — Зарифахоним Саидносирова ўзининг беқиёс ёрдами ва қимматли маслаҳатлари билан иштирок этмоқда.

Н. Қаримов

МАНСУР ШЕЪРЛАР

1

Нега тўкилдингиз, япроқлар? Сарик япроқлар?! Осмондаги булутларнинг хўрайишиданми қўрқдингиз?

Баҳорнинг ипак қўллари силаб уйғотган эди.

Қушларнинг кичик қалби нашъангиз ила тошган эди.

У чоғларда телба бир шоир ҳам қўшиқларингизни тинглай-тинглай алла қандай бир шеър ёзиб қўйганди, унутдингизми?

Оёқларим остида пароканда ўсишган япроқлар, қуёшни эмдингиз. Баҳорнинг олтин сочларидан бўсалар олдингиз. Шафақларнинг қизил жилвалари юзингизда кулди.

Ҳозир кузнинг эрталабки изғирини сизни қувлайди. Тутқич бермай қочиб юрасиз. Юзларингиз сариқ, буришиқ. Дудоқларингиздан маҳзун куйлар тўкилади, куз япроқлари!

Нима демоқчисиз, истагингиз нима? Яшил тахтдан қувландингиз. Лекин яна ерга — ҳаёт сийнасига тушдингиз, унинг қучоғида яна яшайсиз. Яна бир кун куласиз, баҳорнинг олтин сочларидан бўсалар оласиз.

Дудоқларингиздан тўкилган абадий ҳаётнинг қўшиқларими?

2

Ҳой, чечакларнинг ошиғи, гўзал капалак! Эрталаб қуёш билан баробар уйғонасан. Нозик қанотларинг-ла чечакларни силайсан. Дудоқларинг-ла гунчаларни очасан.

Мен сени ёшлигимда нақадар севар эдим, биласанми? Соатларча қувлардим, ипак қанотларинг қўлларимга илинмасди. Бир кун онамга эркаландим: «Тутиб бер, она!» — дедим. Лекин сен тутқич берарминдиг. Шу қадар чаққон эдингки...

Ҳой, чечакдан-чечакка қўнган капалак! Кундузлари чаманликларда тентирайсан, кечалари қайси чечак қўйнида юлдузларга тикиласан?

Ҳаётнинг буюк тўлқинлари бор — тоғлар чидолмас. Ҳаётнинг бўронида, чечак, тахтларинг ила борасан, шундайми, кичик капалак?

Кундузлар чаманликлардан тентирайсан, кечалари қайси чечак қўйнида юлдузларга тикиласан?

3

Уфқларда шафақ қизиллиги кулар экан, менга кўриндинг. Оғочликда эдинг, яшил япроқлар мафтун эди, атрофингни қуршаганди.

Тўрға тушган бедана каби типирчилаган қалбинг ила яқинлашдинг, кўзларинг сузилди.

Сенда юнон ҳайкалларининг соддалик ва гўзаллигини кўрдим. Оқ кийимда эдинг, юзингга шафақ қизиллигидан тўр тутган эдинг. Кўзларингга чексизлик юлдузи порлар эди. Боқа олмадим. Қалбим ичида чексиз оғирликнинг оний қимирлашини ҳис этдим. Юзларингни япроқлар ила бекитдинг. Қалбимни кўзимданми англадинг?!

Уфқларда шафақ қизиллиги ёнаркан, менга кўриндинг. Малак каби соф чечакни узиб, қўлга олганимда, оғочликлар орасига қочдинг, йўқолдинг.

Юлдуз-қиз ҳақида эртак

Қуёш қизи Зухра самонинг ложувард майин шойисида олтин кўзли ҳамширалари билан иноқ қуршалиб, гўзаллар маликаси каби таанали, улуғвор сайр этаркан, кўкка муаззам оҳангни, мислсиз ҳусн ва латофатни, гўё унинг бир томчи олтинини бағишлагандек туюларди. Унда Қуёшнинг қони бор эди. Зухра ҳар оқшом Донишмандлик тоғининг муаззам, ёрқин чўққиси тепасига этаркан, бир онда қизга айланар, нозик оёқларини қояга енгилгина қўяр, теваракдаги чаман-чаман гулларга лиқ тўла, ажойиб, нурли тоғларга завқ ва ишқ билан боқарди. Гўзаллик тоғи, Ишқ тоғи, адолат тоғи—ҳаммаси бир-биридан улуғвор, зиёдор, ёрқин... Бу «Боғи Эрам» эди, ҳусн диёри эди. Бу ернинг гуллари қуёш ишқи билан, юлдузларнинг табассуми билан нафас олар эди. Бу ерларнинг меваси ҳаётга ҳаёт қўшар эди. Бу ернинг сувлари шеър ва илҳом булоғи-

дан оқарди. Бир ютум ич,— бир онда асрларнинг завқи руҳингда чайқаларди! Бу ерларнинг қушлари «Лисонут-тайр» қушларидек донишманд эди. Бу Юлдуз-қизнинг диёри, унинг жавлон нигоҳи эди.

Зухра Эрам боғининг гўзаллиги ва латофатини очиб, сайр этаркан, гуллар кўркам ва нафис тожларини унинг мўъжиз оёқларига қўяр, юлдузлар булутларнинг майин оқ ипагини унинг боши устига тутиб, тантана билан оқардилар.

Зухра Эрам боғини кезар, тоғларнинг ёрқин чўққиларига чиқар, ҳамиша тошидаги қумуш созини чалар ва куйлар эди. Қумуш соз ва Зухранинг овози таърифи учун сеҳрли, илҳомкор, фусули ва бошқа юзларча салмоқдор сўзлар гунг... Зухранинг гул рангли бармоқлари қумуш соз қилларини чертаркан, ғунча дудоқларидан садолар учаркан, қари тошларнинг буришиқ юзлари руҳланиб кетарди. Унинг дудоқлари билан табиатнинг улуг қалби, ҳаётнинг муаззам, бемисл табиий оҳанги куйларди. Зухра улуг ишқ ҳақида, умид ҳақида, абадий нур ҳақида куйларди. Қўшиқнинг ҳар бир сўзи гўз дунзни кундузларга қуёш каби руҳни ёрқинлатарди...

Эрам боғининг орқасида, зулмат тоғлари ичида Қора дев яшарди. У Қора Балонинг фарзанди, Вабонинг оғаси эди. У ялмоғизнинг кўкрагидан сут ўрнига фасод эмган; уни ажалнинг кампири аллалаган эди. Боғи Эрамга, унинг ранг-баранг шуъла сочган тоғларига қутурган ит боқиши билан қараркан, юрагида ғазаб илони тўлганиб-тўлганиб қўярди. Айниқса у Юлдуз-қизга нафрат қиларди. Унинг сози куйини эшитаркан, девнинг мияси пармалангандек бўлар, у ғинширди, қақшарди, безгакланарди.

— Соз нима? Қўшиқнинг нима кераги бор? — ҳурарди у.— Бир қозон қонни пишириб ошаганимдан кейин қорним қулдурашини тинглайман. Мана бу мен учун энг ёқимли мусиқа! Ишқ? Бундақанги бемаъни, иккинчи сўзни тўқиб бўлмайди!

Эрам боғида тошган шуълалар унинг қон қуюлган кўзларини ниналарди. Кўмир палахсасидек қора гавдаси туннинг қалин сим-сиёҳ чодрида ўзини илиқ ва роҳатда сезарди.

— Гўзаллик? Бу сўздан кўнглим айнайди. Буни шоир, санъаткор, файласуф деган бир гуруҳ ожиз, аҳмоқларнинг хаёлхонаси ясаган. Дорда алифдек чўзилиб, аста чайқалган гавда менинг руҳимда қандай нозик ҳаяжонлар уйғотади!

Қора дев қўшни водийларни талаб, катта ўлжалар билан қайтган куни ҳамқур девларча зиёфат берди. У ғалабадан маст эди, ҳавони бўғувчи заққум оғочлар кўланқасида ястаниб, дунёнинг чангини чиқармоқ тўғрисида кекирдагини чўза-чўза лоф ураркан, узоқда Юлдуз-қизнинг куйи янгради.

— Бас энди! — чаён чаққандай бетқатланиб бақирди Қора дев. — Боғи Эрамни яксон қиламан. Зухранинг олтин сочларини юлиб ёқаман. Кўзларини ўйиб, итларимга ташлайман. Мендан даҳшатли куч борми жаҳонда? Баччажишлар, яжуж-маъжужлар отлансинлар! Ажал ғорида қамалиб, димиқиб ётган Қора Бўронга амр этинг, йўл бошласин!

Қора девнинг улфатлари маст, телба қийқириқлар билан саркардани олқишладилар. Елғиз унинг маккора холасининг эри — Қари Сарик дев бошини чайқади:

— Боғи Эрамнинг ботир фарзандлари бор-ку!

— Соқолинг киндагингга тушса ҳам қиттай тажрибанг йўқ,— деди хахолаб Қора дев.— У ботирлар турли тилда гаплашадилар. Бундан хулоса чиқармоқ керак, тентак чол! Ҳа, бундан ташқари, улар ақлга ва гўзалликка топинадилар. Бу иккиси кишини эски латтага айлантиради. Ёўйнига юз дарра уринг, бу қари итни!...

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АДАБИЁТШУНОСЛИК
ВА ТИЛШУНОСЛИК БУЛИМИНИНГ ЙИЛЛИК МАЖЛИСИ

Шу йил март ойида СССР Фанлар академияси Адабиётшунослик ва тилшунослик бўлимининг йиллик мажлиси бўлиб ўтди.

Бўлимнинг академик-секретари акад. М. Б. Храпченко ўзининг кириш сўзида адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасида мамлакатимизда ва биринчи навбатда СССР Фанлар академиясида, Иттифоқдош республикалар Фанлар академияларида В. И. Ленин йилида бажарилган ишларнинг умумий манзарасини ёритиб берди, конкрет илмий йўналишлардаги асосий тадқиқотларни санаб ўтиб, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини кўрсатиб берди. Шу билан бир қаторда акад. М. Б. Храпченко мавжуд камчиликларни қайд этиб ўтди. Баъзи илмий ишларда ижод ва моделлаштириш ленинча инъикос назариясига қарши қўйилмоқда; бу эса ана шу тадқиқотларда мавҳумлик ва схематизмга йўл очиб бермоқда,— деди у.

Фольклористика фанини ривожлантиришда ҳам қийинчиликлар мавжуд. Фольклористиканинг ўзи нима деган масала атрофида ҳам мубориза бўлиб турибди. Баъзилар фольклористикани адабиётшуносликнинг бир қисми, деб билсалар, иккинчи гуруҳ ўртоқлар бу фани этнографияга қўшадилар, учинчилари уни санъатнинг бир бўлаги, деб талқин қиладилар. Тўртинчи бир гуруҳ вакиллари эса бу масала умуман ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деб даъво қиладилар. Ана шу масалалар атрофидаги баҳслар фольклористика фанининг ривожланишига путур етказмоқда. Вазифа шундан иборатки, шу масалага аниқлик киритиш учун адабиётшунос ва тарихчи олимларни тортмоқ керак.

Тилнинг белгилик моҳияти (о знаковой сущности языка) ҳақида, тил ва услуб ҳақида кўп ёзилмоқда,— деди М. Б. Храпченко давом этиб. — Лекин нашр этилган материалларни ўрганиш бу масалаларда ҳали етарли аниқлик йўқлигини кўрсатади. Тор соҳада ихтисослашиш, кичик бир проблема бўйича ўзини мутахассис ҳисоблаб, бошқа соҳаларни билмаслик ва уларга қизиқмаслик ёш филолог олимларимизнинг катта камчилигидир.

Акад. М. Б. Храпченконинг кириш сўзидан сўнг Литва Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори К. П. Қорсакас Литвадаги филологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ҳақида ҳисобот берди. У Литвада тилшунослик фани гуманитар фанлар орасида етакчи роль ўйнаётгани ҳақида гапирар экан, лексикография соҳасида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Институт Литва тилининг бир томли изоҳли луғатини яратди,— деди у.— Ҳозир эса Литва тилининг 15 томлик академик луғати (бу луғатнинг 1-томи 1940 йилда чиққан эди, ҳозир 8-томи чиқди), икки томли русча-литвача луғат, Литва дарёлари ва кўлларининг номлари луғати, аҳоли яшайдиган жойлар номларининг луғати, литваликлар фамилиялари луғати тайёрлан-

моқда, ўтмишдаги литвалик машҳур тилшуносларнинг танланган асарлари босиб чиқарилмоқда, нутқ маданияти устида иш олиб бормоқда. Институт адабиётшунослари эса, Литва адабиётининг тўрт томли, адабий танқидчиликнинг икки томли тарихлари устида иш олиб бормоқдалар. Халқ ижодини ўрганиш соҳасида ҳам анчагина ишлар қилинган. Докладчи Литва филологларининг камчиликларига тўхталиб, ҳалигача литва тилининг тарихий грамматикаси яратилмагани, лексикографиянинг тарихий тараққиёти, миллий тилни нормалаштириш масалалари диққатдан четда қолаётганини қайд этди.

Шундан кейин мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фаолиятининг асосий якунлари ҳақида институт директори Қ. Х. Хоназаровнинг докладини эшитдилар. Докладчи Институтнинг ташкил топиш тарихини қисқача ёритиб, институт коллективининг ўзбек тили ва адабиётининг барча соҳалари бўйича олиб борилган тадқиқотлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ҳозирги вақтда Институтда 8 тилшунослик ва 7 адабиётшунослик секторлари бор. Институтда 200 дан ортиқ ходим ишлайди, шулардан 21 таси фан доктори ва 71 таси фан кандидатидир. Институт фақат кейинги 6 йил мобайнида 1200 босма листдан ортиқ илмий маҳсулот босиб чиқарди. Бу ленинча миллий сиёсатнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан изчиллик билан амалга оширилишининг ёрқин самарасидир,— деди докладчи. Катта ютуқлар билан бир қаторда ўзбек филологлари тадқиқотларида камчиликлар ҳам борлиги докладда қайд қилинди: кўп тадқиқотларнинг назарий даражаси ҳали талабга жавоб бермайди, қатор олимларимиз тавсифчилик гирдобиди айланиб қолганлар ва ҳ. к.

Бўлимнинг 1969 йилдаги фаолияти якунларининг К. П. Корсакас ва Қ. Х. Хоназаров докладларининг муҳокамасида Озарбайжон ФА академиги М. Ш. Шералиев, Украина ФА вице-президенти И. К. Белодел, СССР ФА мухбир аъзолари А. Н. Кононов ва В. И. Борковский, филология фанлари докторлари проф. Ю. Д. Дешериев, И. Г. Неупокоева, Э. В. Севортянлар сўзга чиқдилар. Улар докладларни юксак баҳоладилар. Қ. Х. Хоназаровнинг доклади юзасидан сўзга чиққан А. Н. Кононов, Э. В. Севортян ва Ю. Д. Дешериев ўзбек тилини илмий ўрганиш Совет ҳокимияти йилларида қандай катта муваффақиятларга эришганини қайд қилиб ўтдилар.

А. Н. Кононов фикрича, кейинги йилларда Ўзбекистонда танқидий текст билан шуғулланмай қўйди. Текширилмаган текст билан ишлаш қийин. Ўзбекистонда кўп диссертациялар танқидий текстларга суяниб ёзилган эмас.

Э. В. Севортян ўзбекча-русча луғатга юксак баҳо бериб, уни Қ. К. Юдахиннинг қирғизча-русча луғатидан кейин қўйса бўлади, деди. Ўзбек тилшунослари нутқ қисмларидан, русистика ва германистика фанлари йўлидан бориб, проблемаларни ўрганишга ўтишлари керак. Ушандагина тилшунослик темалари соҳасида сезилаётган камчиликдан қутулиш мумкин. Нотиқнинг фикрича, ўзбек тилини тарихий-қийсий ўрганиш сектори ҳали ўз вазифасини аниқламаган. Бу сектор ўзбек адабий тилининг тарихи ёки қийсий грамматика устида ишлаши керак. Институтда лексикология группаси тузилса яхши бўларди,— деди нотиқ сўзини тугатиб.

Ю. Д. Дешериев ўзбек тилшунослари социолингвистика масалалари билан шуғулланишлари кераклигини таъкидлаб ўтди.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ўз тарихида биринчи марта СССР Фанлар академияси Адабиёт ва тил бўлимида ҳисоб берди. Институт коллективининг катта ва кўп йиллик меҳнати

юксак баҳога сазовор бўлди. Эндиги вазифа — навбатдаги масалаларни ҳал қилишга енг шимариб киришиш ва мавжуд камчиликларни бартараф қилишдан иборатдир.

Қ. Хоназаров

«ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ» ИЛМИЙ СОВЕТ МУҲОКАМАСИДА

Институт ақинда бўлиб ўтган илмий советларидан бирини Октябр-гача бўлган ўзбек адабиёти секторининг илмий коллективи томонидан яратилаётган «Ўзбек адабиёти тарихи» масаласининг муҳокамасига бағишлади. «Ўзбек адабиёти тарихи» устидаги ишнинг бориши тўғрисида шу сектор мудири, филология фанлари доктори проф. А. Ҳайитметовнинг ахбороти тингланди.

Узоқ ўтмишга эга бўлган халқимизнинг бой адабий меросини илмий равишда ёритиш принципиал аҳамиятга эга бўлган катта масаладир. Бу соҳада шу вақтга қадар қўлга киритилган ютуқларнинг қонуний давоми сифатида юзага чиқадиган «Ўзбек адабиёти тарихи» тўрт томдан иборат бўлиб, I-том — ўзбек адабиётининг энг қадимги даврлардан бошлаб XV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бугунги кунда бу том устидаги иш тугалланди, деб айтиш мумкин. Авторлар коллективи планлаштирилган мавзулар устидаги ишни деярли якунладилар. Бу шу йилнинг кузида том материалларини яхлит ҳолда муҳокамага қўйиш имкониятини беради. «Адабиёт тарихи»нинг иккинчи томида ёритилиши мўлжалланган давр биринчи томга нисбатан анча кичик. Бу томда XV асрнинг II ярмидаги адабий ҳаёт ўз ифодасини топиши керак. Лекин бу том материалларининг қамрови ниҳоятда кенг. Бу томда улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий яшаб ижод этган даврнинг маданий-адабий ҳаёти, шоирнинг ҳаёт йўли, адабий-илмий мероси кенг планда таҳлил қилинади. Том учун тузилган проспектида бу давр адабий ҳаётининг бирмунча илмий проблемаларини ҳал этиш ҳам кўзда тутилган.

«Ўзбек адабиёти тарихи»ни яратишда институт олимларидан ташқари бошқа илмий ташкилотлар, олий ўқув юртлари етакчи ходимларининг ҳам иштирок этишини илмий совет ижобий бир ҳол сифатида баҳолади. Жумладан «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг учинчи томи устида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг филолог олимлари жиддий иш олиб бормоқда. Бу томга масъул муҳаррир бўлган Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги В. Абдуллаев бошчилигидаги олимларнинг текширишларида XVI асрнинг бошланишидан XVIII асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврдаги ўзбек адабиётига диққат қилинади.

Ўзбек адабиёти тарихида XIX аср воқеаларга бой бир давр сифатида кўзга ташланади. Шунга кўра икки китобдан иборат бўлиши мўлжалланган IV томнинг биринчи китобида XIX асрнинг биринчи ярми адабиёти илмий ёритилса, иккинчи китобда XIX асрнинг иккинчи ярми — Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейинги даврнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий характеристикаси ва адабий ҳаётига диққат қилинади. Маърифатпарварлик ва демократик адабиёт намояндаларининг ижодлари кенг таҳлил этилади.

Илмий совет «Ўзбек адабиёти» тарихининг томлари устида ҳам қизгин иш олиб борилаётганлигини маъқуллади ва секторга авторлар коллективи билан алоқаларни бундан кейин ҳам янада мустаҳкамлаб, ҳар бир томга кирган проблемаларни тугаллаш графикларини белгилаб

шлиш, тугалланган қисмларнинг муҳокамаларини ўз вақтида ўтказиб боришни вазифа қилиб топширди.

«Ўзбек адабиёти тарихи» масаласи бўйича муҳокамада сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзолари В. Зоҳидов, И. Султонов, Ю. Султонов, авторлар коллективи номидан гапирган филология фанлари доктори А. Қаюмов, филология фанлари кандидати Р. Мажидий ўртоқлар «Ўзбек адабиёти тарихи» яратишдек ниҳоятда муҳим, шу билан бирга мураккаб вазифани адо этишда дастлабки жиддий қадам қўйилганлигини таъкидлаб, мавжуд қийинчиликлар ва уларни илмий равишда ҳал этиш борасидаги вазифаларга тўхталдилар.

Институт директори проф. Қ. Хоназаров ҳам Октябргача бўлган ўзбек адабиёти сектори коллективининг «Тарих» устидаги ишларида қўлга киритган муваффақиятларини қайд этиш билан бирга томлар устидаги ишни ҳар томонлама кучайтириш борасида конкрет таклифлар киритди. Илмий совет тугалланган томларнинг макетларини чиқариш, уларнинг муҳокамасини ўз вақтида юқори савияда ўтказиш борасида қарор қабул қилди.

Содир Эркинов

ДИССЕРТАЦИЯ ТЕМАЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетларида ўзбек тили ва адабиётининг қуйидаги проблемалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

Докторлик диссертациялари

Адабиётшунослик бўйича

1. Абдужабборов Т. А. Садриддин Айний прозасида реализм (бадий маҳорат проблемалари).
2. Мирзаев С. З.— В. И. Ленин ва ўзбек совет адабиёти.
3. Муқимов Р. Р.— Ўзбек ва тожик адабиётларида сатира ва сатирик образлар проблемаси.
4. Орзибеков Р. О.— Революциягача бўлган ўзбек адабиёти тараққиётида Каттақўрғон шоирларининг роли ва ўрни.
5. Тоҳиров К.— Шарқ халқлари адабиётларида «Хамса»чилик традицияси.
6. Холматов Ш. Қ.— Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётларида масал жанрининг тараққиёти.
7. Шукуров Н. Ш.— Ўзбек совет поэзиясида метод бирлиги ва стиллар ҳар хиллиги.
8. Ҳожиметов Ж. М.— Ўзбек совет адабиётида Улуғ Ватан уруши темасининг акс этирилиши.

Тилшунослик бўйича

1. Абдурахмонов Н. — Туркий тилларда келишик категорияси.
2. Валиев М. В. — Ўзбек халқ шеваларида қавм-қариндошлик терминлари.
3. Ражабов Н. Р.— Самарқанд область ўзбек шевалари.

4. Хўжаев Т.— Ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг майл категорияси.
5. Қўнгулов Р. Қ.— Ўзбекистон топонимикаси.
6. Ҳамдамов Ж. Ҳ.— Ўзбек тилида равишдош формаларининг тараққиёт тарихи.

Кандидатлик диссертациялари

Адабиётшунослик бўйича

1. Адашев М.— «Раъно ва Зебо» сюжетини ишлашда Ўрта Осиё халқлари адабиётларининг ўзаро таъсири ва ҳамкорлиги.
2. Аҳмадохунов Т.— Ўзбек ва қирғиз адабий алоқалари.
3. Аҳмедов Т.— Ҳамид Ғулум поэзияси.
4. Бойқобилов Б.— Сарвар Азимов ижоди.
5. Бурхонова С.— Ғ. Ғулум ижодида муҳаббат ва оила темаси.
6. Воҳидов Р.— Шайхимбек Сухайлий ҳаёти ва адабий мероси.
7. Жалолова Г.— Абдулла Қаҳҳор ижодида хотин-қизлар образи.
8. Каримова Ҳ.— 50-йиллар ўзбек совет поэмалари.
9. Мажидов Р.— Халқ китоблари жанри ва Ризойининг «Хуршид ва Маликан Дилором» достони.
10. Мирсаидов Ж.— Амир Хусрав Деҳлавий «Оинаи Искандар» достонинг критик анализи.
11. Нарзуллаев Н.— Ўзбек поэзиясида Самарқанд образи.
12. Норов Р.— Ўзбек ва тожик прозасида сатирик повесть проблемаси.
13. Ражабов Ю.— Иброҳим Раҳим прозаси (конфликт ва характер).
14. Сафаров О.— Шукур Саъдулла—болалар ёзувчиси.
15. Сирожиддинов С.— Абдулҳамид Мажидийнинг ҳаёти ва адабий мероси.
16. Суворқулов И.— XIX аср охири ва XX аср бошидаги Жиззах шоирларининг поэтик мероси.
17. Умиров Ҳ.— Ўзбек адабий танқидчилигида маҳорат.
18. Шаропов А.— Ўзбек совет поэзиясида поэтик символ.
19. Ғафуров И.— Ўрта Осиё ва Қозоғистон ёзувчилари романларида Октябрь социалистик революцияси ҳамда гражданлар уруши воқеаларининг акс эттирилиши.
20. Қамаров А.— Ўрта Осиё Қозоғистон халқлари адабиётларида автобиографик повесть жанри.
21. Ҳамидова Р.— Шоир Воланинг адабий мероси.

Тилшунослик бўйича

1. Исроилов О.— Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўзга гап.
2. Маматқулов М.— Ҳозирги ўзбек адабий тилида бириккан сўзлар.
3. Тўйчиев М.— Шухрат романларининг тили ва стили.
4. Усмонов И.— Ҳозирги ўзбек адабий тилида юклама категорияси.
5. Эгамбердиев Р.— Восифий «Бадъ-ул-вақоеъ» китобининг лексикаси ва фразеологияси.
6. Ҳамраев Ҳ.— Ҳозирги ўзбек тилида фонетик процесслар.

А. А. АНИСИЙ



жалб этилади ва Тошкентга чақирилади. Шу иш жараёнида Анисийдаги чуқур билим ва қобилият яққол намоён бўлади ва эътироф этилади. У Тошкентда 1941 йилгача А. К. Боровков, А. А. Семёнов, А. А. Андреев, О. Шарафуддинов, Ф. Фулом, Ҳ. Зариф, А. Боқий, Ҳабибий каби олим ва шоирлар билан бирга Навоий асарларини нашрга тайёрлаш ишларида фаол иштирок этади.

Анисий 1958 йилга қадар Андижондаги Ўйғур театрида адабий эмакдош ҳамда мактабда ўқитувчилик қилади. 1958—1959 йилларда Ўзбекистон бадий адабиёт нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. 1959 йилдан умрининг охиригача ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим вазифасида ишлаб келди.

Республикамизда нашр этилган ўнлаб классик адабиёт намуналари Анисий таҳририда ўтган Хусусан, Нодира шеърларининг юксак илмий савияда нашр қилинишида унинг хизматлари каттадир. Муҳаййир шеърлари, «Чор дарвеш» (Хиромий) каби бир қатор асарларнинг биринчи нашри ҳам Анисий номи билан боғлиқ.

Анисийнинг Бадри Чочий мероси устида олиб борган чуқур тадқиқотлари, айниқса, диққатга сазовордир.

У XIV асрда Ҳиндистонда ижод қилган тошкентлик буюк шоир ва олим ижодиётининг ниҳоятда мураккаб муаммоларини ҳал этишга ўзининг бутун куч-ғайрати ва кўп йиллик самарали меҳнатини бағишлади. Ниҳоятда мураккаб услубга эга бўлган Бадри Чочий шеърини ҳақида бирорта тадқиқот иши (бизда ҳам, чет элда ҳам) йўқлигини эътиборга олсак, домланинг илмий хизмати янада очиқ кўзга ташланади.

Анисий меҳрибон дўст, хушчақчақ инсон, талабчан устоз эди. У ҳар бир соҳада унга мурожаат қилган кишиларга бирор йўл билан ёрдам қилишга доимо вақт топар эди. Унинг бугун орамизда йўқлигини тасаввур қилиш ниҳоятда оғир. У ўзининг ажойиб тадқиқотлари, яхши орау ва режалари билан ҳамкасаба дўстлари ва шогирдлари қалбида доимо яшайди.

Ўзбек классик адабиётининг билимдонларидан бири, кекса илмий ходим Абдулаҳад Анисий (Азизов)нинг ҳаёт иллари узилди. Улим бу заҳматкаш ва билимдон инсонни орамиздан олиб кетди. 1900 йилда Андижон вилоятининг Хайробод қишлоғида деҳқон оиласида туғилган Анисий домла бошланғич маълумотни (1908—1912 йиллар) Пахтаободдаги эски мактабларда олади. Сўнгра Андижон, Қўқон, Хўжанд ва Бухоро медресаларида таҳсил кўради. Араб, форс тилларини кўнгил билан ўрганиш, нозик шеърни дидга эга бўлиш унга Шарқ классик филологияси асосларини мукаммал эгаллаш имкониятини беради.

1938 йилга қадар Анисий Андижондаги турли ташкилот ва корхоналарда хизмат қилади. 1938 йилда у Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан тузилган Навоий комитетида ишга

МУНДАРИЖА

Адабиётшунослик

М. Қўш жонов. Юморийнинг жанр хусусиятларига доир	3
С. Мирвалiev. Езувчи прозасининг баъзи хусусиятлари	9 ✓
М. Султопова. Персонаж нутқи	14
О. Қодиров. Автобиографик жанр хусусиятлари ҳақида	20
А. Анисий. Шарқ адабиётида қасида жанри ва Бадри Чочий	22
А. Иброҳимов. Нисорий ижодига Навоий анъаналари	28
Р. Қодирий. Уйғур социалистик реализм адабиётининг тугилиши ва ривожланиши	36

Тилшунослик

О. Усмон. Тил маданиятининг муҳим масалалари	41
А. Хожиев. Инкор ифодаловчи воситалар ва феълнинг бўлишсиз формаси	49
У. Каримов. Берунийнинг «Сайдана» асарига қайд этилган тил ва лаҳжалар	54
А. Шерматов. Қуйи Қашқадарё шеваларини карталаштириш тажрибасидан	61

Илмий ахборот

Ҳ. Зариф. «Ердан темиртак топган»	65
Қ. Каримов. Баласоғунли Юсуф ҳаётининг баъзи бир саналари	66
А. Алиев. Яшининг «Тенг—тенги билан» фарси ҳақида	67
М. Миртожиев. Вазифадошликнинг ўзига ёндош ҳодисалардан фарқи	69
Ю. Жуманазаров. Жанубий Хоразм диалектида сўз бирикмалари	71
М. Шохназарова. Сифатдош кесимларда инкорнинг ифодаланишига доир	74
Р. Маллин, Э. Назиров. Ўзбекча физика терминларини ясаш йўллари	78

Жажжи тадқиқотлар

Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар	
Е. Исҳоқов. Ташбеҳ	81

Олимлар

А. Хожиев, Ҳ. Фуломов. Профессор К. К. Юдахин	85
---	----

Тирик саглар

Ойбекнинг насрий шеърлари	88
-------------------------------------	----

Илмий ҳаёт

МУҲТАРАМ ЖУРНАЛХОН!

Агар ўзбек тили, адабиёти ва фольклори тарихи билан **шўғуллансангиз**;

бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, баҳс ва мунозаралар билан;

тил, адабиёт, фольклор ва бадиий таржиманинг назарий масалалари билан;

ўзбек тили ва адабиёти билан қардош миллий тиллар ва адабиётлар ўртасидаги ўзаро алоқалар билан **қизиқсангиз**,

1970 йил учун «ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали иттифоқимизда ўзбек филологияси масалаларини кенг ёритувчи ягона органдир. Журнал ўзбек тили, адабиёти ва фольклори бўйича республикамизда олиб борилаётган муҳим илмий тадқиқотларнинг йўналиши ва натижалари билан Сизни мунтазам равишда таништириб боради.

1970 йилда журнал саҳифаларида:

адабиётшунос олимлардан — Иззат Султон, Ҳоди Зариф, Ҳомил Еқубов, П. Шамсиев, А. Қаюмов, Юсуф Султон, В. Абдуллаев, Л. Қаюмов, А. Ҳайитметов, С. Ғаниева, С. Мамажонов, М. Қўшжонов, П. Қодиров, Ё. Исмоқовларнинг;

тилшунос олимлардан — Қ. Хоназаров, Аюб Ғулом, Ш. Шоабдураҳмонов, Ғ. Абдураҳмонов, Ф. Абдуллаев, А. Ҳожиев, Э. Фозилов, Ш. Шукуровларнинг;

ёзувчи ва шoirлардан — Яшин, Миртемир, Ғайратий, Зулфия, С. Аҳмадларнинг илмий тадқиқотлари, адабий-танқидий мақоалари, таржимаи ҳолларини ҳамда

анкетамиз саволларига жавоблар;

диалоглар;

хотиралар;

унутилган асарлар

ва бошқа материалларни ўқийсиз!